O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

**УДК:193.4(575.1)**

***Қаҳрамон АЛМАНОВ,***
*Гулистон давлат университети Т.ф.ф.д.(Phd)*
*E-mail: almanov20111988@gmail.com*

*Ўз ФА МАМ катта илмий ходими, т.ф.д. Бобоёров Ғ.Б тақризи асосида*

## ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА ЎЗБЕК ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНИК НОМЛАР

Аннотация
Мақолада Жиззах воҳаси аҳолисининг, асосий кўпчилигини ташкил қилувчи ўзбекларнинг этник шаклланиши, Воҳадаги жой номларининг катта қисми этнотопонимлардан иборатлиги, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларига оид топономик маълумотлар орқали назар ташланганда бу масала янада турли-туманлик касб этганлиги, моддий маданият эволюцияси жараёнлари ва манбавий материаллар асосида таҳлил қилинган. Шу билан бирга мақолада воҳадаги аҳолининг ўзига хос этник жиҳатларига алоҳида урғу берилган.
**Калит сўзлар:** Жиззах, Сарой, Найман, Қанғли, Қирқ, Юз, Балхи, Турк, Туркман, Сўлоқой, Ачамайли.

## ЭТНИЧЕСКИЕ ИМЕНА, СВЯЗАННЫЕ С УЗБЕКСКИМИ ЭТНОГРАФИЧЕСКИМИ ГРУППАМИ В ДЖИЗАКСКОМ ОАЗИСЕ

Аннотация
Статья основана на этническом формировании населения Джизакского оазиса, подавляющего большинства узбеков, на том факте, что большинство топонимов в оазисе являются этнотопонимами. В то же время в статье подчеркивается этническая специфика населения оазиса.
**Ключевые слова:** Джизак, Сарай, Найман, Кангли, Кирк, Юз, Балхи, Тюрк, Туркмен, Солокой, Ачамайлы.

## ETHNIC NAMES ASSOCIATED WITH UZBEK ETHNOGRAPHIC GROUPS IN THE JIZZAKH OASIS

Abstract
The article is based on the ethnic formation of the population of the Jizzakh oasis, the majority of Uzbeks, the fact that most of the place names in the oasis are ethnotoponyms. analyzed. At the same time, the article emphasizes the specific ethnic aspects of the population of the oasis.
**Key words:** Jizzakh, Saray, Naiman, Qangli, Qirq, Yuz, Balkhi, Turk, Turkman, Soloqoy, Achamayli. Этнические имена, связанные с узбекскими этнографическими группами в Джизакском оазисе.

**Кириш.** Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳаётнинг ҳар бир жабхасида жадалислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар нафақат модеринизация жараёнлари билан,балки тарихий илдизлари ўтмишга бориб тақаладиган ижтимоий иқтисодий муоммоларга боғлиқ. Жиззах воҳаси аҳолисининг, асосий кўпчилигини ташкил қилувчи ўзбекларнинг этник шаклланиши узоқ тарихий жараённи қамраб олган. Ўзбекларнинг этник шаклланишига XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларига оид топономик маълумотлар орқали назар ташланганда бу масала янада турли-туманлик касб этганлиги кўзга ташланади.

Воҳадаги жой номларининг катта қисми этнотопонимлардан иборатлиги, ўз навбатида эса уларнинг кўпчилигини туркий этник номлар ташкил этиши диққатга сазовордир.

**- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Бу ҳолат ўз вақтида Жиззах этнотопонимларини ўрганган тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилган ва бу борада кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, Ўзбекистон топонимияси бўйича изланишлар олиб борган С. Қораев, Х. Дониёров, У. Тўйчиев, А. Туробов, Н. Бегалиев, С. Бўриевлар Жиззах воҳасидаги бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратишган[1]. Қатор муаллифлар томонидан воҳа этнотопонимияси бўйича келинган хулосага кўра, гарчи, воҳанинг барча туманларида бу ҳолат бир хил бўлмаса-да, кўп ҳолларда умумийлик касб этади. Яъни Жиззах воҳасида бир хил номдаги ўнлаб этнотопонимлар мавжуд бўлиб, уларни воҳанинг деярли барча ҳудудларида учратиш мумкин. Масалан, Сарой, Найман, Қанғли, Қирқ, Юз, Балхи, Турк, Туркман ва ҳоказо. Кейинги йилларда воҳа этнотопонимиясини XIX – XX аср бошлари қисман тадқиқ этилган Б. Тўйчибоев ва Қ.Қашқирли томонидан чоп эттирилган “Зоминнинг тил қомуси” номли монографиясида воҳада туркий этнотопонимлар мавжудлигини қайд этиб, уларни номма-ном келтириши диққатга сазовордир[2]. Бизнингча, воҳадаги ўзбек, қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий халқлар билан боғлиқ кўплаб этнонимлар мавжуд бўлиб, уларнинг катта бир қисми ўзбеклар билан бевосита ва билвосита боғлиқдир.

Агар воҳа ўзбеклари билан боғлиқ этнотопонимлар масаласига Жиззах вилоятидаги айрим туманлар мисолида қараб чиқилса ҳам бир хил этнотопонимнинг бир неча туманда учраши кўзга ташланади. Аввало, айтиб ўтиш керак, қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи ўзбеклар кўпчиликни ташкил қиладиган аҳоли масканларида бу ҳолат янада яққолроқ кўринади. Айтиб ўтиш керак, қуйидаги жадвалда айрим этнотопонимларни мисол тариқасида келтиришни лозим топдик, кейинги тадқиқотларимизда эса қолганларига эътибор қаратишни мақсад қилиб қўйдик:

| № | Этнoто-понимлар | Бахмал | Зомин | Ғаллаорол |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Балхи | 1 | 1 | 1 |
| 2 | Қорача | 1 | | 1 |
| 3 | Аччи | | 1 | |
| 4 | Барлос | 1 | 1 | 1 |
| 5 | Қанғли | | 2 | 1 |
| 6 | Уяс | 1 | 1 | 1 |
| 7 | Мўғол | 2 | 1 | 1 |
| 8 | Болғали | | 1 | 1 |

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ушбу жадвалда воҳада учрайдиган этнотопонимларнинг фақатгина кичик бир қисми ўрин олган бўлиб, уларнинг айримлари тарихий ўзбек шажараларида мустақил уруғ номи сифатида (мас. балхи, барлос, уяс, қанғли), бир қисми эса ўзбек уруғлари таркибидаги тармоқ (тўп / тира) сифатида келади: сўлоқой – қирқ; телпакбой– юз; беш-бола – ўзбек-туркман, қўнғирот, қипчоқ; бешкал – манғит, юз уруғлари таркибида учрайди[3].

Жиззах воҳасидаги уруғларнинг кўпчилиги "92 бовли ўзбек уруғи" рўйхатларида келтирган 10 дан ортиқ уруғ номларидан катта бир қисмининг, деярли 80 % и сақланиб қолганлиги диққатга сазовордир. Шундан кўриниб турибдики, ўзбек уруғлари рўйхатига кирмаган, бироқ рўйхатдаги муайян бир уруғ таркибида ўрин олган яна ўнлаб уруғ номларининг бугунги кунда этнотопонимга айлангани кўзга ташланади. Масалан, "92 бовли" рўйхатда жой олмаган Ачамайли, Болқи, Туёқли каби этнотопонимларга воҳанинг бир қатор туманларида дуч келиш мумкин[3]. Шу ўринда Ачамайли ёки Очамайли шаклида учрайдиган этнотопонимнинг бугунги кунда мамлакатимизнинг бир неча вилоятларида мавжудлигини айтиб ўтиш зарур. Жумладан, Тошкент вилоятининг Бекобод туманида, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида, Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида шу номдаги қишлоқлар бунга мисол бўла олади[4].

Аслида ўрта аср ёзма манбаларида Дашти Қипчоқда яшовчи алоҳида бир туркий уруғ сифатида қайд этилган ачамайлилар сўнгги ўрта асрларда ашамайли шаклида қозоқ ва қорақалпоқлар таркибида, асамайли – бошқирдларда, ачамайли – ўзбек, туркман ва қирғизлар таркибида учраб[5], баъзан алоҳида, баъзан эса бирор уруғнинг муайян бир тармоғи сифатида қайд этилган. XX асрнинг илк чорагига оид аҳоли рўйхатларида ва бошқа статистик материалларда эса ачамайлиларнинг гоҳ ўзбекларнинг қўнғирот уруғи таркибида, гоҳ эса бошқа биронбир уруғ тармоғи, баъзан эса алоҳида уруғ сифатида учрашини, шунга ўхшаш ҳолатга қозоқларда ҳам дуч келинишини[6]айтиб ўтиш керак.

Шунга ўхшаш айрим этнотопонимларнинг, хусусан, улар орасида ўзаро яқин ўхшаш ёки бир хил антропо-этнотопонимларнинг нафақат Жиззах воҳасида ёки юртимиз ҳудудида, балки қўшни қардош республикаларда ҳам кўплаб учраши масаласига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Агар ўзбек, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, қирғиз, бошқирд каби туркий халқлар таркибида учрайдиган ўнлаб этнонимлар (мас. Муса, Муминхўжа, Худойберди, Темирхўжа ва ҳ.к.)[7] аслида битта уруғнинг бир неча халқлар таркибига сингиб кетган бўлиши ҳам ёки бўлмаса, тасодифий ўхшаш этнотопонимлар кейинчалик ҳар бир халқда ўзи алоҳида антропоним сифатида мустақил равишда пайдо бўлган бўлиши ҳам мумкин. Шуни алоҳида такидлаб ўтмоқчимизки, туркий халқларнинг уруғ-қабила тизимини тадқиқ қилиш мобайнида шу каби сабаб ва омилларни ҳам эътиборга олиш керак бўлади.

Бу масалага Жиззах воҳаси мисолида қараб чиқилганда ҳам бир қатор қадим ва ўрта асрларга хос ўнлаб этник номлардан келиб чиққан этнотопонимлар воҳанинг бир қатор вилоят ва туманларида учраши билан бирга айрим антропоним ёки кейинчалик этнотопонимга айланган жой номларининг бир хиллик касб этишини ҳам икки хил талқин қилиш мумкин. Масалан, аслида киши исми бўлиб, кейинчалик бирор уруғ ёки уруғ шахобчаси бўлган Сирга, Мирза ( Сирдарё вилояти Сардоба тумани шундай номлар бор) ва ҳоказо номлар билан аталувчи қишлоқлар аҳолиси бошқа бир тумандаги худди шундай номга эга қишлоқлар аҳолиси билан ўзаро қариндош бўлиши ёки аксинча алоҳида шаклланган, тасодифий ўхшашлик касб этган жой номи ҳам бўлиши мумкин.

Этнотопонимлар билан боғлиқ яна бир масала – XX асрда муайян бир туркий халқнинг номи сифатида шаклланган этнонимларнинг ўзбеклар таркибида бирор уруғи номи сифатида ўрин олганлигидир. Жумладан, турк, туркман, уйғур, бошқирд, татар, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз каби бугунги кунда алоҳида халқ номини ифодалайдиган этнонимлар ҳам ўрта асрларга тааллуқли ўзбек уруғларидан бирининг номи, ҳам бугунги кунда ўзбекча этнотопоним сифатида сақланиб қолганлиги маълум[8]. Улардан бир қисми муайян маънода шу кунлардаги халқлар билан тўғридан-тўғри алоқаси бўлиши ҳам мумкин бўлса-да, кўпчилик ҳолларда бунинг акси эканлиги ҳам англашилади. [9]. Маълумки, ўрта асрларда кўчманчи ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар, нўғойлар Дашти Қипчоқда – Нўғой Ўрдада биргаликда яшаб, бир хил этник жараёнларни бошдан кечиришган, уларнинг этник ўзликни англаши ва уруғ-қабилавий таркиби (асосан, туркий ва турклашган мўғул уруғлари) деярли бир хил бўлган[10].

Шунингдек, ўзбеклар таркибидаги "турк" уруғи Кичик Осиё турклари билан битта номга эга бўлса-да, аслида улардан биринчиси бошқа этномаданий муҳит – Қорахонийлар ёки Темурийлар даврининг маҳсули[11], яъни қарлуқ лаҳжасида сўзлашувчилар, иккинчиси эса Салжуқийлар даврида шаклланган ва ўғуз лаҳжасида сўзлашувчилардир, яъни улар орасидаги алоқадорликка бевосита эмас, билвосита деб қараш лозим[12].

Шунга ўхшаш Хоразм, Жиззах ва Зарафшон воҳаларида этнотопоним сифатида учрайдиган "уйғур"лар – бу ўрта асрларда Дашти Қипчоқда шаклланган, қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчилардир. Яъни улар Шарқий Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси – уйғурлар билан гарчи бугунги кунда айни номга эга бўлсалар-да, этник шаклланиш жиҳатидан тўғридан-тўғри алоқадор эмас[13]. Шунингдек, ушбу воҳалардаги ўзбекларнинг "уйғур" уруғи Фарғона водийси[14] ёки Тошкент воҳаси уйғурларидан фарқли бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси фарқли этномаданий муҳитда шаклланишган. Шунга ўхшаш бугунги кунда, Жиззах воҳасида "Қирғиз" номли қишлоқларни учратиш мумкин[15], улар Еттисув – Олой – Фарғона – Тошкент (Бўстонлиқ) – Зомин – Ҳисор қирғизлари бир хил муҳитда шаклланган бўлса улардан

фарқли ўлароқ[16] Зарафшон ва Қашқадарё қирғизлари Дашти Қипчоқ муҳитида шаклланган ва “92 бовли ўзбек” таркибига кирган алоҳида бир уруғ[17]билан алоқалидир.

**- Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Тадқиқотда қиёсий, тарихий ва германевтик таҳлил усуллари асосида Жиззах воҳасидаги этник жараёнлар тадқиқ этилди.

**- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Шу ўринда Жиззах воҳаси ўзбек аҳолиси яшайдиган бир қатор қишлоқларнинг “Қозоқ”, “Қозоқ-овул”, “Қозоқ-қишлоқ” “Туркмановул” (Мирзачўл туманида шундай қишлоқлар бор) деб аталиши кўзга ташланади[18]. Ушбу номларнинг келиб чиқишини ҳам бир хил изоҳлаш қийин. Улардан айримлари қозоқ халқи билан тўғридан-тўғри алоқали бўлиши ва кейинчалик ўзбеклашиб кетган бўлишлари ҳам мумкин[19]. Бошқа томондан эса бир неча ўзбек уруғлари таркибида “қозоқ” деб аталадиган алоҳида тармоқларнинг мавжудлигини[20]ҳам ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, ушбу этнонимнинг ўрта асрларда дастлаб этник ном эмас, балки муайян бир ижтимоий атама бўлганлигини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Бундан ташқари, ўрта асрларда, айниқса Олтин Ўрда салтанати даврида Дашти Қипчоқ аҳолисининг катта бир қисми “ўзбек” ёки “ўзбек-қозоқ” деб аталганини[21]ҳам назардан қочирмаслигимиз керак.

Шу билан биргаликда Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари – Ғарбий Сибирни ўз ичига олган Абулхайрхон давлати (1412-1442) даврида кўчманчи ўзбекларнинг бир қисми “ўзбек-қозоқлар”дан ажралиб чиқиб, шарққа – Чу водийсига кетган пайтларида[22]улардан бир қисми асл жойида – Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида қолиб, кейинчалик Муҳаммад Шайбонийхон билан Амударё – Сирдарё оралиғининг марказий ҳудудларига кириб келган[23] вакилларининг авлодлари ҳам бўлиши мумкин.

Тадқиқотчи Ш. Эшонқуловнинг фикрича туркий халқлар орасида асосан ўзбеклар билан нўғой, қисман эса қозоқ ва қорақалпоқ уруғ номлари бошқаларига қараганда кўпроқ ўзаро умумийликка эга деб фикрига қўшилишимиз мумкин. Чунончи, жадвалда келтирилган бир неча уруғ номларининг Керейтов ўзбекларда ҳозиргача этнотопоним сифатида сақлангани ёки “92 бовли ўзбек уруғи” рўйхатида ўрин олганидан бехабар кўринади ёки техник хатога йўл қўйганга ўхшайди[24]. Хусусан, жадвалда нўғойларда муайян уруғлар сифатида кўрсатилиб, ўзбеклар билан боғлиқ катакда йўқ кўрсатилган ёки бўш қолдирилган қуйидаги этнонимлар билан боғлиқ этнотопонимлар мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида учрайди: абаз – абизлар, бой-ота – бой-отар, бой-така – така, можор, шижувит (чилжувит, силжуйит), кўпак, қирғиз, уйғур, туркман[25]. Демак, ўзбек – нўғой этнонимлари орасида Р.Х. Керейтов жадвалида келтирилганидек 32 та нўғой уруғидан 19 таси эмас, 28 таси орасида ўхшашлик мавжудлигини кўришимиз мумкин[26].

XX аср бошларида Россиянинг ўз ҳокимиятини минтақа бўйлаб деярли бутунлай ўрнатганлиги, шу асрнинг иккинчи чорагида Совет ҳокимиятининг қарор топиши ва шу пайтдан бошлаб бирин-кетин “синфий кураш”, “колхозлаштириш”, “қулоқ қилиш”, “атеизм”, “эскилик сарқитларига қарши кураш”, “ягона совет халқини яратиш”, “коммунизм қуриш”, Совет раҳнамо ва арбобларини улуғлаш, Коммунистик партия чора-тадбирлари (съездлар, сессиялар, декадалар ва ҳ.к.) каби сиёсий-мафкуравий ва ижтимоий-маданий амалиётлар жой номларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ҳар бир вилоят ва туманларда ўнлаб “Москва”, “Партсъезд”, “Ленин”, “Ильич”, “Партия”, “Коммунизм”, “Ленинизм” (Сирдарё Жиззах вилояти ҳудудларида бу номдаги манзилларни аҳоли ҳозир ҳам шу ном билан атайди ) деб аталувчи янги аҳоли масканлари ташкил этилди ёки бундай номлар мавжуд маҳаллий жой номларининг ўрнини эгаллаган.

Шу билан биргаликда, фақатгина Совет тузуми эмас, балки бошқа омиллар ҳам Марказий Осиёнинг, хусусан, Жиззах воҳасининг мавжуд тарихий топонимларининг йўқолиб кетишига сабаб бўлди. Жумладан, XX асрнинг илк чорагида Бухорода бўлган шарқшунос ва турколог олимлар Бухоро ва унинг теварак-атрофида “қарлуқ” этноними билан боғлиқ ўнлаб аҳоли масканлари борлигини қайд этган бўлсалар-да, шу аср охирларига келиб бундай топонимлардан аксариятининг истеъмолдан чиқиб кетганлиги кўзга ташланади. Уларнинг бир қисми совет тузуми даврида янги маъмурий бирликлар ташкил этилиши ёки бир неча номдаги аҳоли масканларининг битта ном остида бирлаштирилиши натижасида бошқа номда атала бошлаган бўлса, яна бир қисми эса “колхозлаштириш сиёсати” натижасида ўз ўрнини “советча номлар”га бўшатиб беришга мажбур бўлдилар.

**- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Хуллас, Жиззах воҳаси ўзбек аҳолисининг этник тарихи ва унинг воҳа топонимларининг ташкил топишидаги ўрни масаласи билан XX аср мисолида қисқача танишиб чиқиш шундан дарак берадики, бу даврда Зарафшон воҳаси аҳолисининг катта қисми ўзбеклардан иборат бўлиб, воҳадаги юзлаб жой номларининг ўзбек тилида изоҳланиши, шунингдек, уларнинг анъанавий “ўзбек уруғлари” шажаралари ва рўйхатларида ўрин олганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Жиззах воҳаси ўзбекларининг этник тарихини тадқиқ этишда топономик маълумотларнинг аҳамияти асосан қуйидаги далиллар асосида ўз тасдиғига эга:

- Жиззах воҳасидаги ўзбекча этнотопонимлар ўз таркибига кўра Ўзбекистондаги барча вилоятлардаги этнотопонимлар билан умумий ўхшашлик касб этади. Масалан, Найман, Сарой, Қипчоқ, Турк, Уйғур, Кенагас, Қиёт, Қўнғирот, Урганжи, Барлос, Жалойир, Туркман, Дурман, Минг, Юз, Қирқ ва ҳоказо каби жой номларини мамлакатимизнинг деярли барча вилоят ва туманларида учратиш мумкин. Бу эса мамлакатимиз ва унга қўшни ҳудудларда ўзбек халқи асосан бир хил этномаданий муҳитда шаклланганлигидан дарак беради.

## АДАБИЁТЛАР


1. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари / Масъул. муҳаррир: А. Муҳаммаджонов. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б.172-179; Дониёров Х. Ўзбек халқи шажара ва шевалари. – Т.: Фан, 1968. – Б. 4.
2. Туробов А.М. Самарқанд этноним ва этноойконимлари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2002; Туйчиев У. История расселения народов Узбекистана... –С. 23
3. Тўйчибоев Б. Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси... – С. 144-184.
4. Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана... – С. 144, 147-151.
5. Туйчиев У. История расселения народов Узбекистана... – С. 15-21.
6. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: «Ўзбекистон», 1978. – Б. 30; Qorayev S. Toponimika. – T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. –B. 152.

7. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: «Ўзбекистон», 1978. – Б. 185; Народы Средней Азии и Казахстана. Вып 2. – М., 1963. – С. 176, 325; Жданко Т.Ж. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – МЛ.: АН СССР, 1950. – С. 15.
8. Алпысбес М. Шежире казахов: источнике и трдиции. – Астана, 2013. – С. 176-177.
9. Атаниязов С. Этнонимы в туркменском языке. – Ашгабат: Ылым, 1994. – С. 98-133.
10. Караев С.К. Топонимия Узбекистана. – Т.: Фан, 1991. – С. 52-55, 104; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.). – Т., 2018. – С. 144-184.
11. Эшонқулов Ш. XX асрдаЗарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби.-Т.ф.ф.д.(Phd) дисертацияси Т.2020.С.152-158.
12. Мошкова В.Г. Некоторые общие элементы в родоплеменном составе узбеков, каракалпаков и туркмен ... – С. 141-149; Айтмуратов Д. Тюркские этнонимы. – Нукус: “Каракалпакистан”, 1986. – С. 91, BregelY. AnHistoricalAtlasofCentralAsia... – P. 48-54.
13. Дониёров Х. Ўзбек халқи шажара ва шевалари... – Б. 176; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 72-80.
14. Караев С.К. Топонимия Узбекистана... – С. 55.
15. Эшонқулов Ш. XX асрдаЗарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби.-Т.ф.ф.д.(Phd) дисертацияси Т.2020.С.152-158
16. Валиханова Г. Фарғона водийси уйғурларида анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар.: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2018. – Б. 12-22.
17. Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана... – С. 166.
18. Эшонқулов Ш. XX асрдаЗарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби.-Т.ф.ф.д.(Phd) дисертацияси Т.2020.С.152-158
19. Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа»... – С. 165176.
20. Туйчиев У. История расселения народов Узбекистана... – С. 18; Караев С.К. Топонимия Узбекистана. – Т.: Фан, 1991. – С. 125-126; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана... – С. 156.
21. Эшонқулов Ш. XX асрдаЗарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби.-Т.ф.ф.д.(Phd) дисертацияси Т.2020.С.152-158
22. Атаниязов С. Этнонимы в туркменском языке. – Ашгабат: Ылым, 1994. – С. 117.
23. Bregel Y. An Historical Atlas of Central Asia / Handbook of Oriental Studies. Vol. 9. – Brill, Leiden-Boston, 2003. – P. 44, 48.
24. Алпысбес М. Шежире казахов: источнике и трдиции. – Астана, 2013. – С. 152.
1. 23.СултановТ.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа»... – С. 165176; Ахмедов Б. Государство кочевыхузбеков. – М.: Наука, 1965. – С. 15-17, 22-23; BregelY. AnhistoricalatlasofCentralAsia... – P. 50-54.
25. Керейтов Р.Х. Ногайцы. Особенности этнической истории и бытовой культуры. – Ставрополь: «Сервисшкола», 2009. – С. 12, 120-121.
26. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: «Ўзбекистон», 1978. – Б. 24; Qorayev S. Toponimika ... –B. 81-82; Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа» ... – С. 98-133; Тоштемиров А. Челак тумани тарихи ... – Б. 28; Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу о термине «92 узбекских племени» в контексте исторических связей тюркских народов ... – С. 137-147; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы…–С. 124-133.
27. Эшонқулов Ш. XX асрда Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби.-Т.ф.ф.д.(Phd) дисертацияси Т.2020.С.152-158.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

**УЎК: 94(575.1(584.4)**

***Акбар ЗАМОНОВ,***
*Ўзбекистон Миллий университетидоценти, т.ф.ф.д.*
*E-mail: als_zamonov@mail.ru*

*Ташқи тақризчи: Тошкент ахборот технологиялари университети, тарих фанлари доктори Ф.Н. Эрназаров.*

## БУХОРО ХОНЛИГИ БОШҚАРУВИГА АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ КЕЛИШИ: ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ЛЕГИТИМЛИК АСОСЛАРИ

Аннотация

Мазкур мақолада Бухоро хонлиги давлатчилигида алоҳида ўрин тутган аштархонийлар сулоласининг ҳокимиятга келиши билан боғлиқ жараёнлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Унда шайбонийлар сулоласи бошқаруви жараёнида аштархоний хонадони вакилларининг иштироки, икки сулола ўртасидаги алоқалар манбалар ва илмий тадқиқотлар асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, аштархонийлар сулоласининг келиб чиқиши, Мовароуннаҳрга келиб қолиши, Бухоро хонлиги давлат бошқарувида хонадон вакилларининг бевосита иштироки ҳамда улар томонидан ҳокимият эгалланишининг қонунийлик (легитимлик) асослари шарҳланган.

**Калит сўзлари:** Аштархоний, жонийлар, шайбонийлар, сулола, Жўчи, Тўқай Темур, Астрахан, Бухоро хонлиги, никоҳ, тахт, легитимлик.

## ПРИХОД К ВЛАСТИ В БУХАРСКОМ ХАНСТВЕ АШТРАХАНИДСКОЙ ДИНАСТИИ: УСЛОВИЯ И ЛЕГИТИМНЫЕ ОСНОВЫ

Аннотация

В статье, с научной точки зрения анализируются процессы, связанные с приходом к власти Аштраханидской династии, которые сыграли важную роль в государственности Бухарского ханства. В ней, на основе анализа источников, показано сотрудничество между двумя династиями, а также участие представителей дома Аштраханидов в управленческой деятельности Шейбанидов. Также, рассмотрено возникновение и процессы, связанные с приходом в Мавераннахр Аштраханидской династии, а также законные (легитимные) основы их прихода к власти в Бухарском ханстве.

**Ключевые слова:** Аштраханиды, Джаниды, Шейбаниды, династия, Джучи, Тукай Темур, Астрахан, Бухарское ханство, бракосочетание, престол, легитимность.

## THE ARRIVAL OF THE ASHTARKHANID DYNASTY IN THE ADMINISTRATION OF THE BUKHARA KHANATE: CONDITIONS AND BASIS OF LEGITIMITY

Annotation

The article provides a scientific analysis of the processes associated with the coming to public administration of the Ashtarkhanid dynasty, which played a special role in the statehood of the Bukhara Khanate. In It, provides the participation of representatives of the Ashtarkhanid dynasty in the process of state administration of the Shaybanid dynasty, the relationship between the two dynasties based on sources and scientific research. Also, commented on the origins of the Ashtarkhanid dynasty, their arrival in Movarounnahr, the direct participation of representatives of the dynasty in the state administration of the Bukhara Khanate, as well as the rise of the dynasty to power on the basis of legality (legitimacy).

**Key words:** Ashtarkhanids, Janids, Shaybanids, dynasty, Jochi, Tukai Temur, Astrakhan, Bukhara Khanate, marriage, throne, legitimacy.

**Кириш.** Ўрта Осиёда узоқ давр мобайнида ҳукм сурган Бухоро хонлиги (манғитлар даврида амирлик) аштархонийлар бошқаруви даври узоқ вақт давомида чуқур ўрганилмай, илмий тадқиқотлардан четда қолиб келди, даврга тааллуқли тарихий манбалар таҳлили етарли даражада амалга оширилмади. Бугунги кунда Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласи вакилларининг ҳокимият тепасига келиши, унинг қонунийлик асослари, шарт-шароитлари ҳамда бошқа жараёнларни тадқиқ этиш ва очиб беришга эҳтиёж бениҳоя катта. Шундан келиб чиқиб, мазкур мақолада аштархонийларнинг келиб чиқиши ва Бухоро хонлигининг бу сулола вакиллари томонидан эгаллланиши ҳамда бунинг ҳуқуқий асослари тадқиқ этилди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review).** Бухоро хонлигида аштархонийлар ҳукм сурган даври тарихининг турли жиҳатларини Р.Г.Мукминова (1985), Б.А. Аҳмедов (1985, 1994), Ҳ.З. Зиёев (2003), Г.А.Агзамова (2000), Ҳ.Ҳ. Тўраев (2007), А. Зиё (1990, 2001), Қ.К.Ражабов (2016), А.Жуманазаров (2017), Д.Х.Сангирова (2008-2020)каби мамлакатимиз олимлари тадқиқ қилган бўлса, хориж олимларидан А.К. Алексеев (2006) ва Томас Велсфорд (2012)лар бевосита аштархонийлар сулоласи тарихи билан боғлиқ махсус асарлар яратган.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мазкур мақолани ёзишда тарихийлик, холислик тамойилларига амал қилган ҳолда,тизимлилик, хронологик ва қиёсий таҳлил, статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилиб, Бухоро хонлигида шайбонийлар сулоласининг инқирози ҳамда аштархонийлар сулоласининг ҳокимиятга келиш жараёнлари таҳлил қилинди.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Турон ҳудудида XVI аср бошида асос солинган шайбонийларнинг Бухоро хонлиги давлати сулоланинг энг етук вакили Абдуллахон II (1557-1598) даврида анча тараққий этади, ҳудуди кенгаяди, кўплаб давлатлар билан

дипломатик алоқалар йўлга қўйилади. Лекин у вафот этганидан сўнг 1598 йил тахтга ўтирган ўғли Абдулмўмин (1598) давлат яхлитлигини таъминлай олмайди. Натижада, ички ва ташқи ҳарбий-сиёсий курашлар натижасида Бухоро хонлиги ҳокимияти тепасига аштархонийлар сулоласи келади.

Бу сулоланинг тахтга чиқиши ва шайбонийлар сулоласининг тахтдан кетиши масаласида бир қанча мулоҳазалар бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам бир-бирини тасдиқлайвермайди. Хусусан, К.Э. Босворт “Шайбонийлар Бухорода 1598 йилгача ҳукмронлик қилдилар, кейин ҳокимият жонийлар қўлига ўтди. Улар Жўчининг ўғли Ўрда (Аслида Тўқай Темур. – А.З.) авлодидан бўлиб, шайбонийларга она тарафдан қариндош эдилар” [6, – Б. 116.], - деб ёзади.

1598-1601 йилларда Балхда Абдуламин султон (1598-1600), Иброҳим султон (1600-1601)лар ҳокимлик қилдилар. Иброҳим султон шайбонийлардан Суюнч Муҳаммад султоннинг ўғли бўлиб, унгача шоҳ Аббос I (1587-1629) саройида Исфаҳонда истиқомат қилган. Иброҳим султон кейинчалик, халққа, шунингдек, амалдорларга ҳам зулм қилган [5, – Б. 189.]. Улар Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммадхон ва унинг укаси Вали Муҳаммадларга ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Боқи Муҳаммадхон Балх устига қўшин тортди. Бу юриш 1601 йилнинг июлидан сентабригача давом этди. Аштархонийлар қўшинининг Амударёнинг сўл соҳилида пайдо бўлиши ҳаммани саросимага солди. Амирлар Балхдан икки фарсах (12-16 км) шимолда жойлашган Сиёҳжирд қишлоғида Балхнинг эътиборли амирлари Назарбий ва Шукурбий Иброҳим султондан юз ўгирган,шаҳар дарвозаларининг калитини аштархонийларга топширган. Шундай қилиб, 1601 йилнинг декабр ойида Балх аштархонийлар қўлига ўтди. Шу ерда Ёр Муҳаммадхоннинг ўғли Жони Муҳаммадхон номига хутба ўқилиб, олий ҳукмдор деб эълон қилинди, Балх шаҳри ҳокимлигига эса Вали Муҳаммадхон тайинланди [5, – Б. 189-193.].

Абдулмўминхон вафотидан кейин (1598) Хуросонда ҳам сиёсий вазият чигаллашиб кетган эди. Аштархоний Дин Муҳаммадхон Абдулмўминнинг ўлдирилганлигини эшитиб, Ҳирот томон йўналган. Шаҳар ҳокими Ҳожибий (у ўлдирилган Қулбобо Кўкалдош ўрнига қўйилган эди) унга дарвозани очиб, шаҳарни топширди. Дин Муҳаммад бобоси Ёр Муҳаммадни тахтга ўтқизиб [8, – Б. 398-399.], бошқа вилоятлар – Фарах, Исфароин, Нишопур, Сабзавор ва Марвни бўйсундиришга киришди. Кейин Сейистонни олди. Хуллас, бир йил давомида у Сабзавордан Марвгача ва Марвдан Сейистонгача бўлган ерларни ўзига бўйсундирди. 1599 йилнинг июн ойида шоҳ Аббос I Дин Муҳаммадхонга қарши қўшин тортди; Исфароин, Сабзавор, Нишопур ва Машҳадни осонгина қўлга киритди ва 1599 йилнинг июлида Ҳиротдан тўрт фарсах ғарбда жойлашган Пули солор мавзеида қирғинбарот уруш бўлди. Бу урушда қизилбошларнинг қўли баланд келиб, ўзбеклар тўрт минг аскаридан ажралди [11, – Б. 50-51.]. Улар орасида Дин Муҳаммадхон ҳам бор эди. Шунда унинг укаси Вали Муҳаммадхон ўз мулки бўлмиш Марвга қараб кетди, Боқи Муҳаммад акаси, марҳум Дин Муҳаммаднинг ўн яшар ўғли Имомқули ва олти яшар Надр Муҳаммад ва ўз оиласини олиб, Мовароуннаҳрга қочди. Айнан шу вақтларда Бухоро хони Пирмуҳаммадхоннинг қозоқ хони Таваккалга қарши урушлари давом этаётган бўлиб, бу жараёнда Боқи Муҳаммад уни қўллаб-қувватлади. Сўнгги, ҳал қилувчи жангда Боқи Муҳаммад ва унинг укаси Вали Муҳаммад қўшин бошида туриб, ғалабани таъминлашда асосий вазифани бажарди [5, – Б. 190.]. Натижада Боқи Муҳаммаднинг Мовароуннаҳрдаги сиёсий нуфузи ортди.

Юқорида айтилганидек, 1601 йилда Пирмуҳаммадхон билан Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммадхон ўртасида адоват бошланди. Жалоир (Муҳаммад Саидбий), дўрмон (Боқибий, Алиқулибий, Соқибек) ва бошқа қабила бошлиқларининг иғвоси билан Пирмуҳаммадхон ва Боқи Муҳаммадхон ўртасидаги муносабатлар бузилган. Самарқанд яқинидаги Боғи Шамол мавзеида бўлиб ўтган жангда Бухоро қўшинлари сон жиҳатдан кўп эди. Унга Балхдан ҳам мадад келганди. Шунга қарамай, Боқи Муҳаммадхоннинг қўли баланд келди. Манбаларда ёзилишича, “Боқи Муҳаммадхон зафар қозониб, Бухорога яқинлашганда катта-кичиккача барча раият унинг истиқболига чиқди ва саодатли ул музаффар хон шаҳарга кирди ва 1601 йилда шоҳлик ва жаҳондорлик тахтига ўлтирди” [5, – Б. 193.].

Боқи Муҳаммадхон аштархонийлар сулоласидан бўлиб, бу хонадон Жўжихоннинг ўн учинчи ўғли Тўқай Темурга бориб тақалади. Жўчининг катта ўғли Ботухон Тўқай-Темурга 14 улусни (Манғишлоқ, Ҳожи Тархон ва Шимолий Кавказдаги аслар ерини) мулк қилиб берган [10, – Б. 218-219.]. Бу хусусда Абулғози Баҳодирхон (1603-1664) ўз асари “Шажараи турк”да сулола насабномасини қуйидагича талқин қилган: Чингизхоннинг ўғли Жўжихон, унинг ўғли Тўқай Темур, унинг ўғли Ўз Темур, унинг ўғли Абай, унинг ўғли Нумған, унинг ўғли Қутлуғ Темур ўғлон, унинг оғли Темур Қутлуғхон, унинг ўғли Темур султон, унинг ўғли Муҳаммадхон, унинг ўғли Чавақ Султон, унинг ўғли Манғишлоқ, унинг ўғли Ёр Муҳаммад, унинг ўғли Жони Султон [2, – Б. 111.]. Шу сабабли ҳам сулола номи тўқай-темурийлар деб ҳам юритилади.

Д.Х.Сангированинг тадқиқотларига кўра, Ёр Муҳаммадхоннинг олти ўғли ва икки қизи бўлган: Жони Муҳаммад, Аббос султон, Ойша султонхоним, Мунида хоним, Муҳаммад султон, Раҳимқули султон, Малик султон, Турсун Муҳаммад султон [9, – Б. 34.].

Шундай қилиб, 1601 йилда Бухоро хонлигида ҳокимият янги сулола – кўп ҳолларда жонийлар (Жони Муҳаммадхон номидан) ёки аштархонийлар (келиб чиқиш ўрни бўйича) деган ном билан юритиладиган Тўқай Темурийлар сулоласи қўлига ўтди. Баъзи манбаларда айтилишича, Бухоро тахтига Боқи Муҳаммадхон ўз отаси Жони Муҳаммадхонни ўтқазган ва унинг номидан тангалар ҳам зарб қилдирган. Лекин Жони Муҳаммадхон Бухоро тахтидан воз кечган. Бунинг асосий сабаби ҳокимиятнинг қонунийлиги билан боғлиқ эди, албатта. Мовароуннаҳр ҳокимияти Чингизхон ҳукмронлиги давридан бошлаб унинг ўғли Чиғатой ва унинг ворислари бошқарувига берилган эди. Чингизхон томонидан жорий қилинган бошқарув анъаналари жамият онгига сингиб кетган бўлиб, мазкур анъаналарни аристократиянинг катта гуруҳи ҳимоя қилар эди. Яъни, бирор сулола вакиллари ўзлари хоҳлаган шахсни белгиланган тамойилларга амал қилмасдан тахтга ўтқаза олмасди. Демак, Моҳароуннаҳр тахтига қонуний даъвогарлик Чиғатой, кейинчалик эса, Амир Темур авлодларига ўтган эди. Лекин Чингизхоннинг катта ўғли бўлган Жўчи авлодларининг Мовароуннаҳрни бошқариши Чингизхон қонунларига зид эди. Шундан келиб чиқиб, 1512 йилда ҳам шайбоний султонлар Кўчкунчихонни олий ҳукмдор деб эълон қилиб, қонуний асос сифатида унинг она томондан темурий Мирзо Улуғбекнинг набираси бўлганлигидан Мовароуннаҳр тахтини эгаллаши мумкин деб ҳисоблаганлар.

1601 йил ҳокимият тепасига келган сулола вакиллари юқорида айтилганидек Жўчининг ўн учинчи ўғли бўлган Тўқай Темур наслидан бўлган ва улар бу насаб

билан Мовароуннаҳрни бошқара олмасди. Маълумки, 1556 йилда Астрахан (Хожи-Тархон) хонлиги Рус подшоси томонидан босиб олингач, Тўқай Темур наслига мансуб бўлган Астрахан хонларидан бири Ёр Муҳаммад ўз оила аъзолари ва қариндошлари билан Бухорога келган эди. Бухоро хони Искандархон Ёр Муҳаммад ва унинг ҳамроҳларига ўз мамлакатидан бошпана берди. Ёр Муҳаммаднинг ўғли Жони Муҳаммад султонга ўз қизи Зуҳра хонимни хотинликка берди. Шу никоҳдан уч ўғил (Дин Муҳаммад, Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад) дунёга келган эди. 1601 йил Жони Муҳаммаднинг тахтдан воз кечиши сабаби ҳам – у она томондан ҳам, ота томондан ҳам Чиғатой, Амир Темур ёки мовароуннаҳрлик шайбонийлар авлоди эмас эди. Жони Муҳаммад қонуний асос ва ҳокимиятнинг мустаҳкамлиги учун она томондан мовароуннаҳрлик шайбонийлар авлоди бўлган ўғиллари (унинг ўғиллари Зуҳра хонимдан туғилган, бу билан Бухоро хони Искандархоннинг набираси ҳисобланар эди) фойдасига тахтдан воз кечган эди [5, – Б. 192-193.].

Аштархонийлар сулоласининг Мовароуннаҳрга келиб қолиши масаласига ёзма манбалардан ташқари қабртош ёзувлари ҳам баъзи аниқликларни киритади. Тарихчи-эпиграф олим Б.Аминовнинг изланишларига кўра, Ёр Муҳаммадхондан ҳам олдин Тўқай Темур авлодлари Мовароуннаҳрга келиб ўрнашганлар. Хусусан, олим томонидан Каттақўрғон туманига қарашли (собиқ Охунбобоев колхози) Шамми қишлоғи, Хон Авлиё мозори топиб ўрганилганда, бу ерда аштархонийлар хонадонининг йирик вакили ва сулола асосчиси Жонибек Султоннинг бобосига атаб ёдгорлик тоши қўйилганлиги исботланган. Гап шундаки, қабртош шайбонийлар даврига мансуб ва унда Жонибек Султон бобосининг вафот этган санаси аниқ кўрсатилган ва бундай маълумот қўлёзма асарларда учрамайди. Тошдан олинган тарихий фактлар аштархонийлар шажарасини тўлдиришга ва уларнинг Мовароуннаҳр минтақасида келиб қолишига доир айрим ойдинликларни киритишга хизмат қилади [4, – Б. 109.].

Юқорида номи тилга олинган генеалогик манбада (қабртошда) Ман Қишлоқ (ёки Манғишлоқ) ибн Жувах ибн Муҳаммад Бухоро хони Имомқулихоннинг бобоси Жонибек Султоннинг бобоси бўлиб, у насл-насабига кўра Чингизхон ўғли Жўчихонга боғланади. Тошдаги маълумотларга кўра, Ман Қишлоқ 1528 йилда вафот этган ва унинг ҳамда отасининг исмидан сўнг султон унвони мавжуд. Бошқа манбаларда аштархонийлар сулоласидаги бу муҳим икки исм турли вариантларда ёзилган. Абдураҳмон Толе асарида Боғлишдодхон ибн Жувоқ Муҳаммадхон [1, – Б. 13.]. Жувоқ Чувок кўринишида ҳам ёзилган [7, – Б. 50.]. Муҳими, бу шахснинг Миёнколда дафн этилиши сулола кекса вакилларининг Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳукмронлигининг биринчи чорагида пайдо бўлганлиги хусусидаги фикр-мулоҳазаларга олиб келади [4, – Б. 109.].

И. Зайцев тадқиқотлариаштархонийлардан бўлган Манғишлоқ ҳамда Ёр Муҳаммаднинг Қуйи Поволже ва Астрахандан Ўрта Осиёга кўчиб ўтиши Кучкунчихон даврида (1512-1529), русларнинг Астрахан ва Қозон хонликларини ишғол этишидан илгари содир бўлганини кўрсатади [4, – Б. 110.].

Манғишлоқнинг Мовароуннаҳрга келиб қолиш сабаблари бир қатор илмий фаразларни келтириб чиқаради. Аввало, у Жонибек султон ибн Хўжа Муҳаммад ибн Абулхайрхон (ваф. 1529) хонадони билан яқин алоқада бўлган ва бу хонадон билан қуда-андалик муносабатлари ҳам йўлга қўйилган. Шу туфайли ҳам, улар Астрахандаги ҳокимият учун кураш жараёнларида кўпинча, ўзларига ҳудудий яқин бўлган Хоразм хонларига эмас, Мовароуннаҳр шайбонийларига суянган. Иккинчидан, бу даврга келиб Мовароуннаҳр шайбонийлари ҳокимияти бир қадар мустаҳкамланган бўлиб, тўқай-темурийларга паноҳ бўла олар эди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, аштархонийлар даврининг кўпчилик муаррихлари Ёр Муҳаммадхон исмига ҳожи нисбасини қўшиб ишлатадилар [11, – Б. 50-52.]. Бундан кўринадики, Ёр Муҳаммадхон Бухорога, Искандархон саройига келгунга қадар ҳам хонлик билан борди-келдиси бўлган ва ҳаж зиёратидан кейин яна Бухорога келишни ихтиёр қилган. “Мусаххир ал-билод” асари изоҳларида Ёр Муҳаммаднинг ҳаж зиёрати хусусида маълумот келтиради [8, – Б. 399.].

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).** Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, аштархонийлар сулоласининг келиб чиқиши Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўчихон авлодига бориб тақалади, яъни Жўчихоннинг ўн учинчи ўғли Тўқай Темур авлодларидан аштархонийлар сулоласи келиб чиққан. Шу сабабли ҳам сулола вакиллари хонлик тахтини эгаллаган даврда тўқай-темурийлар номи билан машҳур бўлган. Биз доимий равишда қўллаб келган “аштархонийлар” деб номланишига сабаб эса, тўқай-темурийлар сулоласининг бир тармоғи аъзолари Астрахан ҳудудларини идора қилганлар. Бу сулола аъзолари Бухоро хонлигига, шайбонийлар ҳузурига келиб қолишига икки сулола вакилларининг қариндошлиги ҳам сабаб бўлган (Хусусан, Мовароуннаҳр шайбонийлари Жўчихоннинг яна бир ўғли Шайбон наслидан эди).

Аштархонийларнинг Бухоро хонлиги тахтини эгаллашининг легитимлиги (қонунийлиги) қуйидагича бўлган: аштархонийлар хонадони, юқорида айтилгандек, хон хонадони вакилларидан эди (яъни, Чингизхон авлодларигина хон унвонига эга бўла олар эди). Бу эса Бухоро тахтини эгаллаш учун энг асосли сабаблардан бири бўлган. Яна бир сабаб шайбонийлар ва аштархонийлар ўзаро никоҳ орқали боғланиб, Жонибек Султон ва Зуҳра бегимнинг турмушидан Дин Муҳаммад, Боқи Муҳаммад ва Вали Муҳаммадлар туғилган. Шайбонийлардан хонлик тахтига муносиб номзод қолмаган вақтда сарой амалдорлари Жонибек Султонни таклиф қилган ва у тахтдан воз кечиб, ўз фарзандини тахтга ўтиришига ишора қилган. Бунга сабаб эса, унинг фарзандлари она томонидан шайбонийлар хонадони вакиллари эди, шунинг учун ҳам Мовароуннаҳр аслзодалари, қонуншунослари бунга эътироз билдира олмаган.

## АДАБИЁТЛАР


1. Абдуррахман-и Тали. История Абулфейз-хана / Пер. с таджикского, пред., примеч. и указатель А.А.Семёнова. – Ташкент, 1959. – С. 180.
2. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Т.: Чўлпон, 1992. 192 б.
3. Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Тимуридов.- С.-Петербургс: С.-Петербургского Университета 2006. – С. 228.
4. Аминов Б. Марказий Мовароуннаҳр қабртош битиклари ва улардаги тарихий шахслар генеалогияси (XIV-XX асрлар). Н.: Баёз, 2021. 176 б.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: Ўқитувчи, 1994. 430 б.
6. Босворд К.Э. Мусулмон сулолалари (йилномалар ва шажаралар бўйича маълумотнома). Т.: Фан, 2007. – 160 б.

7. Зайцев И.Астраханское ханство. – Москва, 2006. – С. 360.
8. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. / Форс тилидан тарж. ва изоҳлар муал. И.Бекжонов, Д.Сангирова. – Т: Янги аср авлоди, 2009. 432 б.
9. Сангирова Д. Бир сулола шажараси ҳақида. // Шарқ машъали. №2. Т., 2018. – 33-39 б.
10. Султанов Т. И. Чингиз-хан и Чингизиды. Судба и власт. — М.: АСТ, 2006. — С. 446.
11. Welsford Tomas. The Tuqay-Tımurid Takeoverof Greater Ma Wara al-Nahr, 1598–1605. – Leiden: Boston, 2012. – P. 366.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

**TARIX**
http://science.nuu.uz/uzmu.php
**Social sciences**

***Мухаммаджон ИСАМИДДИНОВ,***
*Фарғона давлат университети профессори, тарих фанлари доктори*
*E-mail:bahromzoda_turkzod@mail.ru*

*Жаҳон тарихи кафедраси мудири, PhD, доцент Махмудов О.В. тақризи асосида*

## ҚАДИМГИ ФАРҒОНА ВА СУҒД МАДАНИЯТЛАРИНИ ДАВРЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Аннотация
Мақолада Фарғона водийсидаги қадимги шаҳар харобалари, мозор-қўрғонлардан топилган кулолчилик буюмларини бронза, илк темир ва антик давр маданиятларини даврини аниқлашдан ташқари, қўшни ҳудудлар билан бўлган ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалари масалалари бўйича кўплаб материаллар бериши мумкинлиги қайд этилади.
**Калит сўзлар:** Андронова маданияти, Далварзин, Чуст маданияти, Марғиёна, Бақтрия, Суғд, Фарғона, Эйлатон маданияти, Шурабошат маданияти, қўлда ясалган идишлар, қизил ангобли юпқа қилиб ясалган идишлар, антик давр сополлари.

## О НЕКОТОРЫХ ВОПРОСАХ ХРОНОЛОГИИ ДРЕВНЕЙ ФЕРГАНЫ И СУГДЕНСКИХ КУЛЬТУР

Аннотация
В статье отмечается, что руины древнего города в Ферганской долине, керамика, найденная в гробницах, могут дать много материала о социальных, экономических и культурных отношениях с соседними территориями, а также идентифицировать бронзовую, раннюю железную и древнюю эпоху. культур.
**Ключевые слова:** андроновская культура, Дальварзин, Чустская культура, Маргияна, Бактрия, Сугд, Фергана, Эйлатонская культура, Шурабошатская культура, ручная керамика, тонкая керамика с красным ангобом, древняя керамика.

## ON SOME ISSUES OF CHRONOLOGY OF ANCIENT FERGANA AND SUGD CULTURES

Annotation
The article notes that the ruins of the ancient city in the Fergana Valley, the pottery found in the tombs, can provide a lot of material on social, economic and cultural relations with neighboring areas, in addition to identifying the Bronze, Early Iron and Ancient cultures.
**Key words:** Andronova culture, Dalvarzin, Chust culture, Margiyana, Bactria, Sughd, Fergana, Eilaton culture, Shuraboshat culture, handmade pottery, thin pottery with red angob, ancient pottery.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Фарғона водийсининг қадимги тарихи ва маданияти билан шуғулланадиган археологларнинг катта қисми водийнинг моддий маданияти тўғрисида гап кетганда уни бошқа ҳудудлардан ажралган эканлигини, айниқса кулолчилик буюмлари деярли барча тарихий жараёнда кескин фарқ қилишини айтадилар. Аммо, Фарғона водийси ёдгорликларидан топилган кулолчилик буюмларини бошқа, қўшни ҳудудларнинг моддий маданияти билан солиштирганимизда улар орасидаги жуда катта ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларни бўлганлиги ва бу нарса кўп ҳолларда кулолчилик буюмларида ўз аксини топганлигига гувоҳ бўламиз.

Бундай ўхшашлик ёки аксинча тубдан фарқ қилиши ҳолатини археологлар томонидан тарихий реконструкция қилинаётган пайтда масалага ижобий ёки салбий баҳо беришда асосий қўл келадиган манба бўлади. Бундай масалаларни ҳал қилишда археолог учун энг қўл келадиган ва масалага асосий урғуни берадиган манба бўлиши мумкин. Бунинг устига бошқа қўшни тарихий-маданий ҳудудларининг археологик комплекслари ва уларнинг бирин-кетинлигига ойдинлик киритиш мумкин.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мақолада тадқиқ этилаётган мавзуни ўрганишда тарихий манбалар ва илмий адабиётларга таянилди. Муаллифларининг ҳикоя қилинаётган воқеаларга қай даражада алоқадорлиги ҳамда уларнинг шахсий қарашларидан келиб чиқиб, тарихий манбаларга танқидий ёндашилди. Манбалардаги маълумотларни мантиқий жиҳатдан боғлаш жараёнида қиёсий таҳлил услубидан фойдаланилди. Тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг минтақалараро боғлиқликда ривожланишидан келиб чиқиб, илмий фаразлар билдирилди.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Шу нарсани биз алоҳида таъкидлашимиз керакки, Суғд, Бақтрия ва Марғиёнанинг кўплаб археологик обидаларидаги моддий маданият, бирин-кетинлик фақат вертикал стратиграфик қазишмалар ёрдамида олинган, бунинг акси ўларок, Фарғона водийсини даврлашда Ю.А. Заднепровский деярли ҳамма ҳолатларда фақат “горизонтал стратиграфия”ни асос қилиб олган. Шунинг учун бронза давридан антик даврнинг охиригача бўлган Фарғонанинг асосий катта даврлари ўша қазишмалар олиб борилган археологик ёдгорликларнинг номлари Чуст, Эйлатон, Шурабашот, Марҳамат каби номлар билан аталган [4].

Албатта ўша даврда Ю.А. Заднепровскийнинг олдида анча мураккаб вазифа турар эди. У ҳам бўлса, ҳали хронологик даврлаштириш масаласи Фарғонада амалга оширилмаган бир пайтда, горизонтал стратиграфияга асосланиб туриб бўлса ҳам, хронологик бирин-кетин

келадиган археологик комплексларни аниқлашни мақсад қилиб қўйиган эди. Шу билан бирга ҳозирда Фарғона водийсида ишлаб турган “стратиграфик колонка” айнан Ю.А.Заднепровский томонидан ўз пайтида ишланган. Ушбу “стратиграфик колонка”ни хронологик бирин-кетинлиги тўғри бўлса ҳам, аммо ажратилган ҳар қайси даврни ўтиш қисмида анчайин аниқланиши керак бўладиган қисмлари бор.

Қандай белгилар тузилган “стратиграфик колонка”-га тўсқинлик қилмоқда. Агарда Чуст маданиятига оид археологик ёдгорликнинг юқори қисмидан эйлатон маданиятига оид кулолчилик буюмлари топилганида эди, ҳеч қандай муаммосиз чуст давридан кейинги маданият, айнан эйлатон маданияти келиши кераклигини ҳеч қандай шубҳасиз қабул қилса бўлар эди.

Худди шундай муаммо кейинги эйлатон маданиятининг қуйи ва юқори қатламлари учун ҳам тўғридан тўғри боғлиқдир. Жумладан, Эйлатон ёдгорлигининг қуйи қатламларидан чуст маданиятига оид кулолчилик буюмлари умуман топилмаган. Шу билан бирга эйлатон ёдгорлигининг устки қатламларидан, шунингдек водийдаги бошқа археологик комплексларда эйлатон маданиятининг юқори қатламларидан қизил ангобли кулолчилик буюмлари учрайди.

Оқтанги ғорида мезолит ва неолит даври қатламларини стратиграфик жиҳатдан ўрганаётган Б.А. Литвинский Чуст типидаги археологик комплексларининг қайроққум маданияти материаллари билан бирга учраганлиги туфайли уларни синхрон эканлигини биринчилардан бўлиб айтган олим ҳисобланади [4]. Ю.А.Заднепровский Фарғона водийсидаги чуст даври археологик ёдгорликларининг 70 ортиқ археологик обидаларидан тўпланган материалларнинг таҳлили асосида бу комплексларни даврини милоддан илгариги II минг йилликларнинг охири ва I минг йилликларнинг бошлари билан даврлади. Шу билан бирга чуст маданиятининг юқори қатламларининг ёшини А.С.Сагдуллаев бироз ёшроқ эканлиги тўғрисидаги фикрни берди [9: p. 21 – 32].

Ўш яқинидаги Сулаймонтоғ этакларида илк темир даврига оид ёдгорлик қазиб очилди ва айнан шу ёдгорликни очилиши туфайли чуст маданиятининг қадимги ва сўнгги давр қатламларини аниқлашга жуда катта ёрдам берди. Ёдгорлик Сулаймонтоғнинг этагидаги ясси, терассасимон текисликда бунёд этилган бўлиб, бу ерда ўтказилган қазишмалар жуда кўплаб ертўлаларни материкдан (оналик жинс) қуйи қатламларига туширилган. Жуда кўплаб бутун ва синган ҳолдаги ёрғучоқлар, қўлда ясалган ва устидан рангда нақш берилган идишлар, бронзадан ясалган жуволдизлар, бўйинга тақадиган кўплаб мўнчоқлар топилди [5: p. 103].

Бу ёдгорликда олиб борилган қазишмаларнинг энг муҳим натижаларидан бири шу ёдгорликнинг қатламларидан олинган янги радиокарбон анализлари бўлиб, унинг аҳамияти жуда каттадир. Чунки айнан шу жойдан олинган радиокарбон анализлари чуст маданиятини умумий ёшини илгариги тасаввурларимизга нисбатан жуда қадимги даврларга бориб тақалишини кўрсатди. Аммо радиокарбон усули билан аниқланган даврлар жуда катта даврларни, яъни милоддан илгари XII-VII асрлардан XXII-XX асрларгача бўлган даврларни қамраб олаган эди. Лекин, бу қазишмаларни ўрганган Ю.А.Заднепровский Ўш шаҳрининг қадимги турар-жой маконининг ўртача ёшини милоддан илгариги XV/XIV-VIII/VII асрлар билан даврлайди. Худди шу давр билан Дальварзин ёдгорлигининг қуйи ва юқори қатламларининг даври аниқланади. Чуст маданиятининг ҳам шу жумладан Далварзин ёдгорлигидаги ҳаётнинг ҳам умумий давомийлиги ўртача 800 йилни ташкил этиши аниқланган.

Далварзин ёдгорлигининг қуйи қатламларининг энг характерли белгиси қўлда ясалган ва қизил ангобнинг устидан қора рангда нақш берилган идишларнинг борлиги билан ҳарактерланади. Шу билан бирга Далварзин ёдгорлиги ва шу билан бирга чуст маданияти ёдгорликларининг юқори қатламларида қизил рангда нақш берилган идишлар ҳам учрайди. Худди шундай кетма-кетлик Суғд, Бактрия ҳудудларидаги ёдгорликларда ҳам учрайди. Жанубий ҳудудлардаги кулолчилик буюмларининг юзасига чизилган нақшлар анча аниқ бўлиб, кўпроқ геометрик нақшлар чизиш кенг расм бўлган [6].

Бу даврдаги чорвадорларнинг маданияти Фарғона водийсида “Қайроққум” маданияти номи билан берилган бўлиб, асосан кенг дашт ҳудудларида, тоғли ва тоғолди ҳудудларида тарқалган андронова маданиятига хосдир [1].

Фарғона водийсининг кулолчилик комплексларини даврлаш масалаларини ҳал қилишда асосий чалкашликлар милоддан илгариги минг йилликнинг ўрталаридан, эйлатон маданияти қатламларидан бошланади. Масаланинг мураккаб томони шундаки, шу кунгача Фарғона водийсининг қайси давридан бошлаб кулолчилик чархида тайёрланган идишлар тарқай бошлаганлиги масаласи энг мураккаб масалалардан биридир. Жумладан, кулолчилик чархида ясалган идишлар ҳатто Суфон қабристонида ҳам йўқлиги аниқ, аммо Кунгай қабристонида қўлда ясалган идишлар билан бирга кулолчилик чархида ясалган идишлар ҳам учрайди [11: p. 14 – 15].

Эйлатон ва шурабашот маданиятларининг энг дастлабки ўрганувчилари “эйлатон маданияти шурабашот маданиятидан кўра кейингироқ даврларга оид” дейишган [12: p. 115 – 133]. Худди шундай хулосага Н.Г.Горбунова ҳам анчагина солиштирма таҳлилларни ўтказгандан кейин келган.

Бу масалани ҳал қилишда яна бир мураккаб муаммо борки, у ҳам бўлса Фарғона водийсининг шарқий қисмида Қирғизистоннинг шарқида Кулунчак турар-жой макони бўлиб, бу ёдгорликни археологлардан П.П.Говрюшенко қазиган, ва бу иш унинг номзодлик диссертациясининг авторефератида жуда қисқа қилиб берилган. Қазишма ишларининг батафсил тафсилотлари, археологик маълумотларда кенг миқёсда чоп этилмаган [3]. Агарда П.П.Говрюшенко ўз материалларини тўлиқ чоп этганда эди, унда чуст маданияти билан шурабашат маданияти бирин-кетин келиши масаласига ойдинлик киритиш мумкин эди. Шу билан бирга қолган тадқиқотларда, айниқса эйлатон маданияти, эйлатон маданиятининг шурабашат маданияти билан алоқаси масаласи, шурабашат билан марҳамат маданиятларининг ўзаро алоқалари масаласи, ҳозирги вақтда археологлар ўртасидаги жуда муаммоли масалалардандир.

Биз Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги илк ўрта асрларга оид турар-жой маконини қуйи қисмини қазиш даврида илк темир даврига оид кулолчилик комплексини топдик [2; 13: p. 30 – 37]. Бу топилмани Фарғонанинг Суфон, Кунгай ва Оқтом қабристонларидан топилган сополлар комплекси билан солиштирганимизда, улар айнан бир-бирларига жуда ўхшаш эканлиги қайд қилинди [7: p. 159].

Милоддан илгариги I минг йилликнинг ўрталларида Ўрта Осиёнинг Суғд, Бактрия ва Марғиёна ҳудудлари Сирдарё бўйларигача Аҳмонийлар империяси ҳудудларига кирар эди. Аммо Фарғона водийси бу империя таркибига кирмаган. Айнан Сирдарё бир-биридан фарқ қилувчи маданиятларни чегарасида эди. Лекин эйлатон маданияти таркибидаги қадимги Суғд маданиятига доир

белгиларнинг пайдо бўлишининг асосий сабаби Ўрта Осиё ҳудудларини Кир томонидан босиб олиш жараёнида катта гуруҳдаги суғд аҳолисининг Фарғона водийси томон силжиши, яъни миграцияси натижасидир. Шу билан бирга Фарғона водийсида илк темир давридаги кулолчилик ананаларининг сақланиб қолган қисмини эйлатон маданиятида узоқ вақтлар давомида сақланганлигидир. Чунки, Мингтепа ва Шурабашат ёдгорликларини қазиш давомида археологлар жуда кўплаб эйлатон маданиятига мансуб бўлган кулолчилик буюмларини учратишган. Бу нарса қўлда ясалиб устидан рангда нақш берилган кулолчилик ананаларини, кулолчилик чархида тайёрланган ва қизил ангоб билан бўялган идишларни параллел равишда сақланганлигида кўриш мумкин.

Қизил ангоб билан бўялган ва юпқа қилиб кулолчилик чархида тайёрланган идишларнинг қўлда ясалиб устидан рангда нақш берилган идишларнинг биргаликда келиши, кўп ҳолларда археологларни нотўғри хулосалар чиқаришига олиб келадиган ҳолатдир.

Суғднинг кўп қатламли ёдгорликлари қазилган даврда бирин-кетин келган археологик қатламлардан олинган кулолчилик буюмлари борки, улар анча аниқ даврлаш имкониятини беради. Масалан, Қашқадарёнинг Ерқўрғон ёдгорлигидан олинган қизил ангобли кулолчилик буюмлари милоддан илгариги III-II асрларидан милоднинг III, айрим пайтларда IV асрларигача бўлган даврларда кенг тарқалганлигини кўриш мумкин [8; 10]. Шу билан биргаликда юқоридаги археологик комплекс, бироз кейинроқ, милоднинг V-VI асрларида пайдо бўлган ва “Нахшаб тангалари”, ҳамда “қадимги Суғд тангалари” деб ном олган ёзувлар пайдо бўлган бир даврда ҳосил бўлган қатламлар билан беркитилган эди. Нахшабнинг қизил ангобли кулолчилик буюмлари кўпи билан милоднинг IV аср ўрталаригача келган холос. Чунки, ҳозиргача суғдларнинг бундан қадимгироқ ёзувлари ҳозиргача бошқа ёдгорликларда топилган эмас. Самарқанд Суғди ҳудудидаги қизил ангобли идишлари ҳам айнан шу давр билан даврланади.

Бизнинг фикримизча Фарғонанинг кулолчилик чархида ясалган ва қизил ангоб билан қопланган идишларининг пайдо бўлган вақти ҳам анча нотўғри белгиланганлигини таъкидлашимиз керак бўлади. Шу билан бирга дастлабки эйлатон даврининг фақат қўлда ясалган идишлари билан чиққан қатламлар ҳам аниқ эмас. Агар худди шундай қатлам бўлганда эди, шундагина эйлатон маданиятининг дастлабки қўлда ясалиб устидан нақш берилган идишлари ва юқорироқ қатламларда эса, чархда тайёрланиб, устидан қизил ангоб билан қопланган идишлари учраган бўлар эди.

Фарғона водийсидаги дастлабки эйлатон даврига оид қўлда ясалиб устидан нақш берилган идишларни кулолчилик чархида ясалган қизил ангобли кулолчилик буюмлари билан бирга келишини қадимги маҳаллий анъана билан боғлашади ва бу ангобнинг аслида келиб чиқишини чуст маданияти билан боғлашади. Бу ҳам нотўғри тасаввур бўлиб, чуст давридаги қизил ангоб билан эйлатон маданияти давридаги қизил ангобнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу даврдаги қизил ангоб айнан чархда ясалган идишларнинг устидан қопланган бўлиб, унинг тарқалиш ареали Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Кавказ ҳудудларини ҳам эгаллаган. Бу кулолчилик буюмлари кўпроқ эллинизм маданияти, шу билан бирга кушонлар маданияти тарқалган ҳудудлар билан боғлиқдир. Чуст маданиятидаги қизил ангоб бу бронза ва ундан илгариги асрларга оид ва унинг ареали ҳам анча кенг. Эйлатон археологик комплексида дастлаб қизил ангоб билан бўяш умуман урф-одатга кирмаган эди. Улар рангда нақш солиш одати бўлган бўлса ҳам сополнинг ранги кулранг, кўп ҳолларда тоза рангсиз сополнинг ранги оч жигаррангда бўлган. Хуллас сополнинг устки қисмига ранг беришда “танаффус” бўлган. Чуст маданиятидаги қизил ангоб тўқ қизил лойқароқ доғ-доғ ангоб билан бўялган бўлган. Сополнинг бундай доғлар билан қопланиши албатта ўша сопол идишни куйдириш жараёнини гулханда ўтказилганлиги билан боғлиқдир. Аммо кулолчилик чархида тайёрланган идишларнинг пайдо бўлиши билан параллел равишда икки ярусли хумдонлар пайдо бўлди ва унда куйдирилган, тозза қизил ангобли идишлардир. Бу кулолчилик чархида тайёрланиб устидан қизил ангобли идишлар бозор учун кўп миқдорда ишлаб чиқилган кулолчилик буюмларидир.

Суғд ҳудудида қизил ангобли кулолчилик чархида ишлаб чиқилган идишлар милоддан илгариги III асрлардан пайдо бўла бошлаган бўлса ҳам, аммо милоддан илгариги II-I асрлардан бошлаб айнан қизил ангобли идишларнинг сони кескин ошади. Худди шундай қизил ангобли идишларни ишлаб чиқарилиши милоднинг III-IV асрларигача давом этади.

Бундай қизил ангоб билан қопланган идишларнинг тарқалиш ареали Суғд (шунингдек Уструшонада ҳам), Бақтрия ва Марғиёнада бир хилда тарқалган. Айниқса ишлаб чиқарилган идишларнинг фақат ангобигина эмас, балки уларнинг шакли ҳам юқорида эслатилган ҳудудларда деярли бир хилда бўлган. Аммо милоднинг биринчи асрларидан бошлаб бундай кулолчилик комплексларини тарқалишидаги умумийликда бироз ўзгаришлар бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу даврга келиб ҳар қайси ҳудуд учун ўзининг алоҳида кулолчилик мактаблари шаклланади. Бу кулолчилик мактаблари маҳаллий аҳолининг кулолчилик буюмларига бўлган талабини, айниқса идишларни қайси шаклда ишлаб чиқарилишини ҳам ҳисобга олишга мажбур бўлган.

Шундай қилиб, Фарғонанинг антик даврдаги кулолчилик буюмларини ишлаб чиқариш техникаси Ўрта Осиёнинг бошқа кулолчилик мактабларини кулолчилик мактаблари билан синхрон ривожланганлигини кўриш мумкин. Айниқса Фарғонанинг кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш анъаналари милоднинг бошларига келганда анча кескин ўзгарганини кўришимиз мумкин. Айнан шу даврга келганда ҳар қайси воҳанинг ўзини кулолчилик мактаблари келиб чиқди. Шунинг учун ҳам айнан шу даврдан бошлаб Фарғонадаги кулолчилик мактаблари ишлаб чиқарган маҳсулотлар шакл жиҳатдан кескин фарқ қилади. Аммо бу идишларнинг ангоб қопламасида умуман фарқ йўқ.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).** Кулолчилик буюмларини ишлаб чиқаришдаги умумийлик идишларнинг жуда ҳам юпқа, енгил ва сифатли қилиб ишлаб чииқарилишида, ангобнинг деярли бир хил рангда қопланишида, ангобни қоплаш усулини бирлигида, деярли бир хил кулолчилик хумдонларини тарқалганлигида ва бошқа ишлаб чиқаришнинг кўплаб техник белгиларида кўринади. Айнан шу белгилар кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги умумий белгилар қаторига киради ва бундай ишлаб чиқаришнинг умумий тарқалиш ареалини белгилаб беради. Бу Фарғона водийси, Суғд, Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларидир. Шунинг учун Фарғонанинг қизил ангобли кулолчилик буюмлари археологик комплексларни даврлашда муҳим ўрин тутади.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Аванесова Н.А. Древнейшие номады Зерафшана. Культура номадов Центральной Азии. Материалы международной конференции. Самарканд.: 2008. с.12-32.
2. Гаврюшенко П.П. Кулунчакское укрепленное поселение//Автореферат диссертации канд. ист. наук. – Ташкент, 1970.
3. Горбунова Н.Г. К вопросу о датировке комплексов с шурабашатской керамикой в Восточной Фергане // АСГЭ, вып. 17. Л., 1977.
4. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. МИА-118. – Москва., Ленинград, 1962.
5. Заднепровский Ю.А. Ошское поселение. К истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. – Мурас, 1997.
6. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА вып. 73, М., Л.: 1959, табл. XVII-XX.
7. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). – Ташкент: А.Кадыри, 2002.
8. Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация). – Ташкент: Фан, 1984.
9. Сагдуллаев А.С. О соотношении древнеземледельческих комплексов Ферганы и Бактрии. СА. 1985. №4. – С. 21-32.
10. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000.
11. Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы (Периодизация и синхронизация): Автореф. дис… канд. ист. наук. – Самарканд, 1999.
12. Иванов Г.П. Проблемные вопросы периодизации культуры древней Ферганы. Фарғона ўлкашунослиги. – Фарғона, 1996.
13. Раимкулов А., Исамиддинов М. Турткультепа – новый памятник эпохи финальной бронзы юга Узбекистана. Сб. статей в сборнике «Археологические памятники на новостройках Узбекистана». – Ташкент: Фан, 1990.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УДК: 930.85

*Элёр НАБИЕВ,*
*Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси,*
*E-mail: muradullamirzayev@inbox.ru*

*ТДШУ доценти, Фал.ф.д. Мирзаев Муродулла тақризи остида*

## ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ – ОБЪЕКТИВ ЗАРУРАТ

(Туркия тарихи мисолида)

Аннотация

Туркия жамияти узоқ йиллар давомида халқ, давлат ва дин муносабатлари асосида ривожланган. Ўзига хос бу учбурчакнинг чўққиси кўплаб мустаҳкам ришталар орқали бир-бири билан боғланган эди. Бироқ улар Мустафо Камол Отатурк ҳокимият тепасига келгандан кейин заифлашган. Мамлакат ҳаётида диний омил охириги қаторга сурилган. Унинг ўрни дунёвий давлат, ғарбона тараққиёт ва халқ ўртасидаги муносабат билан тўлдирилган. Бу муносабат жамиятни дин таъсиридан халос этиш, дунёвий давлат яратиш мақсадини кўзлаган.

**Калит сўзлар:** Туркия, Усмонийлар, Европа, Ғарб, султон, Отатурк, модернизация, модернизм, трансформация, давлат, жамият, сиёсат, иқтисод.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБЩЕСТВА – ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ

(На примере истории Турции)

Аннотация

Турецкое общество на протяжении многих лет развивалось на основе отношений между людьми, государством и религией. Вершины этого конкретного треугольника были связаны друг с другом множеством прочных связей. Однако они были ослаблены после того, как Мустафа Кемаль Ататюрк пришел к власти. Религиозный фактор в жизни страны отодвигается на задний план. Его место занимают светское государство, западное развитие и отношения между людьми. Это отношение направлено на избавление общества от влияния религии, создание светского государства.

**Ключевые слова:** Турция, Османы, Европа, Запад, Султан, Ататюрк, модернизация, модернизм, трансформация, государство, общество, политика, экономика.

## MODERNIZATION OF SOCIETY – OBJECTIVE NECESSITY

(On the example of Turkish history)

Abstract

Turkish society has developed over the years on the basis of relations between people, the state and religion. The vertices of this particular triangle were connected to each other by many strong connections. However, they were weakened after Mustafa Kemal Ataturk came to power. The religious factor in the life of the country is relegated to the background. Its place is taken by the secular state, Western development, and human relations. This attitude is aimed at ridding society of the influence of religion, creating a secular state.

**Key words:** Turkey, Ottomans, Europe, West, Sultan, Ataturk, modernization, modernism, transformation, state, society, politics, economy.

**Долзарблиги.** Туркия иқтисодий қудратига кўра дунёдаги кучли 20 та (G20) давлатдан биттаси ҳисобланади. Бундан ярим аср аввал Ғарбга нисбатан қолоқ бўлган Туркиянинг бугунги кунда модернизация-лашган давлатлар қаторидан жой олгани унинг тажрибасини ўрганиш заруратини келтириб чиқаради.

Мамлакат иқтисодиётида саноатнинг улуши - 28, қишлоқ хўжалиги - 15, қурилиш - 6, хизматлар - 51 фоизни ташкил этади. Тўқимачилик, кончилик, озиқ-овқат, кимё, фармацевтика соҳалари, энергетика, металлургия, кемасоз-лик, автомобилсозлик ва электр маиший товарлар ишлаб чиқариш тараққий этган. Айниқса, туризм динамик ривожланаётган тармоқдир.

Шу нуқтаи назардан Туркия давлатчилиги шаклланиши тажрибасини таҳлил қилиш, бу борада эришган ютуқларини ўрганиш, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш йўлида олиб борилаётган ислоҳот-ларда улардан фойдаланиш миллий манфаатларимизга мос тушади. Қолаверса, Ўзбекистон ҳам Туркия Президенти Ражаб Тойийб Эрдўған таъбири билан айтганда: “Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги стратегик аҳамиятга эга мамлакат” [1]. Демак, ўзаро ҳамкорликдан ҳар икки давлат манфаатдор.

Туркияда трансформация жараёни қандай кечган? Ўзига хос хусусиятлари нималар? Мавзунинг долзарблиги-ни айнан шулар ташкил этади.

**Методлар ва ўрганилганлик даражаси.** 1923 йил 29 октябрда Туркия ташкил топгандан кейинги ўн йилда собиқ ислом халифалиги тубдан ўзгарган. Конституция асосий демократик ҳуқуқ ва эркинликларни эълон қилган. 1934 йилда аёллар парламентга (ТБММ) сайланиш ҳуқуқини олган. Ислом давлат дини мақомини йўқотган ва давлат ҳамда таълимдан ажратилган. Исломий ташкилот-ларнинг мулки миллийлаштирилган. Туркия Европа тақвими ва кийимига ўтган. Мамлакатда кўпхотинлилик бекор қилинган ва дунёвий никоҳ шакли жорий этилган. Араб алифбосининг ўрнини лотин алифбоси эгаллаган. Кўплаб бошланғич ва ўрта мактаблар, университетлар Европа стандартлари бўйича ташкил этилган.

Туркия ҳукумати миллий иқтисодиётнинг ўсиши, унда чет эл тадбиркорлари таъсирини камайтиришни муҳим вазифа деб билган. Хорижий имтиёзлар қисман сотиб олинган, баъзилари бекор қилинган. Отатурк ҳукумати янги темир йўллар, порт ва фабрикалар қурилишини назоратига олган. Қишлоқларда тамаки ва пахтачиликни ривожлантириш учун шароит яратилган. Шу билан бирга, юқори божхона тарифлари ўсиб бораётган Туркия саноатини хорижий рақобатдан ҳимоя қилиши керак эди.

Давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви сиёсати («этатизм») Туркия саноати ривожланишининг асосини шакллантиришга имкон берган. Айни пайтда, ҳокимият мустақил касаба уюшмалари ва мухолиф партияларни қаттиққўллик билан бостирган, уларнинг фаоллари қатағонга учраган.

Ижтимоий-сиёсий ривожланиш – сиёсий тузум ва сиёсий маданият унсурларини изчил равишда ўзгартириб боришни англатади. Масалан, барҳам топган эски институционал ташкилотлар ўрнида янгилари пайдо бўлиши мумкин, институтлар ўртасидаги функционал алоқлар ўзгаради, янги жамоат ташкилотлари тузилади, партиявий тизим қиёфаси ўзгаради ва, ниҳоят, сиёсий маданиятнинг янги элементлари пайдо бўлиб, умрини ўтаб бўлган тасаввурлар ва мафкуравий қарашларни сиқиб чиқаради. Сиёсий тузум ва сиёсий маданият қанчалик мураккаб бўлса, жамият сиёсий тараққиётини белгилаб берадиган ўзгаришлар ҳам шунчалик хилма-хил бўлиши мумкин.

Тадқиқотчилар томонидан Туркия модернизация жараёнларининг турли жиҳатлари кўриб чиқилган бўлса-да, уларда маълум бир муаммо кўтарилгани ҳолда, Туркия ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларида рўй берган модернизация жараёнларидан ажратилган ҳолда кўриб чиқилгани билан изоҳланади. П. Солиҳ, Н.Г. Киреев, М.Гулмез, Э.Ю.Гасанова, И.Л.Фадеева тадқиқотларида давлатчилик сиёсати асосларининг шаклланиши ва унинг иқтисодий соҳадаги турк модернизациясининг бориши ва табиатига таъсири, миллатчилик мафкураси ва унинг Туркия тараққиётига таъсири, 1924 йилдаги Конституцияда жамият ҳуқуқ ва эркинликлари масалалари, анъанавий ҳуқуқ ва эркинликлар тадқиқ этилган [1].

Мамлакатимизнинг айрим тадқиқотчилари томонидан мазкур мавзу тадқиқоти эндигина бошланган,ҳали улар илмий изланиш жараёнида. Б.Имамов ва З. Рустамов шулар жумласидандир [2].

**Тадқиқот натижалари.** «Замонавий» мазмунидаги модернизациялаш атамаси технологик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бобида энг пешқадам бўлган давлатларнинг муштарак хусусиятларини ифодалаган жуда кенг қамровли тушунча сифатида ишлатилган. Шу туфайли тараққий этган давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини аск эттирган муддат ёки жараён маъносига айланган. Умумий маънода замонавийлашиш – тарих давомида ривожланган жамиятларнинг инсон ақл бисотида ҳаддан зиёд ортиши ва тезкор ўзгарган функциялар мослашиш жараёни сифатида таърифланиши мумкин.

Ижтимоий ўзгаришлар жараёнини ифодалаш учун замонавийлашиш билан бирга «европалашиш», «ғарблашиш», «ғарбийлашиш», «модернлашиш» каби атамалар ҳам ишлатилади. Ғарб жамиятлари XIX асрнинг ўрталаридан эътиборан Уйғониш, Ислоҳот ва Саноат инқилоби ёки капиталистик жамият таъсирини ўзидан бошқа жамиятларга ёйишга ҳаракат қилган. Оддий ифодалаш мумкин бўлса, ривожланган жамиятлар сиёсат соҳасида - демократик, иқтисодий соҳада – капиталистик ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатлари шаклини, маданий соҳада – илмий жамғаришнинг фикрлаш ва ахлоқий, ҳатто, диний эътиқодни мажбурлаш моделларини трансформациялаш лойиҳалари устида ишлай бошлаган. Мазкур лойиҳанинг номи - «европалаштириш» дейилган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш нуқтаи назаридан Ғарбий ҳисобланмаган жамиятлар етакчилари ва мутасаддилар янада яхши яшаш, қайсидур маънода Ғарб билан шу баҳона курашиш учун «ғарблашиш» ва «европалашиш»га ҳаракат қилган. Бундай ўзаро ҳамкорлик бирмунча кескинликка ҳам олиб келган. Бошқа томондан, Европадан ташқарида ҳам ўзига хос «Ғарб» ёки «ғарбликлар»нинг мавжудлиги маълум бўлган. Бунинг ўрнига янада холис бўлган «модернизация» номли концепция ишлатила бошлаган. Бироқ модернизация қайд этилган бошқа концепциялар сингари евроцентристик ва модернизациялаштирувчи маъносидаги Ғарбга хос бўлган сиёсий, ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий меъёрларнинг маҳаллий шароитларга мослашган кўриниши сифатида намоён бўла бошлаган.

Туркия модернизациясини тушуниш учун Усмонийлар империяси модернизациясини англаб олиш мақсадга мувофиқ. Мутахассислар фикрига кўра, усмонийтурк модернизацияси - «ғарблаштириш» сифатида тилга олинади. Усмонийлар империяси мамлакатни ҳалокатдан сақлаб қолиш учун шу йўлдан боришга мажбур бўлган. Эътиборлиси шу-ки, Усмонийларга Ғарб таъсири ва босими рўй бермасдан туриб бу йўл танланганлиги таъкидланади.

Биз ўрганаётган модернлашиш жараёни аввал Усмонийлар давлатида бошланган, кейинчалик Туркияда давом этган. Шунинг учун биринчи давлат амалга оширган замонавийлашиш жараёни билан иккинчи давлат давом эттирган шу жараён фарқини билиб олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

1. Модернлашиш Туркия учун илк йилларда ҳаётмамот масаласи бўлган. Усмонийлар даврида ҳар бир кунни ҳимоя қилишни кўзлаган зарурат маҳсули бўлиб, мавжуд бўлиш учун олиб борилган курашдан кўра қулашга маҳкум бўлган бинони сақлаб қолишга қаратилган ҳаракат мазмунида эди.

2. Усмонийлар давлатини модернизациялаштиришга қаратилган ғоя ёки мафкура бўлмаган. Давлат Ғарбга асос қилиб олинган тамойилларни ўрганишдан ожиз эди. Айнан шу нарса энди тузилган республика учун ўзига хос имконият бўлган. Яъни, модернизациялаштиришга доир нима қилиш кераклигини тажриба сифатида олган, модернизациялаштиришни ва Ғарбни Усмонийларга қараганда яхшироқ англаб олган.

3. Республикани модернизациялаштириш рационал ақлга таянган. Ёппасига модернлаштиришга ўтиш фақатгина шу ҳолатда амалга ошиши мумкин бўлган. Усмонийларда эса Шарққа хос мистик дунёқараш билан амалга оширишга ҳаракат қилинган.

4. Усмонийлар давлатини модернизациялаштириш қуролли кучлардан бошланган, кейин молия тизими ва бошқарувда намоён бўлган. Усмонийларда модернизациялаштириш тузилмаларнинг алоҳида олинган ҳолда илгари силжиши билан тавсифланса, республика даврида бир вақтнинг ўзида барча тузилмаларни қамраб олган ва шу тариқа ўртадаги узилишлар олди олинган, модернизациялаштиришни бир текис амалга оширишга эришилган.

5. Усмонийларда модернизациялаштириш хатоликларга йўл қўйиш билан изоҳланади. Республика даврида бу тажрибадан фойдаланилган ва хатоликлар қайтарилмаган.

Таъкидлаш жоизки, Усмонийлар йўл қўйган хатоликларнинг асосий сабаби – кучли мавқега эга бўлган консерватив қадриятларнинг мавжудлиги, дейиш мумкин.

Янги Туркия ноёб кўринишдаги модернизация сиёсатини амалга оширган. Республика тузилиши билан бунга доир ислоҳотлар Иккинчи жаҳон урушига қадар давом этган. Отатурк айтганидек: «Миллат бугунги кунда мазмун ва шакл нуқтаи назаридан цивилизациялашган халқларнинг ҳаёт тарзи ва шаклларини қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга қарор қилган» [3]. Отатурк мазкур масалага доир яна бир бор тўхталиб: «Ўзини маданийлашган деб ҳисоблаётган Туркия Республикаси халқи ўз зеҳниятига кўра ростдан ҳам маданийлашганини исботлаши керак. Унга оила ҳаёти, турмуш тарзи билан ўзининг маданийлашганини кўрсатиш мажбурияти юкланган» [4], деган.

1927 йилда: «Биз амалга оширган ва ошираётган инқилобнинг асосий ғояси – Туркияни замонавий аҳамияти ва тавсифи билан росмана фуқаролик жамиятига айлантиришдир. Айнан шу нарса инқилобимизнинг асосий тамойили ҳисобланади... Агар биз беш-олти йил ичида ўзимизни ҳимоя қила олган бўлсак, у ҳам бўлса зеҳниятимиз эвазигадир. Биз энди тўхтаб тура олмаймиз. Биз олға юришда давом этамиз» [5], фикрларини билдирган. Демак, Отатурк тафаккурнинг ўзгаришини назарда тутган. Ислоҳотлар асосий мақсадларидан бири - инсонлар онги ва фикрлаш тарзини ўзгартириш, замонавий қарашларни қарор топтириш бўлганлиги тарихдан маълум.

1923 йилда Отатурк яна шундай деган эди: «Мамлакатимизни замонавийлаштиришни хоҳлаймиз. Яъни, амалга оширадиган барча ишларимиз – Туркияда замонавий, ғарбона ҳукумат қарор топтиришдир. Мамлакат замонавий, тараққийпарвар ва ислоҳ этилган ҳисобланади. Биз учун бу ҳаётий зарурат. Фидокорона ишларимизнинг натижаси айнан шунга боғлиқдир» [6].

Туркияда амалга оширилган ислоҳотларга бир бутун тадбир сифатида қараганда «тараққий топган жамият» мақсадини кўзлаётганини пайқаш қийин эмас. Бироқ бундай жамиятни шакллантириш - жамиятдан ўз маданиятини чиқариб ташлаш ҳисобига амалга оширилишини англатмаслиги керак. Аксинча, бу жараён ички динамикани фаоллаштириш эвазига содир бўлиши лозим. Аслида, Отатурк: «Биз Ғарб тараққиётини унга тақлид қилиш учун қабул қилаётганимиз йўқ. Биз нимаики яхши бўлса, шуни қабул қиламиз. Чунки, биз буни дунё тамаддуни даражасидаги ўз тузилмаларимизга мос келади, деб ҳисоблаймиз» [7], дейди.

1920 йилларда юзага келган янги тартиб иқтисодий ривожланишни фаоллаштиришга йўналтирилган. Солиқлар камайтирилган, автомобил ва темир йўлларига инвестиция жалб этиш эвазига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши рағбатлантирилган, текстил фабрикалари очилган; темир йўллари, давлат сектори, портлар ва шахталар хусусийлаштирилган.

Модернлашишга оид яна бир йўналиш – маданий янгиланиш эди. Бироқ бу, умуман олганда Ғарб маданияти доирасида амалга оширилган. Шунинг учун модернизациялашишнинг бу шакли диний ва анъанавий мазмундаги ҳолатни қисман инкор этиш маъносида тушунилган. Шу маънода дунёвийлик ёки секуляризм атамалари «замонавийлашиш» атамасининг ҳам мазмун, ҳам асос нуқтаи назаридан маънодошларидир [8].

Замонавий тамаддун ҳақида гап кетганда ундан-да зиёда дунёвийлик ва позитивизмни ўйлаган, Усмоний клерикализми, Араб халифалиги ва «қизил калпоқ» кабиларни жамиятда юзага келган аввалги муаммоларнинг асосий сабаблари деб билган тушунча тарафдорларининг саноат инқилоби ҳақида ўйлашлари ақлга сиғмас ҳолдир. Шу тариқа Республика даврининг дастлабки ўттиз йилига салмоқли таъсир кўрсатган Халқ партияси жамиятдаги иқтисодий ўзгаришларни иккинчи даражали деб билган, бу ўзгаришларнинг маданий асосдаги ўзгаришларга боғлиқ эканлигини очиқча бўлмаса-да, қабул қилган эди» [9].

Туркиялик профессор Гунгўр Эролнинг таъбири билан айтганда: «Лола даври», «Танзимот», «Ислоҳот» ва I. Мешрутиет (Meşrûtiyet) даврлари деб аталган аввалги янгиланиш ва модернлашиш жараёнларининг якуний давоми бўлган II. Мешрутиет инқилобини амалга оширган авлоднинг урушдан кейин оёқда қола олганлари вакиллари эди. Улар бошқа муҳитда етишган, бир хил қарашга эга бўлган ва уларни бир-бири билан ўртоқлашган ҳамда уларнинг аксарияти II. Мешрутиет бошқарувида маълум лавозимларда фаолият олиб борган инсонлар бўлган" [10].

**Хулосалар.** Туркия модернизация жараёни XVIII асрда Усмонийлар давлатида аскарий зарурат сифатида бошланиб, XIX асрда давлат бошқарувида Ғарбга тақлид қилиш билан давом этган. Адабиётида илк бор Ғарб турмуш тарзи қаламга олиниб, зиёлилар қатлами орасида ёйила бошлаган ва усмоний султонлар қарашидан фарқ қиладиган Отатуркнинг «жумҳуриятни модернлаштириш»га доир қарашларида аксини топган.

Бу қарашлар фикримизча қуйидагилар:

- модернлашиш сиёсати Туркия учун ҳаётий масала, давлатчиликни сақлаб қолишнинг бош масаласи бўлган;

- Усмонийлар модернизацияси фалсафаси, назарияси, мафкураси бўлмаган. Усмонийлар модернизациялаштиришга доир Ғарбда амал қилган асосий мезон ва тамойилларни жамиятда қўллашдан ожиз бўлган.;

- Отатуркчиларнинг модернлаштиришга доир қарашлари радикал мазмунга эга бўлган. Зеро, бу қарашлар фақатгина моддий ва техник унсурларда эмас, бутун турк жамиятида содир бўладиган хатти-ҳаракатларни акс эттирган ҳаётий мазмундаги мукаммал модернлаштиришдир;

- Усмонийлар модернизацияси тузилмалар доирасида халқа-халқа шаклида илгарилаб борган бўлса, республика тузумида бу жараён барча тузилмаларни бир вақтнинг ўзида қамраб олишга ҳаракат қилган, тузилмалар орасида юзага келиши мумкин бўлган турли узилиш ҳолатларининг олди олинган, жамият Ғарб тақлидчилиги таъсирига тушмаган;

- Усмонийлар модернизациясига хатолик ва янглишишлар хос, республика даврида бу хатолардан четлаб ўтилган.

Модернизация инсонлар тафаккури, турмуш тарзининг ўзгаришини талаб қиладиган жараён бўлиб, у битта йўналишда кета олмайди. Унинг қамрови кенг, ўз навбатида, мураккаб тадрижий жараён ҳисобланади. У кўпроқ таълим ва ахлоқ-одоб, яъни маънавият масаласидир.

## АДАБИЁТЛАР

1. Киреев Н.Г. «Турция: история и современность». Москва. «Наука». 1988. Б. 325. 2. «История Турции: XX век». Москва. Крафт+ИВ РАН 2007. – Б. 609. ; Полат Салих. Процесс развития светского государства в Турции // Религия и право. – 2001, № 2. – Б. 122–167; Гасанова Э. Ю. Идеология буржуазного национализма в Турции. – Баку, 1966; Фадеева И.Л. От империи к национальному государству: идеи турецкого социолога Зии Гёк Алпа в ретроспективе

XX века. М.: ИВ РАН, 2001. Б. 216. http://naukarus.com/irma-lvovna-fadeeva-1938-2013; Gülmez M. Türkiye'de çalışma ilişkilerı". – Ankara, 1983. – Б. 177–178; Киреев Н.Г. История Турции XX век. М.: - Крафт+ ИВ РАН, - 2007. - Б. 152.; Новичев А.Д. Турция: краткая история. М.: - Наука, - 1965. - Б. 169.; Ермаханова С. А. Теория Модернизации: история и современность//econom. nsc. ru/ieie/SMU/conference/articles/Ермаханова. Doc.; Гидденс Э. Последствия модернити//Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. -М.: Academia, 1999. - Б. 105.; Инглегарт Р. Модернизация и постмодернизация / /Новая индустриальная волна на Западе. - М. - 1999. - Б. 268.; Федотова В. Г. Модернизация "другой" Европы. – М., Российская Академия Институт философии, 1997. – Б. 170.; Дружиловский С. Турция: привычка управлять // Россия в глобальной политике. – т. 3. - № 6. – Ноябрь-декабрь 2005. – Б. 55.
2. Имамов Б."Ўзбекистон ва Туркия Республикалари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар (1991–2018 йй.)" (PhD диссертацияси мавзуси); З.Рустамов – "1920-1930 йилларда Ўзбекистон ва Туркияда амалга оширилган ижтимоий-маданий ислоҳотларнинг қиёсий таҳлили"
3. 1925 йилда Туркия Буюк Миллат Мажлиси йиғилишида сўзланган нутқ. Atatürk'ün Söylev ve Demeçleri. –Б. 325.
4. Kutlu Sekban. Atatürkçülük (Birinci Kitap). Atatürk'ün görüş ve direktifleri. – Ankara. - "Gnkur". – 1982. – Б. 64.
5. Kutlu Sekban. Atatürkçülük (Birinci Kitap). Atatürk'ün görüş ve direktifleri. – Ankara. - "Gnkur". – 1982. – Б. 65.
6. Kutlu Sekban. Atatürkçülük (Birinci Kitap). Atatürk'ün görüş ve direktifleri. – Ankara. - "Gnkur". – 1982. – Б. 65.
7. Kutlu Sekban. Atatürkçülük (Birinci Kitap). Atatürk'ün görüş ve direktifleri. – Ankara. - "Gnkur". – 1982. – Б. 66.
8. Niyazi Berkes, Türkiye'de Çağdaşlaşma. – İstanbul. – 1978. - Б. 15.
9. Güngör, Erol. Türk yurdu. - 2011. № 292. Б. 41.
10. Güngör, Erol. Türk yurdu. - 2011. № 292. Б. 43.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УДК: 930.253(575.1)

***Азизбек НАЗАРОВ,***
*Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси*
*E-mail: azizbek_888@mail.ru*

*ЎзМУ профессори, т.ф.н. Саидбобоев З.А. тақризи асосида*

## ИМПЕРАТОРЛИК РУС ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ ТУРКИСТОН БЎЛИМИНИНГ ОРОЛ ДЕНГИЗИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАРИ

(ЎзМА И-69 фонди асосида)

Аннотация

Ушбу мақолада Императорлик Рус география жамияти Туркистон бўлимининг Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА)да сақланувчи И-69-фондидаги Орол денгизини ўрганишга доир ҳужжатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, йиғмажилдлардаги ҳужжатлар архив манбашунослиги нуқтаи назаридан тасниф қилинган. Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Императорлик Рус география жамияти Туркистон бўлими томонидан ташкил этилган кўплаб илмий экспедициялар натижалари ўрганилган бўлиб, Орол денгизи тадқиқотларига оид экспедициялар натижаларининг ўрганилиши акс этган илмий ишлар ва олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида умумий хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), Архив манбашунослиги, архив, фонд, йиғмажилд, ҳужжат, география, Орол денгизи, экспедиция, тадқиқот, ҳисобот.

## ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ИЗУЧЕНИЮ АРАЛЬСКОГО МОРЯ ТУРКЕСТАНСКОГО ОТДЕЛА ИМПЕРАТОРСКОГО РУССКОГО ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА

(на основе фонда И-69 НАУз)

Аннотация

В данной статье анализируются документы фонда И-69 Туркестанского отделения Императорского Русского географического общества по изучению Аральского моря в, который хранится в Национальном архиве Узбекистана (НАУз). Также документы фондов классифицированы с точки зрения архивного источниковедение. В статье исследуются результаты многих научных экспедиций, организованных Туркестанским отделом Императорского Русского географического общества в конце XIX – начале XX веков, и даются общие выводы, основанные на результатах научной работы и проведенных исследованиях, отражающих изучение результатов экспедиций по исследованию Аральского моря.

**Ключевые слова:** Национальный архив Узбекистана (НА Уз), архивное источниковедение, архив, фонд, дело, документ, география, Аральское море, экспедиция, исследование, отчет.

## RESEARCH ON THE STUDY OF THE ARAL SEA BY THE TURKESTAN DEPARTMENT OF THE IMPERIAL RUSSIAN GEOGRAPHICAL SOCIETY

(based on the I-69 fund of NAUz)

Abstract

This article analyzes the documents of the I-69 fund of the Turkestan branch of the Imperial Russian Geographical Society for the study of the Aral Sea, which is stored in the National Archives of Uzbekistan (NAUz). Also, the documents in the fund are classified from the point of view of archival source studies. The article examines the results of many scientific expeditions organized by the Turkestan Department of the Imperial Russian Geographical Society in the late 19th - early 20th centuries, and provides general conclusions based on the results of scientific work and research carried out reflecting the study of the results of expeditions to explore the Aral Sea.

**Key words:** National Archives of Uzbekistan (NAUz), archival source study, archive, fund, case, document, geography, Aral Sea, Expedition, research, report.

**Кириш.** Туркистон ўлкасидаги географик ва топографик маълумотларнинг аниқланишига ёрдам беради. Ўзбекистон Миллий архивидаги ўлка географиясига оид И-69-фондининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё ҳудудини ўрганишда Императорлик Рус география жамиятининг 1897 йил Тошкентда ташкил этилган Туркистон булимининг ҳиссаси салмоқли бўлган. Бўлим ташкил этилган илк даврдан бошлаб илмий экспедициялар, аъзоларнинг тадқиқотлари ва ҳисоботлар, ташкил этилган тадбирлар тафсилотлари, умумий мажлисдаги чиқишлар, илмий асар ва мақолалар, расмий ҳужжатлар “Императорлик Рус география жамияти Туркистон бўлими хабарлари” деб номланган тўпламда чоп этиб борилган. Ушбу нашр ўз даврида нафақат Россия, балки чет эл илмий жамоатчилиги орасида ҳам катта обрўга эга бўлган.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Архив манбашунослиги нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, И-69-фондида жамиятнинг 1896–1927 йиллардаги фаолиятига доир ҳужжатлар мавжуд. Жами 84 сақлов бирлигидан иборат. Фонддаги йиғмажилдлар 1 дан 72 тартиб рақамлари билан белгиланган бўлиб, 12 та литерли (ҳарф билан белгиланган) йиғмажилдлари мавжуд. Булар 7а, 8а, 17а, 22а, 29а, 33а, 35а, 41а, 44а, 48а, 51а, 61а.

Ушбу фонд “И” (исторический) индекси билан белгиланган бўлиб, шунингдек, ҳамма йиғмажилдларига “ОЦ” (особо ценный – ўта қимматли) грифи ҳам қўйилган.

Барча йиғмажилдлар микрофильмли захира нусхаларига эга Жамиятнинг 1896–1927 йиллардаги фаолиятига доир ҳужжатлар (И-69 фонди)да мавжуд.

XIX аср охири–XX аср бошларида Императорлик Рус география жамияти Туркистон бўлими томонидан кўплаб илмий экспедициялар ташкил этилган. 1899–1903 йилларгача уюштирилган илмий экспедицияларда машҳур географ, зоолог Л.С. Бергнинг ҳиссаси ғоят каттадир. 1899, 1900, 1902–1903 йилларда Л.С. Берг Орол денгизи, Балхаш кўлини ўрганиш мақсадида бир қанча илмий сафарлар ташкил этган. Ўз даврида Л.С. Берг Орол денгизини ўрганиш бўйича энг машҳур мутахассиси бўлганини архив манбалари ҳам юзага чиқарганини кўришимиз мумкин. Унинг тадқиқотлари натижасида Орол денгизининг тарихи ва хусусиятларига бағишланган “Орол экспедициясининг илмий натижалари” деб ном олган илмий тўпламнинг 11 сони нашр этилган.

ИРГЖ Туркистон бўлимининг хабарномалари саҳифаларида В.В. Бартольд[1], А.В. Диваев[2], Н.Н. Пантусов[3], М.С. Андреев, А.А. Семёнов, Н.А. Маев[4] ларнинг кўплаб тарихий мазмунга эга мақолалари берилган.

Бу даврда олиб борилган тарихий-географик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, улар мазкур давр фани тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди ва келгусида олиб борилган янги тадқиқотлар учун асос бўла олди.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** ИРГЖ Туркистон бўлими низомига кўра, жамият бевосита Туркистон генерал-губернатори бошқарувида бўлган ва унга чегарадош ҳудудларни ҳар томонлама ўрганган[5]. Бунда Қошғар, Афғонистон, Эрон ва бошқа ҳудудлар ҳам назарда тутилган. Жамиятнинг асосий изланишлари ўлка географияси, тарихи, этнографияси ва статистик тадқиқотлар кўринишида олиб борилган. Бу жараёнда бўлим турли экспедиция уюштириши, мавжуд материалларни йиғиши ва ўлкани тадқиқ этувчи ҳар қандай шахсларга кўмаклашиши лозим эди. Фақатгина 1897–1917 йиллар оралиғида жамият томонидан 42 та илмий экспедициялар уюштирилган. Айнан шу вақт оралиғида жамиятнинг йиғилишларида 150 та илмий ҳисобот, маъруза ва хабарлар ўқиб эшиттирилган. Шунингдек, жамият китоблар, қўлёзмалар, хариталарни йиққан ва сақлаган, маҳаллий музейга ёрдам кўрсатган.

1898 йил 14 январь йиғилишида географик тадқиқотларни амалга оширилаётганликлари айтилиб, тузилаётган хариталар бир хил орфографик қоидалар бўйича бўлиши уқтирилган[6].

Фондларидаги ҳужжатларда Орол денгизини ҳар томонлама илмий ўрганиш учун ИРГЖининг Туркистон бўлими айнан ёзда экспедициялар амалга оширганлиги келтирилган. Экспедициялардан бирида Орол ҳавзасини, асосан унинг шимолий қисмини ўрганиш натижасида анчагина материаллар тўпланган. Экспедициялар орасида нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эга бўлган кузатувлар жуда кўп эди. Шундай қилиб, Орол денгизи сатҳидаги тебранишлар ўрганилди, бу унинг қирғоқлари бўйлаб турли хил иншоотлар, тўғонлар ва бошқаларни жойлаштиришда ҳисобга олиниши кераклиги таъкидланган.

Ҳужжатларда экспедицияларни бошқарган Императорлик Рус география жамияти Туркистон бўлимининг ўша вақтдаги аъзоси бўлган Л.С. Бергга Сирдарёнинг қуйи оқими ва Орол денгизининг шимолий қирғоғида ўз тадқиқотларини олиб борган муҳандислардан бири топограф К.А. Молчанов томонидан Сирдарё дельтаси харитасидан фойдаланиб, маълумот йиғишганлиги айтиб ўтилган.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Фондлардаги Орол денгизи минтақасининг иқтисодий ўсиши, ҳамда денгиз ва унинг қирғоқларини ўрганиш бўйича Алоқа вазирлиги расмийлари ва ИРГЖ Туркистон бўлими аъзолари томонидан қилинган ишлар натижалари акс этган маълумотлар экспедициялар моҳиятини очиб беришда ёрдамлашади. Шунингдек, экспедицияларга кетган харажатларнинг савдо буюмларини ташиш ва юклардан тушган даромадлар томонидан ҳам, унга қуйиладиган дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган аҳоли ҳисобидан ҳам қопланиши айтиб ўтилган. Бу маълумотларга таяниб, Марказий Осиё темир йўлини қуриш бўйича бўлимнинг таклифи келтирилган. Шу билан бирга Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовскийдан амалий ёрдам сўрашган[7].

И-69-фонд 8а-йиғмажилдда “Туркестанские ведемости” газетасининг 1901 йил 14 январь сони жойлаштирилган. Унда Л.С. Бергнинг жамият йиғилишидаги Орол тўғрисидаги маърузаси мавжуд[8]. Унда Л.С. Берг бошчилигида ўтказилган Орол экспедицияси натижалари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, 11-йиғмажилдда ҳам Орол денгизида олиб борилган тадқиқотлар ҳақида кўплаб илмий маъруза ва ҳисобот ҳужжатлари учрайди.

Ушбу йиғмажилдда Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасидан ИРГЖ Туркистон бўлимига йўллаган хати мавжуд (1900 йил 5 апрель). Хатда 1900 йил 29 мартда Орол денгизини тадқиқ этиш учун Амударё флотиляси таркибига кирувчи катердан фойдаланишга рухсат сўраб жўнатилган сўровномага генерал-губернатор вазифасини бажарувчи илтимосномани қаноатлантира олмаслигини қуйидагича изоҳлайди: Амударё флотилиясида 2 та буғ катери бўлиб, улардан бири нотўғри ясалганлиги учун ҳатто дарёда сузиш хавфли. Иккинчи катер флотилиянинг фаолияти учун зарур[9]. Бу ҳақида кейинчалик М.В. Грулев ҳам ўз тадқиқотида маълумот бериб ўтган[10].

Шунингдек, йиғмажилддаги Оренбург–Тошкент темир йўл қурилиш раҳбарига юборилган хатда 1900 йил ёзда Оролнинг шимолий қисмини ўрганиш бўйича экспедиция ташкил этилиб, денгиз сатҳининг ўзгариши ўрганилганлиги, чунки Орол соҳилларида турли хил иншоотлар қуриш учун ушбу маълумот керак бўлганлиги қайд этилган. Ҳақиқатан сўнгги 20 йил ичида денгизда сув сатҳи кўтарилиб, соҳили ва ороллари кўриниши ўзгаргани, шунингдек, экспедиция давомида денгиз сатҳининг музлаши ва эриши ҳақида маълумотлар ҳам ўрганилган.

Ўша пайтларда Орол денгизини метерологик жиҳатдан тадқиқ этилиши учун ундан 12 верст нарида Қизилжар сойларида метерологик станция 1900 йил 12 ноябрда иш бошлаган. Улар денгиз чуқурлигини ўлчашган ҳамда денгиз ўтлари намуналаридан олишган. Шунингдек, денгиз сувининг химик таркиби, шаффофлиги, ранги ва зичлиги текширилган. Плангтонларнинг денгиз бўйлаб нотекис тарқалганлиги аниқланган. Бу ўз навбатида Орол балиғи (шипа)ни денгиз бўйлаб сузиб юриш сабабларини аниқлаш ва денгизда балиқчиликни тартибга солиш ҳамда ривожлантиришга имкон берган.

Қолаверса, денгиздаги ороллардан бирида тошкўмирнинг топилиши экспедициянинг амалий аҳамиятини оширган. Яна Тошкент–Оренбург темир йўли бинолар ва кўприклар қурилишида ишлатилиши мумкин бўлган турли хил оҳактошларнинг Орол экспедицияси томонидан ороллар ва соҳиллардан топилиши ИРГЖ Туркистон бўлими мавқеини кўтарган. Шу тариқа ҳужжат якунида Тошкент–Оренбург темир йўл қурилишидан 1901 йилда

Орол денгизининг жанубий қисмини ўрганиш учун маблағ сўраган[11].

Архив ҳужжатида Орол денгизнинг иқтисодий аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган ҳамда унинг шарқий қирғоғи бўйлаб денгиз йўли орқали темир йўл қурилиши билан савдо ва денгиз транспорти ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

1900 йилда Орол экспедициясининг умумий қиймати тахминан 1709 рублни ташкил этган. Ўша йили Орол экспедицияси томонидан олинган натижаларнинг янгилиги ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, ИРГЖнинг Туркистон бўлими кейинги 1901 йил учун ҳам худди шундай экспедицияни ташкиллаштирган. Экспедиция иштирокчилари 1898 йилда Омск округидаги кўлларини ўрганиш бўйича экспедицияда қатнашган ва 1899–1900 йилларда Орол денгизида Л.С. Берг ва Москва университети Ботаника бўлими ассистенти А.С. Барклев тадқиқот олиб борган. Уларнинг иш режасида 9 ноябрдаги 12636-сонли Орол экспедицияси учун Алоқа йўллари вазирлигининг Сув йўллари ва савдо портлари идорасига мурожаатномаси мавжуд бўлган. 1901 йилги экспедиция асосан Амударёнинг денгиз бўйига туташган жанубий қисмини, шунингдек, 1900 йилда денгизнинг ўрганилмасдан қолган шимолий қирғоқларини ўрганган, экспедициянинг иш дастурини кенгайтириш ва бошқа вазифалар қатори, унга денгиз оқимларини ўрганиш ҳам юклатилган. Кенгайтирилган дастур бўйича бундай экспедиция 1900 йилги экспедициядан қолган баъзи асбоблардан фойдаланди, баъзилари эса Тошкент расадхонасидан бепул олинади ва харажатлар 25 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисда Императорлик Рус география жамиятининг Туркистон бўлими кенгаши томонидан тасдиқланган 2650 рублни ташкил этган. Қайиқнинг нархи ҳам ушбу ҳисоб-китобга киритилмаган, чунки экспедиция Орол денгизига маҳаллий Қишлоқ хўжалиги ва давлат мулки бошқармаси томонидан буюртма қилинган яхтадан фойдаланади. Моддий ресурслари етарли бўлмаганлиги сабабли (йилига 2500 рубль), Департамент Ўрта Осиё темир йўлининг Оренбург–Тошкент йўналишини қуриш бўйича идорадан ёрдам сўрайди, чунки бу идора кенг кўламли, аммо шу пайтгача деярли фойдасиз бўлган Орол денгизининг иқтисодий ҳаётини тиклашга интилади. Департамент 1500 рубль миқдорида моддий ёрдам кўрсатадиган экспедицияни жиҳозлашга рози бўлган[12].

Географ Л.С. Берг 1900–1902 йиллар кичик кемада Орол денгизини турли йуналишда бир неча бор сузиб ўтган. Натижада Орол денгизининг гидрологияси, иклимига оид ғоят катта фактик материаллар тўплаган. Олим 1906 йил денгизнинг шимолий қисмини ўрганди. Экспедиция ҳужжатларини Л.С. Бергдан ташқари А.Д. Архангельский, В.Ф. Ошанин, Н.И. Андрусов, С.А. Зернов каби геолог ва биолог мутахассислар ўрганишган. Буларнинг барчаси Л.С. Бергнинг “Орол экспедициясининг илмий натижалари” номли асарида жамланган[13].

Л.С. Берг иқлим элементлари (ҳаво, сув ва тупроқ температураси, намлиги, буғланиш, ёғинлар миқдори, ҳаво босими ва бошқалар)га оид тўпланган маълумотларни таҳлил қилиб, Орол денгизининг атрофдаги ҳудудларга кўрсатадиган таъсирини аниқлади.

Хуллас, Л.С. Бергнинг Орол денгизи ҳақидаги бу фундаментал монографияси босилиб чиққач, Орол мамлакатдаги мукаммал ўрганиб чиқилган гидрогеографик объектлардан бирига айланган.

ИРГЖ Туркистон бўлими аъзоларининг тадқиқотларига бўлган эътиборнинг кўрсаткичи экспедициялар натижалари “Известия”да эълон қилинган (айниқса Орол экспедициясининг илмий натижалари)дан кейин оммалашиб кетган.

Императорлик Рус география жамияти Туркистон бўлими кенгаши ўз фаолиятини олдиндан ўйланган режаси билан амалга ошириб, Бўлим шон-шарафи учун аҳамиятли бўлган барча экспедициялар қобилиятли аъзоларнинг шахсий ташаббуси туфайли амалга оширилган.

Агар Бўлим экспедицияларни ташкил этишда кўпроқ ташаббус кўрсатганда ва уларни пухта ўйланган режага мувофиқ амалга оширганда, Бўлим экспедиция фаолиятидаги танаффуслар юз бермас эди. 1911, 1913, 1915 йилларда бирорта ҳам йирик экспедиция ўтказилмаган. Чунки жамият ҳисобида экспедиция учун маблағ бўлмаган. Аъзолардан ҳеч бири экспедицияларни давом эттиришни истамаган, ҳатто мустақил равишда экспедиция ташкил этишга ҳаракат ҳам қилишмаган.

Кенгаш фаолиятида юқорида айтиб ўтилган камчиликларга қарамай, жамият илмий марказ бўлиб, Туркистон бўлимида олимлар ҳар доим ўз кашфиётлари тўғрисида кенг омма олдида ҳисобот беришлари ва ниҳоят асарларини “Известия” саҳифаларида нашр этишлари мумкин бўлган.

Этнография ва сейсмология соҳаларида қизиқарли тадқиқотлар олиб борилган. Топографик ва астрономик ишлар ташкил этишган. Л.С. Бергнинг ташаббуси билан иккита метеорологик станция (Қизил-Жар ва Орол денгизи)да ташкил этилган[14].

***Хулоса ва таклифлар* (Conclusion/ Recommendations).** Императорлик Рус география жамияти Туркистон бўлимининг Орол денгизини ўрганишга доир Л.С. Бергнинг экспедициялари Россияда лимнологик тадқиқотлар ривожланишида муҳим босқич бўлган. Улар фанни янги тимсоллар ва муҳим хулосалар билан бойитиб, лимнологик ва табиий-географик тадқиқотлар методологиясини янада ривожлантиришган. Л.С. Берг тадқиқотларини ўша даврнинг энг катта географик асарлари билан таққослаш мумкин. Улар Туркистоннинг палеогеографик ва геоморфологик тадқиқотларида янги саҳифа очган. Л.С. Бергнинг энг катта хулосалари ва умумлашмалари бир қатор хорижий олимларнинг сохта “назариялари”га ҳам қарши қаратилган.

Орол экспедицияси томонидан соҳиллардан тошкўмир ва оҳактошнинг топилиши ИРГЖ Туркистон бўлими мавқеини кўтарган. Императорлик Рус география жамияти Туркистон бўлими аъзолари томонидан яратилган хулосалар ва умумлашмалар ўз аҳамиятини йўқотмади ва совет даври олимлари асарларида янада ривожлантирилди.

Архив ҳужжатларидаги маълумотларнинг таҳлили натижасида Орол денгизида олиб борилган экспедициялар тўғрисида ҳаққоний маълумотлар ҳақида умумлашма хулоса бериш мумкин. Фондлар таркибидаги ҳужжатларнинг қиймати бўйича Орол денгизи тўғрисидаги манбалардан ўлка тарихини ёритишда ҳам кенг фойдаланиш керак.

## АДАБИЁТЛАР

1. Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи // ИТОИРГО. Т. 4. – Ташкент, 1902. – С.
2. Диваев А.В. Киргизская колыбельная песня // ИТОИРГО. Вып. 1. – Ташкент, 1900. – С. 88.
3. Пантусов Н. Танрчинкие бакши // ИТОИРГО. Т. 6. – Ташкент, 1907. – С. 38.

4. Маев Н.А. Топографический очерк Туркестанского края. Орография и гидрография края. – М.: Типография Ф. Михеева, 1871. – 133 с
5. ЎзМА И-69-фонд, 1- рўйхат, 2-йиғмажилд, 2-2-орқа варақлар.
6. ЎзМА И-69-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд, 22-23-варақлар.
7. ЎзМА И-69-фонд, 1-рўйхат, 8а-йиғмажилд, 394-варақ.
8. ЎзМА И-69-фонд, 1-рўйхат, 8а-йиғмажилд, 500-501-варақлар.
9. ЎзМА И-69-фонд, 1-рўйхат, 8а-йиғмажилд, 62-варақ.
10. Грулев М.В. Некоторые географико-статистические данные, относящихся к участку Аму-Дарьи между Чарджуем и Патта-Гиссаром // ИТОИРГО. Т. II. – Ташкент: Типография Штаба Туркест. Воен. Округа, 1900. – С. 5-87.
11. ЎзМА И-69-фонд, 1-рўйхат, 8а-йиғмажилд, 395-396-варақлар.
12. ЎзМА И-69-фонд, 1-рўйхат, 8а-йиғмажилд, 395-варақ.
13. Берг Л.С. Научные результаты Аральской экспедиции // ИТОИРГО. Т.V. Вып. 9. – Ташкент, 1908. – 619 с.
14. ЎзМА И-69-фонд, 1-рўйхат, 8а-йиғмажилд, 394-орқа варақ.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

**УДК: 502.131(575.1+4-6EC)**

***Исмоил НУРМЕТОВ,***
*Урганч Давлат университети таянч докторанти*
*E-mail: ismoil_nur84@mail.ru*

*УрДУ Тарих кафедраси мудири, т.ф.д. Абдуллаев У.И тақризи асосида*

## ЎЗБЕКИТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Аннотация
Ушбу мақолада тарих, ҳуқуқ, фалсафа ва сиёсий фанларда Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни соғломлаштириш, иқлим ўзгариши, сув ресурсларини бошқариш, биохилма-хилликни сақлаш масалалари, Марказий Осиёда атроф муҳитни асраш бўйича минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш масаларининг борасидаги қатор изланишлар акс этган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларига оид тадқиқотларни тарихшунослиги кенг ёритилган. Мазкур соҳага оид илмий тадқиқотларда республикамизда юзага келган ижтимоий-экологик муаммоларнинг тарихий негизлари, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ва ечимларини таҳлил этилган. Оролни Қутқариш Халқаро жамғармаси, Марказий Осиё Минтақавий Экологик Маркази ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари ёритилган хорижий нашрларни ҳам таҳлил қилинган.
**Калит сўзлар:** Вазирлар Маҳкамаси, ташқи сиёсати стратегияси, тарих, ҳуқуқ, фалсафа, сиёсий фанлар, Марказий Осиёда, трансчегаравий дарёлар, Марказий Осиё Минтақавий Экологик Маркази.

## ИСТОРИОГРАФИЯ ИСТОРИИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТОН

Аннотация
Эта статья охватывает ряд исследований в области истории, права, философии и политологии, посвященных экологическим проблемам в регионе Аральского моря, изменению климата, управлению водными ресурсами, сохранению биоразнообразия и развитию регионального сотрудничества в области охраны окружающей среды в Центральной Азии. При этом широко освещена историография исследований сотрудничества Республики Узбекистан с международными организациями. Научные исследования в этой области анализируют исторические основы социально-экологических проблем в стране, их причины и пути решения. Также были проанализированы зарубежные публикации, освещающие некоторые аспекты сотрудничества Международного фонда спасения Арала и Центрально азиатского регионального экологического центра.
**Ключевые слова:** Кабинет Министров, внешнеполитическая стратегия, история, право, философия, политология, Центральная Азия, трансграничные реки, Центрально Азиатский Региональный Экологический Центр.

## HISTORIOGRAPHY OF INTERNATIONAL ECOLOGICAL RELATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract
This article presents a number of studies in history, law, philosophy and political sciences on environmental issues in the Aral Sea region, climate change, water management, biodiversity conservation, the development of regional cooperation in environmental protection in Central Asia. At the same time, the historiography of research on cooperation of the Republic of Uzbekistan with international organizations is widely covered. Scientific research in this area analyzes the historical basis of socio-environmental problems in the country, their causes and solutions. Foreign publications covering some aspects of the cooperation between the International Fund for Saving the Aral Sea and the Central Asian Regional Environmental Center were also analyzed.
**Key words:** Cabinet of Ministers, Foreign Policy Strategy, History, Law, Philosophy, Political Science, Central Asia, Transboundary Rivers, Central Asian Regional Environmental Center.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг муҳим йўналишлари ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлари изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Халқаро ҳуқуқий шартнома, конвенцияларнинг қоидаларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш асосий масалалардан бирига айланган. Ўзбекистон Республикасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати стратегияси билан белгиланади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Бугунги кунда мамлакатда БМТТД ва Ўзбекистон ҳукуматининг атроф-муҳит бўйича дастури, Ғарбий Тянь-Шандаги биохилма-хиллик бўйича трансчегаравий лойиҳа, Озон қатламини асраш бўйича лойиҳалар, Марказий Осиё давлатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий ҳаракатлар режаси ва бошқа йўналишлардаги лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Орол муаммосининг Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятга, ҳудуд аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсири ва унга қарши кураш жараёнлари таҳлили мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ушбу мавзуни тарихшунослигини ўрганишда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон[1], 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сон[2], 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон[3] фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2915-сон қарори[4] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 841-сон қарори[5], шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Тадқиқотда тарихий-таққослаш, тизимлаштириш, холислик тамойиллари, статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Бугунги кунга қадар ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида, жумладан, тарих, ҳуқуқ, фалсафа ва сиёсий фанларда Марказий Осиёда атроф-муҳитни асраш бўйича минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақадаги мамлакатлар билан яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, трансчегаравий муаммоларни бартараф этиш, Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни соғломлаштириш, иқлим ўзгариши, сув ресурсларини бошқариш, биохилма-хилликни сақлаш масалалари сингари глобал экологик муаммоларга қаратилган қатор изланишлар олиб борилган. Мазкур йўналишлардаги тадқиқотлар акс этган адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этишда икки гуруҳга: мустақиллик йилларидаги адабиётлар ҳамда хорижлик муаллифлар асарларига ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳга кирувчи адабиётларда Ўзбекистондаги экологик вазиятнинг турли жиҳатлари ёритилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан, экология, ҳуқуқ, сиёсатшунослик йўналишларида чоп этилган нашрларда Ўзбекистоннинг экологик сиёсати, халқаро шартномалардаги мажбуриятларини бажарилиши, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига оид маълумотлар берилган. Ўзбекистон республикасининг халқаро экологик ҳамкорлик алоқаларига оид масалаларни ёритишда экология ва атроф муҳит соҳасига оид бир қатор манбалар мавжуд. Жумладан, Д. Бобожонованинг “Аҳоли саломатлиги ва экологик муаммолар”, Х.Турсуновнинг “Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш”, Б.Калонов, Б.Зиямуҳамедовларнинг “Экология ва маданият”, Ж. Холмўминовнинг “Экология ва қонун”, А.Тўхтаевнинг “Экология”, А. Нигматовнинг “Экология нима?”, Т.М. Жумаевнинг “Экология иқтисодиёти”, Н. Икрамованинг “Минтақа экологиясини тартибга солиш муаммолари” ва А.Эргашевнинг “Инсон экологияси” номли китобларида аҳоли саломатлигига экологик муаммоларнинг таъсири, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда инсон омилининг ўрни, қонунчиликда экологик масалаларнинг ҳуқуқий ечими, экологик вазиятни барқарорлаштиришда ижтимоий институтлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан олиб борилган ҳамкорлик масалалари батафсил ёритилган. Мазкур йўналишдаги сўнгги йиллардаги тадқиқотларда мамлакатда мавжуд экологик вазият ва бу жараёнда юзага келган экологик муаммолар хусусида фикр юритилган.

Сиёсатшунослик йўналишдаги илмий адабиётлар, монография, докторлик диссертациялари ва илмий тадқиқот ишларида сўнгги йиллардаги мамлакатда мавжуд экологик вазият ва бу жараёнда юзага келган глобал экологик муаммолар хусусида фикр юритилган. Ж. Холмўминов, Д.Умаровнинг “Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва сайлов қонунчилиги” китоби, Ш.Бабаевнинг “Инсон ва экологик омиллар”, Б.Аслонов, Н. Каримоваларнинг “Экологическая политика и безопасность”, Е. Даниловaнинг “Экологический мониторинг некоторых районов Узбекистана и заболеваемость”, Ш.Файзиевнинг “Экологическая политика государства. Концепция правового обепечения», А. Сангиновнинг “Аҳоли ўртасида экологик маданиятни тарғиб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” номли мақолаларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро экологик алоқалари масалаларига доир фикр мулоҳазалар билдирилган.

Ҳуқуқшунослик соҳасига оид тадқиқотларда мамлакатда табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор экологик вазият яхшилаш борасидаги вазифаларнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган. Ушбу соҳа вакилларидан Т. Мирзаевнинг “Экологияга доир қонунлар ижросини текшириш ва қонунлар бузилишига барҳам бериш” номли ўқув қўлланмаси, Б. Калоновнинг “Экология назоратини амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари” номли китоби, Д.Сафаровнинг “Ўзбекистон Республикасида экологик қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш масалалари” номли илмий тадқиқот ишида, Ж. Холмўминовнинг “Экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик таҳдидларни олдини олишнинг ҳуқуқий асоси” номли мақолаларида Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларига оид тадқиқотлари доирасида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти ва бу соҳалар бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларига тўхталиб, юзага келган ижтимоий-экологик муаммоларнинг тарихий негизлари, уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этганлар. Шу билан бирга, эълон қилинган илмий, илмий-оммабоп ишларда халқаро экологик ҳамкорлик масалаларига оид айрим маълумотлар ҳам учрайди.

Мазкур мавзу ҳозирга қадар замонавий назарий-методологик ёндашувлар асосида илмий билишнинг мустақил объекти сифатида алоҳида тадқиқ этилмаган. Аммо мавзунинг айрим жиҳатлари баъзи тадқиқотларда қисман кўриб ўтилади.

Шу билан бирга республикамизда иқтисодиёт йўналишларида чоп этилган нашрлардан О.Хамидовнинг “Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш”, Ф.Валиеванинг “Глобальные проблемы экологии” ва Н. Самигованинг “Экологические последствия урбанизацои и индустриализацо и современности” номли мақолалари, А. Умаровнинг “Минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг экологик жиҳатлари” ва Г.Рахимованинг “XX аср 50-90 йилларда Фарғона водийси саноат ривожининг экологик ҳолатга таъсири” номли илмий тадқиқот ишларида Ўзбекистоннинг экологик сиёсати, халқаро шартномалардаги мажбуриятларини бажарилиши, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига оид маълумотлар иқтисодиёт соҳасига оид тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган.

Ушбу гуруҳда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларига

бағишланган тадқиқотларни алоҳида кўрсатиш мумкин соҳа мазкур тадқиқот ишининг тарихшунослиги ҳисобланади. Мазкур соҳага оид илмий тадқиқотларда республикамизда юзага келган ижтимоий-экологик муаммоларнинг тарихий негизлари, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ва ечимларини таҳлил этганлар. Д. Бобожонованинг "Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари (70-80 йилларнинг ўрталари)"[6], Х.Юнусованинг "Социально-экономические процессы и духовная жизнь Узбекистана в 80-х годах XX века" ва Б.Исоқовнинг "Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми–2000-йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири"[7] номли тадқиқот ишларида Ўзбекистон демографик жараёнлар, яъни туғилиш, аҳолининг табиий ўсиши ва миграция соҳаларидаги ўзгаришлар масалалари, меҳнат ресурслари сонининг ўсиб бориши муносабати билан ташқи меҳнат миграциясига доир масалалар, Ўзбекистонда баркамол авлодни миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш масаласини акс этган. Зеро, табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати стратегиясининг тамойиллари (мамлакатнинг миллий-давлат мафаатлари, халқаро ҳуқуқ маъёрлари, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик, барча баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш) билан аниқланган.

О. Комиловнинг "Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951-1990 йй.)"[8] номли илмий тадқиқот ишида совет ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистонда гидротехника иншоотларининг кўплаб қурилиши, уларнинг асосан республика пахтачилик соҳасини юксалтиришга хизмат қилганлиги, унинг замирида эса пахта яккаҳокимлиги сиёсати ётганини масаласи, сув ресурсларининг тақчиллиги тобора ортиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сувларидан оқилона фойдаланиш, мавжуд йирик гидроиншоотларнинг техник ҳолати самарадорлигини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли ҳаётига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган шартномалар тузиш ва уларни амалда қўллаш масалаларига тўхталган. Шу билан бирга, сув ҳаёт манбаи эканини эътиборда тутиб, бугунги кунда унинг захираларидан оқилона ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда томчилатиб суғориш усулини барча минтақа мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги соҳасига жорий этиш мақсадида нуфузли халқаро ташкилотлар ташаббуси остида ўзаро келишувлар ишлаб чиқиш ва имзолаш, ичимлик суви танқислигининг олдини олиш ва у билан боғлиқ бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бартараф этиш бўйича Марказий Осиё Сув хўжалиги комиссиясини (МОСХК) ташкил қилиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш каби фикрлар билдирилган.

С. Давлетов "XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари"[9] номли илмий тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит тарихи жамиятини шакллантириш мақсадга мувофиқлиги, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш масаласи, экологик билим ва кўникмаларни такомиллаштиришда олий таълим муассасаларида тарих, экология, иқтисод, қишлоқ хўжалиги йўналишлари ўқув режаларига «Барқарор тараққиёт ва табиатдан фойдаланиш асослари» махсус ўқув курсларининг киритилишига алоҳида урғу берган. Жамиятда аҳоли кенг қатламларининг экологик маданиятини ошириш мақсадида ОАВда атроф-муҳитни асрашнинг тарихий ва замонавий муаммоларини тизимли асосда ёритиб борувчи махсус кўрсатувлар рукнини тайёрлаш ва доимий фаолиятини йўлга қўйиш, сайёрамиздаги глобал иқлим ўзгаришларининг бевосита таъсири остида чўлланиш, сув танқислиги ва бошқа экологик муаммолар хавфининг мавжудлигини ҳисобга олиб мавжуд трансчегаравий сувлардан оқилона фойдаланишни алоҳида ёритган. Ани пайтда, кишиларнинг кундалик ҳаёти ва меҳнат фаолиятида ресурсларни барқарор бошқаришда иқлим ўзгариши туфайли юзага келган хавфни пасайтирувчи усулларни маҳаллий аҳоли ҳаётига татбиқ этишнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, бу эса мамлакат аҳолисига глобал иқлим ўзгаришлари оқибатларига олдиндан мослашишга ёрдам бериши таъкидланган. Бундан ташқари Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишда қайта тикланадиган энергиядан фойдаланадиган технологияларни кенг жорий этиш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда муқобил энергия манбалари ва ресурстежамкор технологиялардан самарали фойдаланишнинг техник имкониятлари ва ижтимоий-иқтисодий самарасини тарғиб қиладиган мақсадли лойиҳаларни кўпайтириш, мамлакатда аҳолининг динамик ўсиши ва аҳоли фаровонлигини янада ошириш билан боғлиқ ҳолда озиқ-овқатга бўлган талабларни кучайишини инобатга олиб, қишлоқ хўжалигида инновацион ва ресурстежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш, илм-фан билан ишлаб чиқариш интеграциясини янада мустаҳкамлаш зарурлигини ёритиб берган. Бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудларда илмий муассасалар билан ишлаб чиқариш тизими ҳамкорлигини кучайтиришга йўналтирилган дастурларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ҳолатини инобатга олиб, атроф-муҳитни асрашнинг трансчегаравий муаммоларини хал қилиш, давлатлар манфаатларига зиён етказмайдиган конструктив ёндашув ва муроса асосида янги гидротехник иншоотлар барпо этиш бўйича қўшма қарорларни қабул қилиш керак. Биргаликдаги ҳаракатлар холис халқаро экспертизадан ўтказиш ва келишишни назарда тутувчи БМТ конвенцияларида белгиланган халқаро сув ҳуқуқининг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Бу борада минтақадаги экологик муаммоларни ечиш бўйича кейинги йилларга мўлжалланган комплекс-тизимли ёндашувга асосланган режаларини ишлаб чиқиш, умуман давлатлараро муносабатлар тизимида экологик масалаларнинг устуворлигини таъминлаш зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро муносабатларидаги роли алоҳида эътироф этиш керак.

М. Рахимовнинг "Сотрудничество Республики Узбекистан со специализированными учреждениями ООН 1991–1999 гг (на примере ЮНЕСКО)" номли номздлик ва "Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991–2010 годы)"[10] номли докторлик илмий тадқиқот ишларида, Д.М. Раҳимбаеванинг "Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944–2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида)" ва Д.Сайфуллаевнинг "Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши"[11] илмий тадқиқот ишларида халқаро экологик ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталиб, халқаро муносабатлар ва халқаро сиёсатнинг ўзгариб бораётганлигини инобатга олиб, бу борада Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги

интеграция жараёнларининг ривожланиши, юзага келган ижтимоий, иқтисодий, айниқса экологик муаммоларни биргаликда ҳал йўлларига тўхталиб ўтилган. Яна ушбу гуруҳда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларига бағишланган тадқиқотларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга оид хорижий мамлакатларда яратилган адабиётларда экологик барқарорликни таъминлаш масалалари муҳим ўрин тутади. Жумладан, ушбу гуруҳни Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати, турли давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ва халқаро муносабатларда тутган ўрни масалалари ёритилган адабиётлар, рисолалар, илмий тадқиқот ишлари ва мақолалар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, М.Рахимовнинг "Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивного равзития в Центральной Азии" ва "Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира", А.Қирғизбоевнинг "Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги" ва Р.Фармонов, Қ. Жураевларнинг "Халқаро муносабатлар тарихи" номли китобларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалари, унинг юзага келиши ва ривожланиш тарихи акс этган[12].

Ушбу гуруҳга Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан, жумладан, Оролбўйи минтақасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазият, бу борада минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликнинг айрим жиҳатлари ёритилган китоб ва рисолалар ҳамда илмий мақолаларни киритиш мумкин. Б.А.Кощанов, Т.А.Аметов, Я.Б.Генжемуратов, С.Б.Кощановалар муаллифлигида чоп этилган "Очерки зарубежной историографии новейшей истории Республики Каракалпакстан" номли китоби, С.Р.Давлетовнинг "Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср боши)" номли монографияси[13], Р.Баллиеванинг "Этнокультурные аспекты экологических проблем Приаралья", С.Р.Давлетовнинг "Қуйи Амударё худудаги экологик вазиатни соғломлаштиришда «GEF» Агентлигининг тутган ўрни"[14], "Оролбўйи худудида ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишда халқаро лойиҳаларнинг ўрни"[15], О.Б.Абдимўминовнинг "Ўзбекистон ва БМТ: Орол муаммоси юзасидан ҳамкорлик"[16] номли мақолаларда ҳам Орол ва Оролбўйи минтақасида юзага экологик муаммолар, уларни бартараф қилишда халқаро ташкилолар билан ҳамкорлик алоқалари, бу борала эришилган ютуқлар ва келгусида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ёритилган. Шунингдек иккинчи гуруҳга Оролни Қутқариш Халқаро жамғармаси, Марказий Осиё Минтақавий Экологик Маркази ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари ёритилган хорижий нашрларни киритиш мумкин.

Р.Алимовнинг "Марказий Осиё: умумий манфаатлар" монографияси Марказий Осиёдаги хавфсизлик муаммосининг муҳим жиҳатларига, минтақадаги айрим жаҳон кучларининг геосиёсати омилига бағишланган бўлса, Ш.Арифхоновнинг китобида геосиёсий вазият, минтақавий интеграциянинг асосий муаммоларини ҳал этиш истиқболлари ва Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш учун барқарорроқ муҳит яратишга уринишлар таҳлил қилинган. У. Ҳасанов, Ф. Толипов, Р. Фарманов, К. Жураев, И. Бобоқулов, И. Мавлянов ва М. Бахадиров тадқиқотларида Марказий Осиёда геосиёсий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва моҳияти таҳлил қилинган, Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари учун миллий хавфсизлик стратегиясини шакллантириш, мавжуд муаммолар таснифи, таҳдидлар берилган.

Марказий Осиё боғлиқ тадқиқотлар МДҲ мамлакатларидан тарихчилари томонидан, биринчи навбатда рус тадқиқотчилари - А. Акимов, В. Белокриницкий, И. Звягелская, А. Богатуров, А. Куртов, А. Перепелкина, Е. Козожкина, Д. Трофимова, С. Панарина, Е. Сафронова, О. Тихонова, А. Казанцева, С. Беспалова, А. Власов, М. Старчак, С. Юна ва бошқалар ўзларининг асарларида геосиёсий вазият, давлатарнинг сиёсий мавқеи, Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва ташқи сиёсий алоқаларини таҳлил этилган. Лекин бу тадқиқотларнинг кўпчилиги бирёқлама ўрганилган бўлиб, асосий эътибор сиёсий жабҳаларга қаратилган[17].

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).** Аслида бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари, айниқса Ўзбекистон Республикаси учун долзарб масалалардан бири – Оролбўйи минтақасида соғлом турмуш тарзини яратиш, инсонларни эртанги ёрқин келажакка ишончини уйғотиш, "яшил иқтисодиётга" ўтиш, иқлим ўзгаришлари ва иссиқхона эффектига қарши курашишдан иборат.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг халқаро экологик муносабатларининг ўрнатилиши, ривожланиши тарихи шу вақтга қадар Ўзбекистонда ва хорижда комплекс равишда тарихийлик контекстида алоҳида тадқиқ этилмаган.

## АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда
2. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 22 апрель, 80 (6774)-сон.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 06/19/5863/3979-сон
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 317-модда
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 09/18/841/2081-сон
6. Аллаберганов Ш.Й. Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси тарихи (1991-2018 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. ... Афтореф. Тошкент, 2019. –Б.54.
7. Исоқов Б. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми–2000-йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 27 б.;
8. Комилов О. Ўзбекистонда ирригацоя тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951-1990 йй.). Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. – 66 б.;
9. Давлетов С.Р. XX аср иккинчи ярми –XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари. Тарих фанлари доктори (DcS) дисс. ... Автореф. Тошкент, 2018.
10. Рахимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивного равзития в Центральной Азии.: Автореф. дисс. … док. ист. наук. – Ташкент, – 2012. – 48 с.
11. Сайфуллаев Д. Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Тарих фани бўйича фалсафа доктори (PhD) автореф. – Тошкент, 2017. – 49 б.

12. Рахимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивного равзития в Центральной Азии. – Ташкент: Янги нашр, 2011. – 230 с.;
13. Давлетов С.Р. XX аср иккинчи ярми –XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари. Тарих фанлари доктори (DcS) дисс. ... Автореф. Тошкент, 2018.
14. Давлетов С.Р. Қуйи Амударё ҳудудидаги экологик вазиятни соғломлаштиришда «GEF» Агентлигининг тутган ўрни // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. – Нукус, 2003. – №1-2. – Б. 9-10.
15. Давлетов С.Р. Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишда халқаро лойиҳаларнинг ўрни // Материалы международной научно-практической конференции на тему "Устойчивое развитие Южного Приаралья". – Нукус, 2011. – Б.106-107.
16. Абдимўминов О.Б. Ўзбекистон ва БМТ: Орол муаммоси юзасидан ҳамкорлик // Жамият ва бошқарув. Тошкент. 2010. №4. Б.37-39;
17. Рахимов М. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Ташкент: Адабиёт учқунлари, 2016. – С. 25-26.

**O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]**
**ISSN 2181-7324**

**TARIX**
http://science.nuu.uz/uzmu.php
**Social sciences**

***Одинахон РАХМАНОВА,***
*Фарғона Давлат Университети ўқитувчиси*
*E-mail:setoraimohihosa@mail.ru*

*Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси, PhD Юлдашев С. тақризи асосида*

## РОЛЬ СУФИЕВ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА В ПРОИЗВЕДЕНИИ “ТАРИХИ ШАХРУХИ” НИЯЗ МУХАММАДА ХУКАНДИ

Аннотация

В данной статье излагается о роли суфиев Кокандского ханства в произведении “Тарихи Шахрухи” Нияза Мухаммада Хуканди, о религиозных представителей занимающую в обществе ханства доминирующую роль, о их влиянии на все стороны жизни: от семейных отношений до социально-политических представлений. Приводится примеры религиозных лидерах и наставников Кокандских ханов, чьё влияние оказывало на мнение и принимаемое решение в управлении государственным аппаратом.

**Ключевые слова:** “Тарихи Шохрухи”, “Ибратул-хавокин”, муджадидия, Хазрати Сахиб-зада, Мавлави Намангани, Масумхан тура, накшбандия, джахр, Алимхан, Умархан, Мадалихан.

## THE ROLE OF THE SUFIS OF THE KOKAND KHANATE IN THE WORK “TARIHI SHOKHRUHI” BY NIYAZ MUHAMMAD KHUKANDI

Annotation

This article describes the role of the Sufis of the Kokand Khanate in Niyaz Muhammad Khukandi's Tarihi Shokhruhi, the dominant role of religious representatives in the khanate's society, and their influence on all aspects of life: from family relations to socio-political ideas. Examples are given of religious leaders and mentors of the Kokand khans, whose influence influenced the opinion and decision-making in the management of the state apparatus.

**Key words:** “Tarihi Shokhrukhi”, “Ibratul-havokin”, mujadidiya, Khazrati Sahib-zada, Mavlavi Namangani, Masumkhan tura, Naqshbandiya, Jahr, Alimkhan, Umarkhan, Madalikhan.

## НИЁЗ МУХАММАД ХЎҚАНДИЙНИНГ “ТАРИХИ ШОХРУҲИ” АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ СЎФИЙЛАРНИНГ ЎРНИ ҲАҚИДА

Аннотация

Ушбу мақолада Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шохруҳи” асарида Қўқон хонлиги сўфийларининг, диний вакилларининг жамиятда тутган ўрни, ҳаётнинг барча жабҳаларига: оилавий муносабатлардан тортиб, ижтимоий-сиёсий соҳада бўлган таъсири ҳақида сўз боради. Давлат ишларини бошқаришда Қўқон хонларининг диний пешволари ва устозларининг фикр ва маслаҳатлари инобатга олиниши ва қарор қабул қилишда уларнинг таъсири ҳақида мисоллар келтирилган.

**Калит сўзлар:** “Тарихи Шохруҳи”, “Ибратул-хавоқин”, муджадидийа, Хазрати Сохиб-зода, Мавлави Намангани, Масумхон тўра, накшбандийа, жахр, Олимхон, Умархон, Мадалихон.

**Введение.** Произведение Нияза Мухаммад Хукандия “Тарихи Шохрухи” была написана по указанию Худаяр-хана в 1871-72/1889-90 годах на таджикском и узбекском языках. Данное произведение охватывает историю Кокандского ханства с правления Нарбутабия и кончая 1871 годом [1].

Обнаружен был этот список в 1876 году, после завоевания ханства царской Россией. Он так же является первым историческим произведением о Кокандском ханстве, попавший в руки исследователям. В 1885 году по одному из списков был опубликован без перевода печатный текст памятника [2].

В написание данной статьи был использован перевод источника осуществлённый Ш.Х. Вахидовым на узбекский язык. Этот рукописный список был приобретён Ш.Х. Вахидовым в городе Намангане в 2006 году по совету доктора исторических наук, профессора Зоир Чориева. Он отличается от других тем, что в нём имеется введение и название сочинения и звучит по другому “Ибратул-хавокин” (“Назидание не посвещённым”) [3].

Этот источник ценен тем, что Нияз Мухаммад принимал непосредственное участии в политической жизни Кокандского ханства, начиная с периода правления Шералихана до Худоярхана включительно. Он принимал участие в битве, видел повседневную жизнь города и населения того времени, правление ханов и их взаимоотношения с религиозными деятелями.

На основе собственных наблюдений, сбора устных сведений и непосредственного участия в происходящих событиях, Нияз Мухаммад Хуканди сумел собрать обширный материал, легший в последствие в основу его сочинения “Тарихи Шахрухи” [4].

**Методы и степень изученности.** Статья основана на принципах общепринятых исторических методов - исторического, сравнительно – логического анализа, системности, объективности.

Сочинение Ниеза Мухаммада Хуканди “Тарихи Шахрухи” пользовалось большой популярностью как у местных авторов, так и русских. Причина столь заинтересованности к данному произведению в том, что многие труды кокандских историков не были

опубликованы и за 120 лет до того, как они были введены в научный оборот, в 1885 году Н.Н. Пантусов литографским способом издал текст “Тарихи Шахрухи” в Казани [5]. Следовательно, что большинство ученых использовали именно эту публикацию.

Сведения данного сочинения использованы в трудах В. В. Бартольда, Н. Г. Малицкого, Е. Б. Мекмаханова, А. М. Мухтарова, Р. Н. Набиева, Ю. Нейман, А. Жуванмардиев, В. А. Ромодина, М. Е. Кутлугова, А. Тахирджанова, Н. Д. Миклухо-Маклай, Б. А. Ахмедова, Т. К. Бейсембиева, Б. М. Бабаджанова и др.[6]. Но надо отметить, что в данных трудах не даётся подробной информации о представителях религиозной элиты Кокандского ханства, о ишанах, саййидов, святых семей имеющие почётный статус и права давать советы и наставления правителю, права быть наставниками хану, участвующие в политической жизни ханства.

В “Ибратул-Хавокин” описываеться период с возникновении Кокандского ханства до начала 70-х годов XIX века. Основные периоды истории ханства описываются иногда кратко, а иногда подробно.

Надо учесть что Аваз- Мухаммад был в числе приверженцев Муджадидия. Он считал себя мюридом Махдуми Хаммама сына Арифа Пскати из братства накшбандия [7]. Это повлияло на стиль автора в изложении материала, на оценки данные автором касающиеся наставления в адрес отдельных правителей. Назидания цитируются в традиционной суфийской форме литературного стиля. Автор призывает правителей править справедливо, советоваться с учёными и благородными.

Для написания данной статьи был использован перевод текста Ш. Вохидова “Тарихи Шахрухи”.

Результаты исследования:

Немаловажное место уделено в “Ибратул хавокин” вопросу взаимоотношения светской власти и духовенства.

Первое связано с взаимоотношением мингов и чодакских ходжей, которые имели огромный авторитет в духовной и в какой-то степени политической жизни народов Ферганы. Данный вопрос освещен в некоторых письменных источниках.

В произведении “Тарихи Шахрухи” подробно рассказывается о взаимоотношении мингов и чодакских ходжей.

Как только образовалось государство, узбекская верхушка мингов заманила лидера ходжей предложением установить родственные отношения: якобы выдавая своих дочерей ходже - тогдашнему правителю Чодака. Как только ходжа, приняв предложение, вместе с сопровождающими сорока джигитами пришѐл к ним в гости, Минги по своему обычаю разделили между собой гостей, а после угощения по сигналу всех вместе и убили. После этого минги, переходя Чодак, захватили оружие и казну ходжей, таким образом, отстранив главного претендента власти мингов [8].

Другой рассказ о смерти Шахрухбия тоже связан с представителями суфизма: во время строительства крепости в нем работал один из последователей мулла Бозор Охунда – учитель Боборахима Машраба. Мулло Бозор Охунд прибыл к Шахрухбию и попросил освободить его ученика. Шахрух отказался и мулла Бозор Охунд вернулся с сожалением. По пути зашел к одному мюриду в гости, и здесь, на стене нарисовав Шахруха, начал стрелять из лука в рисунок, приговаривая “Шохрух мурд” – “Шохрух умер”. “Это произошло в четверг, а в пятницу на плече хана появляется болячка и он от этого и умер” [9]. Среди инициаторов нового государства имена Чодакских ходжей встречаются неслучайно, новая династия, скорее всего, с целью получить духовную поддержку, привлекала их к себе .

Закончив рассказ о смерти Шахрух хана от магических действий обиженцого им шейха, Нияз Мухаммада Хуканди наставляет: “Расстройство сердец божьих людей — признак заката жизни и государства” [10].

Автор продолжая мысль, далее излагает событие повествующее о нанесении обиды Хазрати Сахибу, главе ордена накшбандия в Коканде и его изгнании Мухаммад-Али-ханом. Обиженный и изгнанный ишан Хазрат Сахиб-зада совершил хадж дважды — в 1260/1844 и в 1261/1845 гг. Сразу же следует рассказ о падении власти последнего, его гибели и завоевании Ферганы мангытами [11].

Автор хотел указать на то, что за не справедливое отношение к Хазрату Сахиб-зада всевышний сам наказал хана. И, наоборот, третье воцарение Худайар-хана и последовавшее вскоре возвращение в Коканд Хазрати Сахиба, возобновление им там богоугодной деятельности связывается с наступившим в Фергане процветанием [12].

В “Тарихи Шахрухи” неоднократно признается похвальным, когда правитель с почтением относится к улемам и действует согласно их советам. Нияз Мухаммад Хуканди был за “гармоничное” разделение функций и власти между светскими и духовными феодалами при сохранении верховенства светских правителей.

В произведении автор описывая период правления Алимхана уделяет внимание проверки ханом деятельности шейхов и суфиев. Выявленные лже-шейхи и лже-чудотворци должны были предстать перед Алимханом. Он требовал их к себе во дворец и приказывал показывать, и говорить все то, что они делали перед народом. Если на этом экзамене хан не замечал ничего того, что могло бы идти против основ мусульманской религии, праведников отпускали, а иногда даже получали подарки от самого Алимхана. Были праведники, которые проваливали экзамен хана, тогда он требовал от них по меньшей мере публичного покаяния в совершение обмана и надувательства, но чаще всего чудотворец платил за совершения проделок своей жизнью [13].

Кроме лже-чудотворцев в ханстве было много лже-нищих, в действительности которые имели достаточно средства и могли бы заниматься более полезным делом. Лже-нищих он принудительно определял в погонщиков верблюдов [14].

Сам хан принадлежал к секте суфиев джахрия. По мнению автора “Тарихи Фаргона” Ибрата он состоял в секте “отвергаемому сообществу суфиев”, то есть к группе предпочитающие громкий зикр [15]. Зикр в буквальном значение “поминание”, — духовное упражнение с целью ошущения внутри себя божественного присутствия; ритмичное, повторное поминание имен бога (теомнемия) для достижения сотояния духовной сосредоточенности; зикр ал-авкат — установленное ежедневное поминание; зикр джахри или джали — поминание вслух; зикр ал-хадра — коллективное отправление зикра; зикр хафи — мысленное поминание про себя. Именно зикр джахри проводил каждый вечер в своем дворце хан [16].

Духовный наставник Алимхана Шайх-Насир проводил в ханском дворце с участием самого хана мистические радения (зикр) с громким песнопение (джахриййа), во время которых были равны “шах” и “нищий”, таким путем в сознании масс внедрялось иллюзорная идея равенства всех мусульман. Некоторые шейхи и “рассказчики” (нукала) убеждали, что молитвы участников зикра, на котором присутствовали экзальтированный падишах, будут приняты Аллахом. Таким образом,

суфизм был сильным средством идеологического воздействия господствующего класса на угнетенных [17].

На одном из таких вечеров, во время публичного радения “джахриййа” в ханском дворце некий “вор и мошенник” пытался убить хана, нанеся ему удар ножом. Рана оказалась легкой, покушавшийся был схвачен. Хан, не производя дознания, приказал его казнить [18].

На одиннадцатом году правления Алимхан выдаёт замуж свою дочь за сына Маҳмудхон тура Аҳрорий Саййидхон тура. Браки такого рода фиксировались и ранее. Связь закрепленная семейными узами с святыми семьями была богоугодным делом и закрепляла статус религиозных деятелей, а так же их влияние на политику ханства.

Так же можно упомянуть брак сестры Кокандского правителя Алимхана и Умархана Офтаб айим с Масумхан тура. Он был из рода шайха Ахмада Касани и входил в состав мусульманской аристократии столицы и ханства.

Восхождения на трон Умархана так же проходил с помощью авторитетных духовных лидеров [19].

Большим авторитетом при дворе Умар-хана пользовались шейхи, саййиды и ученые, в частности Хазрати Мавлавий Махдум. В “Тарихи Шахрухи” приводятся его пространные религиозно-этические наставления хану во время собраний.

На одном из собраний Хазрат Мавлавий решил проверить присутствующий, слушали ли они его проповеди и поучения [20]. Хазрат Мавлави всем задаёт вопрос: “О чём я сейчас говорил?”, тогда Умархан ответил: “Вы говорили о справедливости и милосердии султанов”. Мавлави сказал: “О эмир! Этот вопрос был задан в качестве экзамена. Я хотел знать, внимательно ли вы слушаете мою проповедь. Я прошу Аллаха, Владыку правителей, в надежде, что Он не исключит вас из числа справедливых султанов”. Умархан в отчаянии заплакал. Умархан часто плакал на собраниях. Мавлави закончил проповедь множеством молитв и желаний и собирался встать, когда казначеи достали несколько дорогих платьев и набросили их на него. Амир вышел босиком за ним на улицу чтобы проводить Хазрата Мавлави. Хан потратил большую часть своей драгоценной жизни на ученых и шейхов, великих сайидов и благородных деятелей [21].

Ученые, учителя и добрые люди времен Умархана, а так же участники собраний хана без которых не проводился ни один маджлис были: Зокирхужа эшон шайхулислом Намангоний, Мавлавий Намангоний, домла Мирзойи қозии калон, ҳазрати домла Муминжон, ҳазрати Абдулкарим, ҳазрати домла Махзуми Зард, ҳазрати Мавлавий Кобули, ҳазрати домла Ориф, ҳазрати домла Кози Бобохужа. Султонхон тура Аҳрорий ва Маҳмудхон тура Аҳрорий, Масумхон тура Махдуми Аъзамий – муж сестры Умархана Офтобойим, Хожа калон Махзуми Аъзамий, Эшонхон турахон тура, Жаҳонгирхон тура Саййидофокий [22]. Особенно важно отметить о влиянии Масумхана тура, пользующийся уважением и почётом в ханстве, семья его являлась потомками сайидов и ходжа. Почетом и уважением Масумхан тура пользовался при правлении Алимхана и Умарахана. В период правления Умарахана Масумхан тура активно участвовал в государственных делах. Но к сожалению спокойная и процветающая деятельность этой семьи долго не продлилось. На четвёртом году своего правления Мадалихан отстраняет от власти Масумхана тура и высылает его из города. Через несколько месяцев высылает из территории ханства и сына Масумхана тура Хакимхана тура. На шестом году правления Мадалихана умерает тетя его Офтоб айим, мать Хакимхана тура [23]. В “Тарихи Шахрухи” не излагается подробно о жизни и деятельности выше указанного семейства.

**Выводы.** В произведении Нияза Мухаммада Хуканди “Тарихи Шахрухи” содержится интересный материал об участии духовенства в политической жизни Кокандского ханства. Через всю основную часть сочинения проходит фигура руководителя ордена накшбандия в Коканде Хазрат-и Сахиба. К авторитету духовенства в ожесточенной борьбе группировок прибегали в весьма ответственных случаях (посольство Мийан-Фазл-Халила к Сарымсак-хану в Ташкент). В связи с этим надо отметить, что при власти бухарского эмира в 1842 г. в Фергане на крупные административные должности были назначены джуйбарские ходжи, а в 1280/1863 г. эмир Бухары, находясь в Фергане, назначил хакимом Андижана духовное лицо — Ходжа-йи Калана Кашгари. Таким образом, политика эмира была направлена на повышение роли духовенства в ущерб светским феодалам. Но в целом духовенство не стало настолько влиятельной политической силой ханства, чтобы диктовать условия враждовавшим группировкам [24].

Результатом изучения произведения “Тарихи Шахрухи”, является выводом о роли суфиев и религиозных деятелей, вовлечение их в политическую жизнь государства, занимаемое важное место около правителя, божье наказание тем правителям чья злость и ненависть была направлено против святых, и наоборот хвала и божья награда тому правителю, который слушал и ценил наставления духовных лидеров. Исследования по истории Кокандского ханства не могут быть признаны полноценными, если для написания его не привлекалось это сочинение.

Суфии в обществе ханства, являлись доминирующими религиозными представителями и влияли на все стороны жизни: от семейных отношений до социально-политических представлений. Данное представление частично было раскрыта в статье.

## ЛИТЕРАТУРЫ


1. Р.А. Арслонзода. Источниковедение. – Фергана. 2019. – С. 209.
2. Т.К.Бейсембиев. «Тарихи Шохрухи” как исторический источник. – Алма-Ата: Наука. 1987. – С. 4.
3. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 3-5.
4. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 4.
5. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 7.
6. Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин. – Ташкент. 2007. – С.39.
7. Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин. – Ташкент. 2007. – С.39.
8. Мирзо, Олим Маҳдум Хожи. Тарихи Туркистон/Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ш. Вохидов. Араб ёзувидан табдил Ш.Вохидов ва Р. Холиќова/М.Мирзо. –Тошкент: «Янги аср авлоди»,2009. – Б. 46-47.
9. Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-Таворих.Тошкент. Янги аср авлоди. 2010. – С. 306.
10. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 123.
11. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 123-136.
12. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 280.

13. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 75.
14. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 77.
15. Исҳоқхон тўра Ибрат. Тарихи фарғона. – Тошкент: Маънавият. 2005. – Б. 8.
16. Дж. С. Тримингэм / Пер. Азы Ставиской. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука. 1989. – С. 220.
17. Т.К.Бейсембиев. «Тарихи Шохрухи» как исторический источник. – Алма-Ата: Наука. 1987. – С. 71.
18. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 76.
19. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 101.
20. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 121.
21. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 121-122.
22. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 119.
23. Ниёз Мухаммад Хукандий. Ибратул хавокин. – Т. 2014. – Б. 124.
24. Т.К.Бейсембиев. «Тарихи Шохрухи» как исторический источник. – Алма-Ата: Наука. 1987. – С. 131.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УЎК: 904:94(575.1)

*Жасур ТОҒАЕВ,*
*Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д. (PhD)*
*E-mail: jasur.togaev@nuu.uz*

*Ташқи тарихчи: Ўткир Абдуллаев – Урганч давлат университети профессори в.б., тарих фанлари доктори*

## БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ТАРИХИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация
Дунё миқёсида қадимги даврнинг тарихий реконструкцияси ва алоҳида моддий буюмлар, тарихий меъморий иншоотларнинг виртуал моделларини реконструкция қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, Қадимги Бақтриянинг таркибига кирган Жанубий Ўзбекистон – Сурхон воҳасининг бронза ва илк темир даври тарихи ва маданияти, чунончи, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихи реконструкцияси, этномаданий жараёнлар, миграциялар ва иқтисодий алоқа йўллари ҳамда илк давлатчилик тарихини қайта тиклаш, цивилизация тарихига оид илмий ахборот материалларини қиёслаш ва замонавий талқин қилиш амалга оширилмоқда. Мақолада Жанубий Ўзбекистон мисолида бронза ва илк темир даври тарихий реконструкцияси очиб берилган.
**Калит сўзлар:** цивилизация, давлатчилик, қадимги тарих, бошқарув, қайта тиклаш, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, Бақтрия.

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РЕКОНСТРУКЦИИ ИСТОРИИ ЭПОХИ БРОНЗЫ И РАННЕГО ЖЕЛЕЗА

Аннотация
Вопросы исторической реконструкции древнего периода, создания виртуальных моделей предметов материальной культуры и архитектурных сооружений исследуются в ряде научных центрах мира. Также в аспекте истории и культуры эпохи бронзы и раннего железа Южного Узбекистана – долины Сурхана, входившей в состав древней Бактрии, осуществляется сравнительный анализ и интерпретация научной информации по исторической реконструкции социально-экономических отношений, этнокультурных процессов, миграций и путей экономических связей, ранней государственности и истории цивилизации. Раскрыто историческая реконструкция эпохи бронзы и раннего железа на примере Южного Узбекистана.
**Ключевые слова:** цивилизация, государственность, древняя история, управление, реконструкция, социально-экономические отношения, Бактрия.

## ISSUES OF RECONSTRUCTION OF THE HISTORY OF THE BRONZE AND EARLY IRON AGES

Annotation
The issues of historical reconstruction of the ancient period, the creation of virtual models of objects of material culture and architectural structures are studied in a number of scientific centers around the world. Also in the aspect of the history and culture of the Bronze Age and early Iron Age of Southern Uzbekistan – the Surkhan oasis, which was part of ancient Bactria, a comparative analysis and interpretation of scientific information on the historical reconstruction of socio-economic relations, ethnocultural processes, migrations and ways of economic ties, early statehood and history of civilization. It is revealed that, the historical reconstruction of the Bronze Age and Early Iron Age on the example of Southern Uzbekistan.
**Key words:** civilization, statehood, ancient history, management, reconstruction, socio-economic relations, Bactria.

**Кириш.** Умумжаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даври тарихини илмий асосда тадқиқ ҳамда тарғиб этиш тарих фанининг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Айни масалани таҳлил этишда "ёдгорликлар географияси, этномаданий жараёнлар, миграциялар ва иқтисодий алоқа йўлларининг реконструкцияси", "ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихи реконструкцияси", "илк давлатчилик тарихини қайта тиклаш масалалари" каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Сурхон воҳасининг қадимги тарихи ва маданиятини ўрганилишига катта ҳисса қўшган бир қатор олимлар – А.А. Асқаров, Л.И. Альбаум, Г.А. Пугаченкова, Э.В. Ртвеладзе, Х. Дуке, Т.В. Беляева, З.А. Ҳакимов, Ш.Р. Пидаев, А.С. Сагдуллаев, Т.Ш. Ширинов, Б.Н. Абдуллаев, У.В. Раҳмонов, Ш.Б. Шайдуллаев, М.Х. Эсанов, К.А. Рахимов, Д.О. Каримова, А.Ш. Шайдуллаев ва О.А. Хамидов каби тадқиқотларини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. К. Ламберг-Карловски, Ф. Колл, Ф. Хиберт, Д. Хуфф, Н. Бороффка, Ж. Киерри ва Ж.Лутц, С.Страйд, Л.Сверчков, Н. Бороффка, К. Каниут, Э. Люно, Х. Бендезу-Сармиенто, Л. Станчо, А. Даниелисова, Ж. Луиллиер, А. Аугустинова каби олимлар ҳам мавзуни ўрганишга муносиб ҳисса қўшганлар.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мақолада тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, тарихий маълумотларни умумлаштириш, ретроспектив каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Бронза ва илк темир даври тарихий реконструкцияси илмий адабиётлар ва археологик маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилган.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Мавзуни юқорида қайд этилган бир қатор долзарб масалалар йўналишида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи масала – ёдгорликлар географияси, этномаданий жараёнлар, миграциялар ва иқтисодий алоқа йўлларининг реконструкцияси. Мазкур масалани

археологик манбалар асосида тарихни қайта тиклаш нуқтаи назаридан талқин қилиш лозим.

Турли илмий маълумотларни [1] умумлаштириш асосида, Сурхон воҳаси бронза ва илк темир ёдгорликларининг географияси ва картографияси муаллифнинг диссертация тадқиқотида очиб берилган [2]. Янги тузилган хариталар [3] ва археология маълумотларига таянган ҳолда, Кўҳитанг этакларидан Ҳисор тоғлари этакларигача қадимги аҳолининг ҳудудий жойлашиши хусусиятлари ва чегаралари, воҳаларнинг ўзлаштирилиш даражаси масалалари кўриб чиқилган. Бундай ёндашув этнос ва ҳудудлар, антропоген ландшафт ва табиий муҳитнинг ўзаро муносабатларини қайта тиклашга хизмат қилади. Бу борада этнографияда ишлаб чиқилган услубий-назарий кўрсатмалар ҳам ҳисобга олинган [4]. Шу асосда ҳудудий жойлашиш чегараларининг ўзгариши ва ривожланиши динамикаси аниқланган.

Этномаданий янгиликлар жиҳатдан бронза даври Жанубий Ўзбекистонда юз берган жараёнлар юқори даражада ривож топган Қадимги Шарқ вилоятларидан ташқи миграциялар натижасида келгинди аҳолининг илғор маданий анъаналарнинг ёйилиши, деҳқончилик маданияти, ихтисослашган ҳунармандчилик соҳалари, турли иншоотлар, мудофаа тизими, уй-жойлар, катта бинолар (сарой ва ибодатхоналар) қуришда мураккаб геометрик тизимлардан фойдаланилиши, бадиий маданият, тасвирий санъат намуналари ва эътиқодларнинг маданий анъаналар ва янгиликлар уйғунлиги асосида ривожланиши билан изоҳланган.

Этномаданий жараёнлар ривожида қадимги миграцияларнинг ўрни ва уларнинг минтақа доирасидаги таъсири даражаси баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бронза даври миграцияларининг бошланғич нуқталари Олд Осиё – Аккад, Шумер ва Эламда жойлашиб, мигрантлар Шарқий Эрон ва Туркманистоннинг жануби-ғарби орқали қуйи Мурғоб дарёси (Марғиёна) ва Бактрия ҳудудларини кенг миқёсда ўзлаштиришган [5]. Янги ўзлаштирилган жойларда келгиндилар ўз рақибларига, эҳтимол, дуч келмаганлар. Бироқ улар ҳали кўп жиҳатдан номаълум, бегона юртларда ўз турар жойларини мудофаа деворлари билан ўраб олишган (Гонур, Даштли, Сополли) [6].

Ёдгорликлар географияси, ўз навбатида бронза даври миграциялари ва иқтисодий алоқалар йўлларининг реконструкциясига имкон беради.

Ҳинд воҳаси, Олд Осиё, Эрон ва Ўрта Осиёни боғловчи бронза даври йўлларининг тузилган харитасида дарё кечувлари, тоғ даралари ва довонларидан ўтган коммуникациялар ҳамда дашт ҳудудларидаги йўналишлари кўрсатиб берилган [3]. Энг муҳим алоқа-савдо йўллари ғарбда Элам, Шумер, Олд Осиё ва Мисрни, жанубда Ҳинд водийсини Ўрта Осиё билан боғлаган (“Ложуворд йўли”) [7]. Бу йўл Шарқий Бактрияда бошланган. Марғиёна, Бактрия, Суғд ва Фарғона орқали муҳим йўл Хитой чегараларига етиб борган. Тошкент ва Хоразм воҳаларида “Дашт йўллари” бошланган [8]. Демак, машҳур Буюк ипак йўли тарихининг бошланишига қадар, анча илгари бронза даврида унинг асосий йўналишлари ва ривожланган савдо коммуникацияларининг тармоқлари вужудга келган. Трансминтақавий иқтисодий алоқа йўллари тизимида Сурхон воҳаси муҳим ўрин тутган.

Мил. авв. II минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярмида Андроново қабилаларининг равишда кўчиб келиши оқибатида, минтақанинг моддий ва маънавий маданиятида турли янгиликлар намоён бўлиб, туб жойли ва келгинди аҳоли гуруҳларининг қоришиб кетиши натижасида этник ҳудудларнинг ажралиб чиқиши бошланган.

Иккинчи масала – ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихи реконструкцияси. Бронза даври Сополлитепа маданияти аҳолиси турар жойлар, чорва, ишлаб чиқариш қуроллари, рўзғор буюмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захиралари ва жамоатчилик асосида томорқа ерларига эга бўлиб, мустақил хўжалик юритган ва катта ижтимоий тузилиш (манзилгоҳ) доирасида ҳаёт кечирган [9].

Худди шундай ҳолат Шимолий Афғонистондаги бронза даври Даштли воҳасида аниқланиб, бу ерда деҳқончилик жамоалари уй-жойлари қаторида сарой ва ибодатхоналар каби катта иншоотлар ўрганилган [10]. Бундай иморатлар Жанубий Ўзбекистонда Жарқўтон шаҳар харобасида ҳам аниқланган [11]. Мазкур маълумотлар бронза даври ижтимоий-иқтисодий тизимини қайта тиклашда катта аҳамиятга эга.

Ибодатхона ва сарой хўжаликлари Марғиёна-Бактрия аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган, бу хўжаликларни шаклланган маъмурий ташкилот бошқариб турган деган фикрларга қўшилган ҳолда [12], деҳқончилик воҳаларида аҳолининг асосий ижтимоий қатламлари зироаткорлик ва чорвачилик билан банд бўлган кишилар, ҳунармандлар, бинокорлар ва турли хўжалик ишларини бажарувчи жамоа аъзоларидан иборат бўлганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Бронза даври ижтимоий-иқтисодий тизимини қайта тиклашда тасвирий санъат намуналаридан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу борада, мил. авв. III мингйилликнинг охири – II минг йиллик бошларига оид Бактрия–Марғиёна цивилизацияси буюмлар мажмуининг бирида – кумуш қадаҳ сиртида қишлоқ хўжалик ишлари ҳамда маросим саҳналари тасвирланган [13].

Бу давр жамоаларининг иқтисодий асосини деҳқончилик, чорвачилик, ихтисослашган ҳунармандчилик, бронзага ишлов бериш ва кончилик ишлари ташкил этган, қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан айирбошлаш ва ташқи савдо-сотиқ алоқалари мавжуд бўлган [14]. Бронза даврида бир мунча кичикроқ манзилгоҳларнинг (Боболангар, Қўштепа) вужудга келиши ҳам эътиборга молик [15]. Улар ўз хусусий мулкига эга алоҳида катта оилаларнинг турар жойлари бўлган.

Бронза ва илк темир даври тарихий реконструкцияси хусусида фикр юритганда, уй ва ёввойи ҳайвонларнинг суяклари топилмалари – остеологик маълумотлар [16], металлга ишлов бериш техникаси [17] ва кулолчилик маҳсулотларини пишириш янги технологиясига мосланган хумдонлардан фойдаланилиши натижаларининг [18] таҳлилига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Турлича маълумотлар аҳолининг кундалик ҳаёти, машғулотлари ва ҳунармандчилик ривожланиши даражасидан дарак беради.

Илк темир даври Сурхон воҳасида аҳолининг ижтимоий таркиби деҳқонлар, чорвадор – чўпонлар, бинокорлар, ҳунармандлар, коҳинлар ва жамиятда бошқарув вазифаларини амалга оширган шахслардан иборат бўлган.

Илк темир даври Жанубий Ўзбекистон ҳудудида алоҳида деҳқончилик уй-қўрғонлари тараққий топган. Қизилча 6 уй-қўрғонида 20-25 кишидан иборат катта патриархал оила яшаган бўлиб, оила бошлиғи “патриарх”, яъни “Авесто”да тилга олинган уй эгаси – “нманопати” томонидан бошқарилган [19]. Бу каби деҳқончилик уй-қўрғонларда яшаган патриархал оилалар бирлашиб, “Авесто”да қайд этилган “вис” – уруғ жамоаси ва қишлоқ хўжалик воҳаларида аҳолининг аксарият қисмини ташкил этган. Деҳқончилик уй-қўрғонлари мудофаа деворлари

билан ўраб олинган йирик марказлар ва алоҳида қалъалар теварагида жойлашган.

Учинчи масала – илк давлатчилик тарихини қайта тиклаш масалалари. Илк давлатчилик тарихи янги даврлаштириш нуқтаи назаридан, мавжуд илмий ахборот манбалари таҳлили асосида тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Қадимги деҳқончилик воҳаларининг тизимида жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий уюшмаси ва маданий муҳит билан боғлиқ ҳолда бошқарувнинг ҳудудий вазифалари шаклланган. Илк давлатчилик тузумида бошқарув иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳудудий функциялар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган [20].

Мил. авв. III минг йилликнинг охирлари – II минг йиллик бошлари Марғиёна–Бақтрияда илк давлатчилик марказлари сифатида сарой ва ибодатхоналарга эга бўлган илк шаҳарлар қайд этилган. Жарқўтон Сурхон воҳаси ҳудудидаги илк шаҳар ҳисобланади [11].

Тарихий-маданий реконструкция натижаларига кўра, шу давр Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларида "воҳа–давлатлар" шаклланган. Сурхон воҳасида ҳам шундай давлат тизими ривожланганлиги аниқланган.

Мил. авв. X – VIII асрлар этник бирликларнинг вужудга келиши босқичига тўғри келган. "Авесто" маълумотларига кўра, бу даврда "кави" деб аталган ҳарбий сардорлар ("подшолар") раҳбарлигида ҳудудий бирликлар, сиёсий уюшмалар пайдо бўлган. Мазкур ҳолат археология ва илк ёзма манбалар асосида исботланган.

Мил. авв. VII асрда маркази Бақтрияда жойлашган конфедерация типидаги давлат мавжуд бўлганлиги аниқланган. Бу конфедерация бирлашмаси ҳукмдорлар томонидан бошқариладиган алоҳида мулкларни, жумладан Сурхон–Шеробод воҳасини ўз таркибида бирлаштирган [21].

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).** Хулоса қилиб айтганда, мил. авв. III минг йилликнинг охирлари – II минг йиллик бошларида Жанубий Ўзбекистонда юз берган этномаданий жараёнлар, қадимги Марғиёна–Бақтрия ҳудудий доирасида Қадимги Шарқнинг юксак даражада ривож топган вилоятларидан миграциялар оқибатида келгинди аҳолининг илғор маданий анъаналарининг ёйилиши билан боғланган. Шу сабабли ўзлаштирилган воҳаларда деҳқончилик маданияти, ихтисослашган ҳунармандчилик соҳалари, илғор бинокорлик усуллари ва ривожланган мудофаа тизими тараққий топиб, турли иншоотлар, уй-жойлар ва катта бинолар (сарой ва ибодатхоналар) бунёд этилди.

Археологик ёдгорликлар географияси ва картографияси ҳамда тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган илмий маълумотлар Буюк ипак йўли тарихининг бошланишидан анча аввал бронза даврида минтақалараро транзит иқтисодий алоқа йўллари шаклланганлигини кўрсатиб беради.

Тарихий-маданий реконструкция натижаларига кўра, мил. авв. III минг йилликнинг охирлари – II минг йиллик бошларида Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларида "воҳа–давлатлар" шаклланган. Сурхон воҳасида ҳам шундай илк давлат тизими ривожланган. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт илк темир даврида янги асосларда давом этган.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – 231 с.; Сагдуллаев А.С. Древнеземледельческие поселения предгорий Байсунтау // История и археология Средней Азии. – Ашхабад, 1978. – С. 30-36; Kaniuth K., Gruber M., Kurbangaliev A., Sachs F., Sajdullaev A., Makki M., Biro P. Tilla Bulak – 2009. Vorbericht zur dritten Kampagne // AMIT. Band 42. – Berlin, 2010. – Pp. 129-163; Augustinova A. Settlement changes in the oases – non-destructive survey in the eastern Kugitang Piedmont (Uzbekistan) // The problems of history, archaeology and ethnology of Central Asia. – Tashkent, 2018. – Pp. 41-45.
2. Тоғаев Ж.Э. Бронза ва илк темир даври тарихий реконструкцияси (Жанубий Ўзбекистон мисолида): тарих фан. бўйича фал. доктор. (PhD) дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2021.
3. Бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг географияси ва картографияси. – Тошкент, 2019. – Б. 4-5.
4. Андрианов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно – культурные типы и проблемы их картографии // СЭ. – М., 1972. №2. – С. 3-25; Берзина М.Я. Этнические территории, этнические границы и проблемы их картографирования // Проблемы этнической географии и картографии. – М.: Наука, 1978. – С. 49-57.
5. Сарианиди В.И. Задолго до Заратуштры. – М.: Старый сад, 2010. – С. 18-20.
6. Сагдуллаев А.С., Тогаев Ж.Э. Миграции эпохи бронзы в Центральной Азии // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. – Ташкент, 2018. – С. 89.
7. Hermann G. Lapis lazuli: the early phases of its trade // Iraq, 1968. V. 30. – Pp. 21-57; Сарианиди В.И. О великом лазуритовом пути на древнем Востоке // КСИА. – М., 1968. Вып. 114. – С. 3-9; Francfort H. –P. Une proto-route de la soie a-t-elle existe aux 2 e ler millenaires? // In : Francfort H. –P. (Ed.). Nomades et sedentaires en Asie Centrale. Apports de l'archeologie et de l'ethnologie. – CNRS, Paris, 1990. – Pp. 125-126.
8. Мавлонов У. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б. 50-52.
9. Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 142-143.
10. Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – С. 132-135.
11. Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 162 с.
12. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. – Тошкент, 2019. – Б. 198.
13. Марказий Осиё маданий мероси Япония музейларида. – Тошкент: East star Media. Zamon Press info, 2019. – Б. 210-213.
14. Аскаров А.А. Южный Узбекистан – древнейший очаг сельскохозяйственных культур эпохи бронзы // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. – Ташкент, 2018. – С. 26-29.
15. Kysela J., Augustinova A., Kinaston R. Preliminary Report on the Excavations at Burgut Kurgan and Bobolangar in 2017 // Studia Hercynia. XXII. 2018. – Pp. 158-182.
16. Батыров А.Х. Фауна диких и домашних животных из памятников эпохи бронзы и раннего железа на юге Узбекистана // ИМКУ. Вып. 18. – Ташкент, 1983. – С. 49-56.
17. Kaniuth K. The metallurgy of the late bronze age Sapalli culture (Southern Uzbekistan) and its implications for the 'tin question'// Iranica Antiqua. Vol. XLII. 2007. – Pp. 23-39.

18. Раҳимов К.А. Сополли маданиятининг хумдонлари // “Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий конференция материаллари. 1-қисм. – Самарқанд, 2016. – Б. 18.
19. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 69.
20. O‘zbekiston tarixi / Mas’ul muharrir A.S.Sagdullayev. – Toshkent: VNESHINVESTPROM, 2019. – Б. 103-104.
21. Абдуллаев У.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи: Тарих фан. доктор. (DSc) дисс. ... автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2019. – Б. 27.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

**UDK: 93/94**

***Jahongir TOJIBOYEV,***
*Namangan davlat universiteti tayanch doktoranti*
*E-mail: j.i.tojiboev@gmail.com*

*NamDU professori, t.f.d Rasulov A.N taqrizi asosida*

## G‘ARBIY SLAVYAN XALQLARI TURKISTONDA HARBIY ASIRLIKDA

Annotatsiya
Ushbu maqolada I jahon urushi davrida asirlikka olingan va hayotining ko‘plab qismini Turkiston o‘lkasida o‘tkazishga majbur bo‘lgan g‘arbiy slavyan xalqlari – chex, polyak va slovaklar haqida so‘z boradi. Ushbu xalqlarning Turkistondafi faoliyati, ahvoli, shart-sharoitlari va shuningdek, ularning o‘lka rivoji qo‘shgan ulkan xissalari ham maqolada bayon etilgan.
**Kalit so‘zlar:** harbiy asir, g‘arbiy slavyan xalqlari, chex, polyak, slovak, harbiy lager, Qizil armiya, bolshevistik, kommunistik tashkilot, qochoqlar.

## ЗАПАДНОСЛАВЯНСКИЕ НАРОДЫ В ПЛЕНУ В ТУРКЕСТАНЕ

Аннотация
В этой статье речь идет о западнославянских народах - чехах, поляках и словаках, которые были захвачены в плен во время Первой мировой войны и вынуждены провести большую часть своей жизни в Туркестане. В статье также описываются деятельность, условия жизни этих народов в Туркестане, а также их большой вклад в развитие региона.
**Ключевые слова:** военнопленные, западнославянские народы, чех, поляки, словацкие, военный лагерь, Красная Армия, большевик, коммунистическая организация, беженцы.

## WEST SLAVIC NATIONS DURING THEIR CAPTIVITY IN TURKESTAN

Abstract
This article deals with the West Slavic peoples - Czechs, the Polish and Slovaks - who were captured during World War I and forced to spend most of their lives in Turkestan. The article also describes the activities, conditions of these peoples in Turkestan, as well as the great contribution to the development of the region.
**Key words:** prisoners of war, West Slavic peoples, Czechs, Polish, Slovaks, military camps, Red Army, Bolshevik, communist organizations, refugees.

**Kirish.** Hozirda, O‘rta Osiyo davlatlari hududida, xususan, O‘zbekistonda ko‘plab polyak millatiga mansublar istiqomat qilishadi. Bu jarayon polyaklarning Turkiston o‘lasiga I jahon urushi davrida kelib qolganligi bilan bog‘liqdir. Polsha qirolligi hududida urush harakatlarining bo‘lishi Polsha xalqining sezilarli darajada Turkistonda paydo bo‘lishini taqozo qildi.

Shuningdek, Birinchi jahon urushi yillarida chex va slovak harbiy asirlari hamda qochoqlari Turkiston o‘lkasiga joylashtirildi. Ularning keying hayoti Turkiston o‘lkasi bilan bog‘landiki, chex harbiy asirlari tomonidan bu hududda amalga oshirilgan ijobiy ishlarning salmog‘i ancha yuqori bo‘lganligini ko‘rishimiz mumkin.

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.** I jahon urushida Turkistondagi polyak harbiy asirlari haqidagi dastlabki ma’lumotlar Toshkentda 1963-yilda bosmadan chiqqan I.S.Sologubovning “Иностранные коммунисты в Туркестане”[11] hamda A.M. Matveevning 1977-yilda chop etilgan “Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому октябрю (1914 – октябрь-1917 г.)”[8] asarlarida tilga olinadi. Ushbu ikki tarixiy adabiyotlarda Turkistonda internatsionalistlarga aylangan ko‘plab Yevropa harbiy asirlari qatori polyaklar ham eslatib o‘tilgan. Polyak harbiy mahbuslari haqidagi batafsil ma’lumotlar B.A. Golenderning “Polonia Turkestaniana (Судьбы поляков в Узбекистане)”[3] nomli asarida uchraydi.

Turkistonda asirlikda bo‘lgan chex va slovaklar to‘g‘risida urushda asirlikda bo‘lganlarning memuarlari muhim ma’lumotlar beradi. Ayniqsa, harbiy asir F.M. Beylining “Миссия в Ташкент”[2] asarida qimmatli dalillar keltirilgan. Bundan tashqari, chex va slovak asirlari xususuidagi ma’lumotlar M.S.Kovbas[7], I.S.Sologubov[11], J.Aul[1] va S.Gorak[4]larning asarlarida ham ko‘zga tashlanadi.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Ushbu tadqiqot aynan jarayon qatnashchilari bo‘lgan harbiy asirlarning qo‘lyozmalari va boshqa tarixchilar tomonidan yozilgan asarlarda berilgan ma’lumotlarni qiyosiy tahlil qilgan holda olib borildi.

**Tahlil va natijalar.** 1914-yil oktabrida Varshava qamoqxonalarining mahkumlari ortilgan 30ta vagonli eshelon Toshkentga jo‘natildi[3]. Ular Toshkent shahri markazidagi ikkinchi polk kazarmasi qo‘riqlovi ixtiyoriga berildi. Ushbu ko‘p xalqlardan iborat odamlar orasiga 1915-yilning martida Peremishel aholisi va dushman sifatida shubhali ko‘rinib asirga tushganlar qo‘shildi. Shuningdek, qochoqlar ham asirlar soninini ko‘payishiga xizmat qildi. Manbalarga ko‘ra, ushbu asirga tushganlarning miqdori bir necha o‘n mingni tashkil qilgan.

I jahon urushi haqida ma’lumot beruvchi manbalar shuni ko‘rsatadiki, Turkiston hududiga surgun qilingan ko‘plab harbiy asirlar oliy ma’lumotli va o‘z kasbining mahoratli bilimdonlari bo‘lishgan Lekin asirlikka tushgan polyaklar orasida ziyolilari juda kam bo‘lgan. Polshadan kelgan harbiy asirlar Toshkentning Dacha (hozirgi Bobur bog‘i atrofida) va Vodiy (keyinchalik bu ko‘cha Frunze ko‘chasi nomi bilan atalgan) ko‘chalaridagi baraklarga joylashtirildi[3]. Harbiy asirlarning yashashi uchun yaratilgan sharoit va ularning oziq-ovqat bilan ta’minlanishi qoniqarli darajada emas edi. Shu sababli asirlarning aksariyati turli xil yuqumli kasalliklarga

duchorlar bo‘lganlar. Jumladan, polyaklar orasida asosan ospa (chechak kasalligi) va tif (ich terlama) kasalliklariga chalinganlar ko‘pchilikni tashkil etgan.

Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, harbiy asirlarning ahvoli, dastlab, achinarli darajada bo‘lgan. Bu paytda ular, albatta, yordamga muhtoj edilar. Asta-sekin asirlar uchun ham ma’lum bir yengilliklar yaratila boshlandi. Xususan, 1914-yilning oxirlarida Rossiya imperiyasi hukumati Polsha qirolligidagi urush qurbonlari uchun maxsus umumiy tashkilot tuzishga ruxsat berdi. Va nihoyat, shunday yordam komitet Toshkentda ham tashkil etildi. Ushbu uyushma rahbariyatida mahalliy xalq vakillaridan Mixail Bukovskiy va 1863-yildagi qo‘zg‘olonda ishtirok etgani uchun Turkistonga umrbod surgun qilingan Aleksandr Bukrabalar bor edi. Tashkilot sa’y-harakatlari bilan polshalik urushdan aziyat chekkanlarga bir necha marotaba xayr-ehson ishlari tashkil etildi: ular oziq-ovqat mahsulotlar bilan ta’minlandi, kiyim-kechaklar yetkazib berildi, shunongdek, komitet polyak harbiy asirlari va qochoqlari bolalari uchun maktab va tibbiy xizmat ko‘rsatish obyektlarini qurib berdilar. Polyaklar uchun tashkil etilgan kasalxonada Vera Dilnich-Timenevskaya, doktor Kovalskiy kabi vrachlar fidokorona mehnat qilganlar.

Harbir asirlarga, shu qatori polyaklarga yengillik yaratish maqsadida qilingan beg‘araz yordamlar ularning yashash sharoitlarini ma’lum vaqt davomida yaxshilanishiga olib keldi. Lekin urush harakatlarining muttasil davom etishi o‘z navbatida yana polyak harbiy asirlari uchun yaratilgan shart-sharoitlarni yomonlashishiga sabab bo‘ldi. Oziq-ovqat mahsulotlari bilan yetarli ta’minlanmaslik va tibbiy xizmat ko‘rsatishning yaxshi emasligi natijasida ko‘plab harbiy asirlar halok bo‘ldilar. Yuqoridagilarni hisobga olgan holda, Turkiston hukumati polyak qochoqlarini 1916-yilning may oyidan boshlab Toshkentdan Rossiyaga jo‘nata boshladi[10].

Statistik ma’lumotlar shuni ko‘rsatadiki, I jahon urushi davrida Rossiyada 200 000 atrofida polyak harbiy asirlari bo‘lgan. Ularning ko‘pchiligi Turkiston o‘lkasidagi harbiy lagerlarga jo‘natilgandi. Mahalliy musulmon xalqlari va lager qo‘riqlovchilarining polyak harbiy asirlariga munosabati juda yaxshi bo‘lgan. Asirlardan qishloq xo‘jaligi ishlarida keng foydalanilgan, bu esa o‘z navbatida ularni harbiy lagerlarda tutqunlikda o‘tirishdan ko‘ra ozodlikka yurishlariga yo‘l ochib bergan. Harbiy asirlar o‘zlarining dini va madaniyatidan ham chetda qolmaganlar. Ular uchun, hattoki, 1916-yilning bahorida Qizil Xoch jamiyatining ko‘magida polyak harbiy asirlariga yordam komiteti rahbati M. Bukovskiyning dang‘illama uyi (ushbu uy binosi hozirgacha saqlanib qolgan)da tadbir va ziyofatlar uyushtitib berilgan[3].

1917-yilgi oktabr voqealari Toshkent shahridagi polshaliklar tarkibida keskin o‘zgarish bo‘lishiga olib keldi. Ko‘plab xususiy mulklarni musodara qilish jarayoni Turkiston o‘lkasida yashab savdogarlik va tadbirkorlik bilan shug‘ullanayotgan polyaklarni ham chetlab o‘tmay qolmadi. Bu esa o‘z navbatida ko‘p sonli polyak harbiy asirlarini “Polsha kengashi” nomli tashkilotga birlashishiga olib keldi. Bu tashkilot muxtoriyat tarafdori bo‘lgan musulmonlarni qo‘llab-quvvatladi, hattoki, E. Kochisheveskiyni delegat sifatida “Qo‘qon muxtoriyati” boshqaruvi uchun taqdim etdilar. Keyinchalik, afsuski, barchasi bolsheviklar tomonidan vayronaga aylantirildi[3]. 1919-1921-yillarda bo‘lib o‘rgan Sovet-Polsha urushi Turkistonda polyak harbiy asirlariga nisbatan munosabatni yanada yomonlashtirdi. Shu tufayli ham polyaklar egalik qilayorgan mulklarga nisbatan shubha yanada ortib bordi va ularning faoliyatini cheklashga harakatlar boshlandi. Va nihoyat, 1921-yil 18-martda Riga sulh shartnomasidan so‘ngina polyaklarni o‘z yurtlariga qaytishlariga imkon berildi. Masalan, 1921-yilning avgustida Samarqandda istiqomat qilayotgan deyarli barcha polyak harbiy asirlari o‘z vatanlariga qaytarildi. Shu bilan bir qatorda Sovet Rossiyasi hududida tug‘ilgan polyaklarga sovet fuqaroligi berila boshlandi hamda Turkistonda qolib shu yerda o‘zlarining keyingi hayotlarini o‘tkazmoqchi bo‘lganlar uchun ham sharoitlar yaratib berildi. Ana shular oqibatida O‘zbekiston hududida hozirda ham polyak millatiga masublar mavjud va ular O‘zbekiston tarixida polyak diasporasi tarixini davom ettirmoqdalar.

Chex harbiy mahbuslari Turkiston hayotining deyarli barcha jabhalarida o‘lka rivojlanishiga ma’lum bir ma’noda hissalarini qo‘shib borganliklarini payqash qiyin emas. Ular orasida ko‘plab iqtidorli musiqachilar, arxitektorlar va quruvchilar bor edi. Turkistonda chex harbiy asirlaridan ,asosan, ofitserlar tarkibini shakllantirishda foydalanilgan. Chunki ular harbiy jihatdan ancha malakali bo‘lib, Turkiston harbiy kuchlarini rivojiga hissa qo‘shishlariga ishonilgan va buni amalda isbotlaganlar ham.

Yuqoridagi ta’kidlanganidek, chexlar va slovaklarning O‘zbekistonga eng katta migratsiyasi Birinchi jahon urushi davrida harbiy asir sifatida kelib qolgan. Nemislar yoki vengerlardan farqli o‘laroq, slavyan oilasi vakillari bo‘lganligi tufayli chexlar tezda rus tilini puxta egallaganlar va urush paytidagi hamda urushdan keyingi Turkistonning ijtimoiy hayotiga tez moslashganlar va unda muhim rol o‘ynaganlar. Toshkentda va Samarqandda chexiyalik musiqachilar va shifokorlar ishlaganlar. Ko‘p chexlar va slovaklar tarjimon bo‘lib yoki Toshkentdagi mahalliy oilalar uyida musiqachi o‘qituvchisi sifatida ishlab pul topganlar[7]. Chexiyaning harbiy asirlar orkestri juda mashhur edi, bayram vaqtlarida Toshkent bog‘larida ular musiqali namoyishlarni ijro etganlar. Chexiya musiqa guruhlari ommalashib ketdi va ko‘pincha yuqori tabaqali odamlar ularni kafe, restoranlarda bayramona o‘tirishlar va boshqa tadbirlarga taklif qilishardi[2].

Oktabr to‘ntarishidan keyin ko‘plab Chexiya harbiy asirlari Qizil Armiya safiga qo‘shilganlar: ba’zilari e’tiqodlari mushtarakligi tufayli, ayrimlari bolshevik targ‘iboti ta’siri ostida, boshqalari shunchaki uyga iljo topishga harakat qilish maqsadida ushbu yo‘lni tanlaganlar. 1920-yil sentabrda chex-slovak kommunistlarining ilk kongresi bo‘lib o‘tdi va ana shu kongress asosida Chexoslovak hududiy byurosi tashkil etildi[11]. Biroq, uning aksariyat a’zolari, Chexoslovakiyaga qaytib keldi va 1921-yilda byuro tarqatib yuborildi. Ba’zi chexlar Turkistonda Qizil Armiya safida qolib, bosmachilik harakatiga qarshi kurashda qatnashganlar. Ushbu toifadagi shaxslarning eng ko‘zga ko‘ringan vakillaridan biri 1918-1924-yillarda Farg‘ona viloyatida militsiya boshlig‘i bo‘lib ishlagan Yuray Smeyrek edi. Yana bir chex Eduard Kujel (rus familiyasi Kujelo) Madaminbekni o‘g‘irlash operatsiyasida ishtirok etgan. U Turkistonda qoldi va 20-30-yillarda O‘zbekiston SSR va Uzoq Sharqdagi bir nechta zavod va fabrikalarning direktori vaifasida ishladi. Sovet davrida Namangan shahridagi 48-maktab uning nomi bilan atalgan[4].

Turkistonda chex harbiy asirlari haqida ma’lumotlarni esga olganda chex yozuvchi Yaroslav Chashekning xizmatlari beqiyosdir. Muallif biror marta ham Turkistonda bo‘lmagan bo‘lsa ham, o‘zining o‘lmas asari orqali asar qahramoni harbiy asir jasur Shvaykening 1918-yil may oyidagi “Chelyabinsk fojeasidan” qay tarzda omon qolganligi va keyin Chexoslovak korpusining komandirlari uni ta'qib qilishganligi va Gashek “aqli noraso” niqobi ostida Samaradan qochishga majbur bo‘lganligi haqidagi ma’lumotlarni keltirib o‘tgan[12].

Aksariyat harbiy asirlar o‘z kasblari doirasida ishlarga jalb qilinganlar. Xususan, harbiy asir, shifokor va keyinchalik sharqshunos olim sifatida dovrug‘ taratgan Iosif Aul (1894-1956) birinchilardan bo‘lib Turkistonga kelgan harbiy asirlardan va u o‘lkaga kelishi bilan darhol o‘z kasbini egallagan. Bolsheviklar Toshkentda hokimiyatni qo‘lga

kiritgandan keyin Aul avval Samarqandga, so‘ngra Buxoroga ko‘chib o‘tgan. Bu yerda u Buxoro amirining qabulida bo‘lgan va uning xizmatiga kirgan. 1920-yilda Aul rus xotini va slovak xizmatkori bilan Afg‘oniston orqali Hindistonga va undan keyin Chexoslovakiyaga qochib o‘tib ketgan. Uning esdaliklari Turkiston va Afg‘oniston hududlari o‘sh davr manzarasi haqida guvohlik beradi[1].

Sovet hokimiyati barqarorlashgandan so‘ng chexlarning unchalik ko‘p bo‘lmagan qismi Turkistonda qolishga qaror qildilar. 1926-yildagi Butunittifoq aholini ro‘yxatga olish ma'lumotlariga ko‘ra, chex yoki slovak tilida gaplashadigan 190 nafar kishi bor edi, xolos. Ular asosan shaharlarda istiqomat qilardilar. Ana shundaylardan biri musiqachi F. Leysek, shuningdek, me'mor va bog‘bon Jozef Ratsek edi. Ratsek O‘rta Osiyodagi ko‘plab yangi shaharlardagi istirohat bog‘larining muallifi hisoblanadi. 1938-yilda Bishkekdagi botanika bo‘gi qurilish loyihasi ham u tomonidan ishlab chiqilgan. Uning o‘gli Vladimir Ratsek O‘rta Osiyo alpinistlari, geograflari va kartograflari orasida juda mashhur bo‘lgan. XX asrning 70-yiilarigacha u O‘zbekistondagi yetakchi alpinistlardan hisoblangan hamda Pomir va Tyanshan tog‘ tizmalariga bir necha bor ko‘tarilgan. Qirg‘iziston va O‘zbekistonning tog‘li hududlaridagi bir necha joylar, Bishkek yaqinidagi Ala Archa darasidagi turistik hudud va Toshkentdagi alpinistlar klubi uning nomi bilan ataladi.

Chex harbiy asirlari I jahon urushi mobaynida Turkistonda tuzilgan tashkilotlarning faol a’zolaridan hisoblanishgan. Jumladan, 1915-yil Toshkentda asos solingan, dirijor F.Sedlyachek boshchiligidagi simfonik orkestrining kattagina qismini ham chexlar tashkil etganlar. 1917-yilda Toshkentda chet el fuqarolari Komiteti tuzildi. Uning tarkibida ikki chex harbiy asirlari – Genrix Yelenek va Kaler Drabeklar bor edi. Xuddi shu vaqtda, Samarqannda ham Toshkentdagi kabi Komitet tashkil etildi. Uning faol a’zolaridan biri chex harbiy asiri G.Svoboda bo‘lgan[5].

1918-yilda Qo‘qonda tuzilgan bolshevistik tashkilotga 40 dan ortiq chex va slovak harbiy asirlari kirgan. Ushbu guruhning eng asosiy qatnashchilaridan biri temiryo‘lchi Sobchek hisoblangan. Qo‘qondagi bolsheviklar tashkiloti asosida Chexoslavakiya kommunistik tashkiloti tuzildi. Uning tashkilotchisi va rahbari E.F.Kujelo edi[4].

1920-yilning boshlarida harbiy asirlarni evakuatsiya qilish jarayoni boshlandi. Chex harbiy asirlaridan ayrimlari, asosan, oilalilari Rossiya fuqaroligini olganlar. Yana ba’zilari esa bir muddat o‘tib Turkistonga qaytib kelganlar ham. Chunki ular harbiy asirlik davomida Turkistonga xuddi o‘zlarini tug‘ilib o‘sgan vatanlari kabi bog‘lanib qolgandilar. Amirobod va Yangi Buxoro (Kogon) shaharlarida ishlagan chex harbiy asiri Vyacheslav Elsner 1920-yilda Chexoslavakiga jo‘nab ketadi va ma’lum oylar o‘tib, Turkistonga qaytish xohishini quyidagicha tasvirlaydi: “Turkistonga qaytish damlarini intizorlik bilan kutib qolaman”.

**Xulosa va takliflar.** Birinchi jahon urushi davrida ko‘plab harbiy asirlar Turkiston o‘lkasiga joylashtirildi. Bular orasida g‘arbiy slavyan xalqlari – chex, polyak va slovaklar ham salmoqli o‘rinni egallagan. Harbiy asirlik davomida ular hayotining 4-5-yilini va ba’zi holatlarda esa qolgan qismini Turkistonda o‘tkazganlar. Ba’zilari harbiy asirlarga ozodlik berilgandan so‘ng Vatanlariga qaytgan bo‘lsalar, qolganlari esa Turkiston diyoriga chambarchas bo‘glanib qolib, bu yerni ikkinchi Vatan sifatida bilishgan va o‘lkaning har tomonlama rivoji uchun o‘z xissalarini qo‘shganlar. Shuning uchun ham hozirda yurtimiz etnik tarkibida I jahon urushi davrida Turkistonda qolishni afzal ko‘rgan ko‘plab harbiy asirlarning avlodlari mavjud.

**ADABIYOTLAR**


1. Aul.J. V zemi Tamerlanove a Zarathustrove. Tom 1. Buchara. Praha, 1923.
2. Bailey F.M. Mission to Tashkent(reprint). – New York, 2002. – P.41.
3. Голендер Б.А. Polonia Turkestaniana (Судьбы поляков в Узбекистане). – Т.:Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2014. – С.15.
4. Горак С. Из истории чешско-узбекских отношений // O‘zbekiston tarixi, №3. 2014. – B.54.
5. Этнический атлас Узбекистана. Ташкент: ИООФС– Узбекистан; ЛИА«Р. Элинина», 2002. – С.12.
6. Котюкова Т.В. Туркестанский плен: немецкие и австро-венгерские военнопленные
7. в русском Туркестане в годы первой мировой войны // РОССИЯ ВЧЕРА, СЕГОДНЯ, ЗАВТРА. – С.49.
8. Kovbas M.S. Cesti hudebnici v Uzbekistanu. Cinnost ceskych hudebniku v drivejsim Turkestanu a sovetskem Uzbekistanu. – Vysoke Myto, 1976. – C.6.
9. Матвеев А.М. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому октябрю (1914 – октябрь1917 г.). Ташкент, ФАН, 1977. – С.48.
10. Rachaminov A. POWs and the Great War: Captivity on the Eastern front. – Bloomsbury: PLC, 2014 – p.68.
11. Сенчек Г. От Кракова до Туркестана// Былые походы: Воспоминания словацких красноармейцев– участников Великой Октябрьской социалистической революции и Граждан-ской войны в СССР. М.: Воениздат, 1961. – С. 209.
12. Сологубов И. С. Иностранные коммунисты в Туркестане (1918—1921 гг.). – Ташкент, 1961. С. 77-78.
13. Stehlik E. – Sykora, M. Jaroslav Hasek, CS Magazin, dekabr 2007. // https //www.cs-magazin.com

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УЎК: 94(575.1+470):323/327(584.4)

***Умиджон УСАРОВ,***
*Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси*
*E-mail: umidjon.usarov@mail.ru,*

*Ташқи тақризчи: Н.О.Алимова – Фарғона давлат университети доценти. т.ф.ф.д. (PhD)*

# XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ ЕР ЭГАЛИГИ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Аннотация

Мазкур мақолада Туркистон ўлкасини Россия империяси томонидан босиб олингандан кейин ўлка хўжалигининг асосини ташкил этган ер эгалиги муносабатларига бағишланган бўлиб, унда империя ҳукуматининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатида ерга эгалик муносабатларини ўз манфаатлари нуқтаий назаридан олиб борган сиёсати архив ҳужжатлари, манбалар ва турли даврда чоп этилган адабиётлар орқали таҳлил этилган. Мақолада Россия империяси Туркистонда ерга эгалик ҳуқуқларини аниқлаш ва мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий масалаларини хал этиш учун турли низом ва қоидалар ишлаб чиқиши оқибатида ўлка ер эгалигидаги содир бўлган ўзгаришлар очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Туркистон ўлкаси, Россия империяси, генерал-губернатор, К.П. Кауфман, ер эгалиги, амлок, хирож, мулк, вақф, солиқ, суғориладиган ерлар, лалми.

# СОБСТВЕННОСТЬ НА ЗЕМЛЮ И ИЗМЕНЕНИЯ В НЕЙ В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Аннотация

Данная статья посвящена отношениям землевладения, которые легли в основу экономики страны после завоевания территории Туркестана Российской империей, в которой была проанализирована политика правительства Империи в колониальной политике страны, которая велась с точки зрения ее интересов, по архивным документам, источникам и материалам. В статье описываются изменения в праве собственности на землю в Туркестане Российской империи в результате разработки различных нормативных актов и правил для определения прав на владение землей и решения правовых вопросов отношений собственности.

**Ключевые слова:** Туркестанский край, Российская империя, генерал-губернатор, К. П. Кауфман, землевладение, амлак, хираж, собственность, вакуф, налог, орошаемые земли, не орашаемые земли.

# LAND OWNERSHIP AND CHANGES IN TURKESTAN IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY AND THE BEGINNING OF THE XX CENTURY

Annotation

This article focuses on land tenure, which formed the basis of the country's economy after the Russian occupation of Turkestan, and analyzes the imperial government's colonial policy of land tenure in terms of its own interestsin the country through archival documents, sources, and periodicals. The article describes the changes of land ownership in Turkestan as a result of the development of various regulations and rules by the Russian Empire to determine the rights of land ownership and resolve the legal issues of property relations.

**Key words:** Turkestan, Russian Empire, Governor-General, K.P. Kaufman, land tenure, amlok, hiroj, mulk, vaqf, tax, irrigated land, lalmi.

**Кириш.** Ўрта Осиёнинг ўзига хос табиий-географик шароитларидан келиб чиқиб, бу ҳудудда яшаётган халқлар узоқ йиллар давомида турли йўналишда хўжалик юритишга мослашган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасини босиб олиб, бу ерда ўзининг мустамлака манфаатларини мустаҳкамлаш ва бу ердан келадиган иқтисодий фойдани ошириш мақсадида ўлканинг ер эгалиги муносабатларига алоҳида эътибор қататди. Туркистонда ер эгалиги турлари ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олиб, ерга эгалик ва мулкчилик муносабатларидаги ўзгаришлар амалга ошириш учун империя ҳукумати шошилмасдан иш олиб боради.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Россия империясининг Туркистон ўлкасида аграр сиёсати, хусусан, ер эгалиги ва мулкчилик муносабатларига оид сиёсатини ўрганиш архив хужжатлари, статистик шарҳлар, рус шарқшунослари ва маҳаллий тарихчилар асарлариги маълумотлар бирламчи манбалар бўлиб хизмат қилади. Бу манбаларда ўлканинг мавжуд ер эгалиги ва империя ҳукуматининг ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг содир бўлган ўзгаришлар келтириб ўтилган. Шунингдек, К.М. Мирзаев (1954), О. Аминов (1959), Л. Шукурова (1960), Н. Абдураҳимова, Ф. Эргашев (2002), С. Болтабоев (2005), К.А. Тўхтабеков (2008), У.Х. Жумаев (2011), Р.Н. Набиев (2010), Ў.А.Султонов (2016), Т.Худойқулов (2016) каби муаллифлар ўз тадқиқот ишларида ўлкадаги ер эгалиги муносабатларига тўхалиб ўтган бўлиб, уларда масалани айрим жиҳатлари ҳақида факталогик маълумотларни учратиш мумкин.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мазкур мақолани ёзишда қиёсий таҳлил, муаммовий ва миқдорий таҳлил, тизимлилик жамлаш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Россия

империяси Туркистон ўлкасида мустамлака тузуми ўрнатилгандан сўнг ўлкадаги ер эгалигидаги ўзгаришлар давр манбалари ва илмий адабиётлар асосида ёритилган.

**Тахлил ва натижалар (Analysis and results).** Ўрта Осиё халқининг асосий бойлиги ер бўлиб, Россия империяси ўлкани босиб олмасдан аввал ерлар: давлат ёки амлок ерлар, хирож ерлар, хусусий ерлар, вақф ерларидан иборат бўлган[1, – Б. 65-66]. Деҳқончилик асосан суғориладиган ва лалмикор ерларда бўлиб, бу ерларда буғдойнинг ўн икки нави ҳамда бошқа экинлар етиштирилган. XIX аср ўрталарида ва ундан кейинроқ хам деҳқончилик экинлари ичида буғдой биринчи ўринда турган[2, – С. 38]. Бошоқли экинлар асосан лалмикор ерларда етиштирилган. Суғориладиган ерларда шоли, жўхори, тариқ, дуккакли экинлар экилган. Деҳқончилик учун қулай бўлган ва ҳосилдор ерлар асосан йирик амалдорлар ва ҳарбийлар ҳамда дин пешволарига қарашли бўлган.

Ўрта Осиёда мавжуд бўлган ер эгалиги турларидан бири “амлок ерлар” амир ёки хонларга қарашли бўлиб, амлок ерларнинг эгаси ўзига бўйсунувчи амалдорлар орқали ерларни деҳқонларга берилган ва улардан хирож ёки бошқа турдаги солиқлар олинган[3, – С. 3]. Бундай солиқлар ер эгаларининг асосий даромади ҳисобланган. Ўша даврда мавжуд бўлган “хирож ерлари” ҳам “солиқ пул билан бериладиган амлок ерлар хирож ерлари деб ҳам аталган[4, – С. 33].”. Хирож солиғи етиштирилган маҳсулотлардан олиниб, кўпчилик ҳолларда ҳосилнинг 1/5 улушини ташкил қилган, шоликор ерларда эса олинган ҳосилнинг 1/10 улушидан иборат бўлган. Масалан, буғдой, шоли, арпа, нўхат, кунжут, тамаки, тариқ каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 1/5 улуши хирож сифатида олинган[5, – С. 62]. Одатда ғалла йиғилиб, хирмон қилингандан сўнг хирож олинган.

Ўлкада ер мулкчилигининг иккинчи шакли “мулк ерлари” бўлиб, бу ерлар хусусий ҳисобланган. Мулк ерлари ўз навбатида бир неча турларга – мулки хурри холис, мулки ушр, мулки хирожга бўлинган. Мулки хурри-холис ер эгалари давлат хазинасига ҳеч қандай солиқ тўламаганлар[6, – С. 39]. Бу ер майдонлари илгари фойдаланилмаган ерлардан ажратиб берилиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган. Мулк ерларида бўлган деҳқонлар бу ерларни ижара шаклида ишлатганлар. Мулк ерлари “мулки хирож” ёки “хирож ерлари” деб ҳам аталган. Мулки хирож ерлари қадимдан натура ва пул шаклида хирож тўлаб келган аҳолига бириктириб қўйилган ерлар ҳисобланган. Бундай ерлардан олинадиган солиқ ҳосилнинг 1/5 улушидан 1/8 улушига қадар белгиланган. Хирож ерлари сотилиши мумкин ҳисобланган[7, – С. 31]. Мулк ерларининг яна бир тури “дахъяк” бўлган. Бу ушр сингари бўлиб, “ўндан бир улуш” деган маънони берган. Дахъяк ерлар мерос бўлиб қолмаган. Ижара ҳаққини маълум муддатда – йилига бир маротаба тўлаб туриш тартиби билан ижарага ер ажратиб берилган[8, – С. 65].

Ер эгалиги турларидан яна бири “вақф ерлари” эди. Вақф мулклари асосан, юқори мартабали, нуфузли бой-бадавлат шахслар томонидан таъсис этилган. Вақф бу мусодара этилмайдиган, сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлмаган мулклар қаторига кирган. Бу ерлардан солиқлар олинмаган. Тадқиқотчи С. Болтабоевнинг ёзишича, бунинг иккита сабаби бўлиб, биринчидан, вақфлар кўпроқ мактаб, қорихона, мадраса каби ўқув муассасаларига тегишли бўлиб, бу билан бирга қариялар, камбағаллар, етим-есирлар, бева-бечоралар учун ҳам таъсис этилган, иккинчидан вақф Аллоҳ йўлига қилинган инъом бўлиб, ундан солиқ олмаслик савоб ҳисобланган[9, – Б. 10]. Ўрта Осиё ҳудуди Россия империяси томонидан босиб олингунга қадар шариат қонун-қоидалари ва вақфнома талабларига амал қилинган бўлиб, вақф маҳкамалари “мутаввали боши”лар томонидан тафтиш қилиб борилган эди.

Туркистон ўлкаси босиб олингач, ер эгалиги муносабатлари Россия саноати эҳтиёжларига ва кўчириб келтирилаётган аҳолини имтиёзли жойлаштиришга ҳам мослаштирилди. Биринчи навбатда, ўлкадаги маҳаллий йирик ер эгаларининг ижтимоий ва сиёсий мавқеини пасайтириш мақсадида ҳамда мустамлакачилик сиёсати режаларини амалга оширишни кўзлаб, ўлканинг барча ерлари мулкчилик ҳуқуқий белгилари озми-кўпми ифодаланган ҳолда маҳаллий қонун-қоидаларга кўра давлат мулкига айлантирилди, уларга солиқ солиниб, Россия империяси ғазнасини бойитадиган бўлди[10, – Б. 24]. 1867 йилдан ўлканинг барча ерлари давлат ерлари деб эълон қилинди ва унга ишлов берувчи кишиларга бириктирилди, вақф ерларининг олдинги ҳолати сақланиб қолиб, шу билан бирга бир вақтда давлат ҳисобига ерлар олиниши мумкин бўлган. Хусусий ер эгаларининг барча имкониятлари солиқлар тизими орқали оддий ер эгаларининг эгалиги билан тенглаштирилди[11, – Б. 114].

Россия империяси Туркистон ўлкасини бошқаришга оид Низом ва бошқа ҳужжатларда ердан фойдаланиш муносабатлари ҳамда ғазначилик тизимининг асосий қоидалари белгилаб берилган ҳолда солиқ миқдорининг йилдан-йилга ўсиб борганлигини кўриш мумкин. Тадқиқотчи У.Жумаевнинг ёзишича, Туркистон генерал-губеранторлигида 1868 йилдан 1883 йилгача солиқ солишнинг ҳар йилги ўсиши кескин ўзгариб турган. Масалан, ўтроқ аҳолидан олинган солиқ миқдори бу йиллар мобайнида кўчманчи аҳолидан ҳар бир ўтов ҳисобига олинадиган умумий солиқ миқдори 1364190 рубль 99 копеейкни, маҳаллий аҳолидан олинадиган ердан фойдаланиш йиғимлари миқдори эса – 1047882 рубль 30 копеейкни ташкил қилган[12, – Б.18].

1873 йилда Туркистон генерел-губернатори К.П. Кауфман ўлкадаги мулк эгалари, диний идоралар ва солиқлардан озод бўлиш ҳуқуқи эътироф этилган шахслар рўйхатини тузиб чиқиш ва тасдиқлашга буйруқ берди. У томонидан мулк ва вақф ерларнинг эгалари деҳқонлардан олинадиган йиғим ўрнига, давлат томонидан бериладиган нафақа пули белгилаш таклиф этилди. К.П. Кауфманнинг бундан кўзлаган асосий мақсади “маҳаллий аҳолини энг хавфли бўлган қисмига “вақф” ва “мулк” нафақаларини бериш йўли билан уларни рус империяси маъмуриятига бевосита қарам қилиб қўйиш эди” [13, – С. 247]. Оқибатда биринчи навбатда Зарафшон округи ва Амударё бўлимидаги вақф ер эгалиги тартибга солинди, вақф ерларда истиқомат қиладиган деҳқон аҳолиси умумий ўлпон қоидасига бўйсундирилди, мулклар эса, хеч бўлмаганда, расман амлок, яъни ўлпон тўланадиган ерларга тенглаштирилди[14, – С. 257].

Ўлкадаги мавжуд “вақф ерлари” империянинг асосий эътибордаги масаласи эди. Империя маъмурлари вақф мулклари билан дастлаб Кавказорти ва Қримда тўқнашган бўлиб, Туркистонни босиб олган вақтларида ўлканинг ўзига хос хусусиятларини, вақфнинг мусулмончиликдаги ўрнини ҳисобга олиб, вақф мулкларини ўзлари учун зарарли деб ҳисобладилар ва вақф мулкларига нисбатан жуда эҳтиёткорона муносабатда бўлдилар. Шундай бўлса-да, вақф мулклари назоратини ҳам ўз қўл остига олиш, келаётган даромадларни назорат қилиб бориш истаги маъмуриятни бир қатор чора-тадбирлар ўтказишига сабаб бўлди. Чунончи, Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган вақтда (1867 йил) вақф тизимида қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Масалан, 1868 йилда ҳукумат диний муассасаларга тўланадиган “хирож” ва “таноб” солиғи бешдан бир миқдорда деб эълон қилиб, давлат хазинасига тушаётган солиқни аввалги ҳолда қолдирди. Вақф мулк эгалари ва мутавваллилар бу белгиланган солиқ вақф муассасалари сарф-ҳаражатларини қоплай олмаслигини ва уни давлатга нисбатан тўланадиган солиқ миқдорига нисбатан белгиланишини талаб қилсалар-да бироқ бу талаблар эътиборга олинмади.

1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомда мустаҳкамлаб қўйилган янги вақф мулкларини таъсис этиш генерал-губернатор рухсати билан амалга оширилиши, вақф мулкларнинг ҳуқуқий мақоми ва вақф мулклар назорати каби янги қоидалар асос қилиб олинди[15]. Бунга қарамай, 1887 йилнинг 19 мартида Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ўзининг Фарғона вилоятидаги амалдорлари учун янги қўлланма вақф масаласида ҳам тўлиқ маълумот берилди. Унга кўра ҳар ойда вилоят бошқармаси генерал-губернаторликка вақф мулкларини аниқлаб ҳисобот бериши, вақф мулкларини ўлчаб чиқиш учун вилоят бошқармаси комиссия ихтиёрига битта вакил тайинлаши белгилаб берилди[16].

Умуман, 1880–1890 йилларда Россия империяси идоралари вақф мулкларини “тартибга солиш”, қайта рўйхатдан ўтказиш баҳонаси билан бутун Туркистон ўлкасининг турли ҳудудларида жуда кўп вақфларни ноқонуний деб топди. Ўлка маъмурияти вақф назорати ва бошқарувини “енгиллаштириш” мақсадида қатор тафтиш комиссияларини ташкил қилди. Натижада ерлар, иморат ва бошқа мулклар мустамлакачи ҳокимиятнинг ихтиёрига ўтказилди. Вақфга оид ҳужжатларнинг навбатдаги тафтиш ишлари 1886 йил 17 ноябрда қабул қилинган Туркистон ўлкасидаги вақф хўжаликлари мулклари ва уларга тегишли ҳужжатларни 1887 йил 1 июлга қадар текшириш ва тартибга солиш ҳақидаги қарор билан боғлиқ бўлди[17]. Унга кўра 1887 йил 1 июлига қадар вақфга оид ҳужжатларни тегишли ҳудуд ер-солиқ комиссиясига топшириш, тақдим қилинмаган ҳужжатлар қабул қилинмаслиги белгиланган.

Тадқиқотчи Р.Н. Набиевнинг ёзишича, 1887 йилда ўлка маъмуриятига Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари бўйича 7509 та вақф ҳужжати топширилгани, шундан 10 % (737 та) ҳукмдорлар ёрлиғи билан тасдиқланган, яъни империя маъмурияти талаб қилган юридик ҳужжатларга эга бўлган[18, – С. 10].

Тадқиқотчи Ў.А. Султоновнинг фикрига кўра, XIX асрнинг 80–90-йилларида вақф мулклари оммавий тарзда тафтиш қилиш вақтида вақф хўжаликларини бутунлай тугатиш ва давлат фойдасига солиққа тортиш билан якунланди. Умуман олганда, Туркистон ўлкасининг бошқа вилоятларида ҳам вақф хўжаликларига берилган маҳаллий ҳукмдорларнинг солиқлардан озод қилиш ва имтиёзлар ҳақидаги ёрлиқлари турли баҳоналар билан инобатга олинмади. Бундай вазиятларда вақф хўжаликларининг имтиёзлари бекор қилиниб, давлат фойдасига солиқ белгиланди[19, – Б. 221].

Шу тариқа вақф ер эгалиги тизимига болта урилиб, уларнинг энг йириклари ва нуфузлилари тугатилди, ўрта ва майдаларининг ҳуқуқлари қатъий чекланди. Мустамлака маъмуриятининг бундай радикал хатти-ҳаракатларига туртки берган сиёсий сабаблар аниқ кўриниб турар эди. Булар аҳоли бой қатламининг моддий негизи, уларнинг жамиятдаги аввалги ижтимоий-сиёсий ролига путур етказиш ва К.П. Кауфманнинг далолат беришича, “туб аҳолининг энг хавфли қисмини вақф ва мулк ерларини ўз қўлида жамлаган рус маъмуриятига бевосита қарам қилиб қўйиш”дан иборат бўлди[20, – Б. 91].

XX аср бошида келиб, “Туркистон ўлкасида ер-ўлпон тузилишини жорий этиш тўғрисидаги 1903 йилги Қоидалар” ва аҳолини кўчириш бўйича 1906 йилги сиёсат ва бошқалар натижасида ер муносабатлари ва солиққа тортишнинг бутун тизимига қўшимча ўзгаришлар киритилди. Бу даврга келиб, Россия империяси ҳукумати минтақадаги ер майдонларини тўлиқ чегаралаб чиқди. Аҳолига уч тоифадаги – суғориладиган, лалми ва ишлов берилмайдиган ерлар бириктирилиб қўйилди[21, – Б. 25]. Уларга оғир солиқлар солинди. Маҳаллий аҳолининг ерлари зўравонлик билан тортиб олиш ҳисобига Россиядан кўчиб келган аҳолини ер билан таъминлаш муаммоси ҳал этилди. Россия ипмерияси саноати учун пахта хомашёси стратегик жиҳатдан муҳим экин эканлиги ва пахта соҳасида АҚШдан мустақил бўлиш мақсадида ўлкадаги барча суғориладиган ерлар пахта етиштириш учун қайта тақсимланди.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).** Умуман, Россия империяси мустамлакачилиги даврида Туркистонда амалга оширилган аграр сиёсати метрополия манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилди. Туркистонни Россия империяси томонидан босиб олиниши билан ўтроқ маҳаллий аҳолининг хонликлар давридаги ер эгалиги ҳуқуқида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Унга кўра йирик ер эгалари қўлида бўлган ерлар шу ерларда ижарачи сифатида ишлаётган маҳаллий деҳқонлар давлат ҳисобига солиқ тўлаш шарти билан фойдаланишга берилди. Шунингдек, “Туркистон ўлкасини бошқариш Низоми”-нинг 255 моддасига кўра, империя манфаатларидан келиб чиқиб, ўлкадаги барча авлодлардан мерос қолган ерлари бор ўтроқ аҳоли ерга эгалик ҳуқуқи олди. Кўчманчи аҳоли фойдаланаётган ерлар эса давлат мулкига айлантирилди. Ўлкадаги ер эгалигидаги бундай ўзгаришларни империя ҳукумати ўз манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширди. Ер эгалигидаги ўзгаришсиз қолган ҳужжатларига эга мулк ва вақф ерларидан аста-секинлик билан давлат ғазнаси ҳисобига солиқлар олинадиган бўлди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Худойқулов Т. XIX асрда Қўқон хонлиги (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий хаёти). – Тошкент: TAFAKKUR, 2016. – 65-66 б.
2. Гинс Г.К. Основная начала проекта водного закона для Туркестана. – СПб.: Тип. Ф. Вайсберга и П. Гершунина, 1912. – С. 38.
3. Мирзаев К.М. Амляковая форма феодальной собственности в Бухарском ханстве. – Ташкент: Изд. АН ЎзССР, 1954. – С. 3.
4. Ростилавов М.Н. Очерк о видах земельной собственности и поземельной вопрос в Туркестанском крае. – СПб., 1876. – С. 33.
5. Шукурова Л. Туркистонда Чоризм ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ер-солиқ системаси тарихидан / Научные работы и собщение. Кн. №1. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1960. – С. 62.
6. Аминов О. Экономические развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959. – С. 31.

7. Кастельская З.Д. Из исттории Туркестанского край (1865-1917). –М.; Наука, 1980. – С. 39.
8. Шукурова Л. Туркистонда Чоризм ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ер-солиқ системаси тарихидан / Научные работы и собщение. Кн. №1. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1960. – С.65.
9. Болтабоев С. Туркистондаги вақф мулклари тарихи. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган, Наманган нашриёти, 2005. – 10 б.
10. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 24 б.
11. Тўхтабеков К.А. Чор Россияси мустамлакачилиги шароитида Туркистонда ер эгалиги ва унинг ўрганилиши тарихи / Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2008. – 155 б.
12. Жумаев У.Х. Россия империясининг Туркистондаги солиқ сиёсатининг шаклланиши: асосий босқичлари ва тараққиёти: Тарих фан. номз. ... дисс. ... автореф. – Тошкент, ЎзМУ, 2011. – 18 б.
13. Проект всеподданнейшего отчета генерал-губернатора К.П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 – 25 марта 1881 гг. – СПб., 1885. – С. 247.
14. Ўша манба. – С. 257.
15. Туркисон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом. 1-бўлим, 2-боб, 266-банд. http://www.hrono.ru/dokum/turkestan1892.html.
16. ЎзМА И-23-фонд, 1-рўйхат, 458а-йиғмажилд, 45-варақ.
17. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 13271-йиғмажилд, 21-22-варақлар.
18. Набиев Р.Н. Вакфное хозяйство Кокандского ханства. – Ташкент, 2010. – С. 10.
19. Султонов Ў.А. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислоҳотлар ва муаммолар (XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида): Тарих фан. бўй. фан. докт. (DSc) дисс... – Тошкент, 2016. – 221 б.
20. Абдураҳимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002. – 91 б.
21. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 25 б.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УДК: 621.22(575.1)

*Шоира ХАКИМОВА,*
*Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти*
*E-mail: Shoirasagdullayevna87@mail.ru*

*Ташқи тақризчи: Н.Д.Джураева – Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети доценти, тарих фанлари номзоди*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНЕРГИЯ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация
Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар баробарида, барча соҳаларда бўлгани каби энергетика соҳасида ҳам тизимли ишлар жадал олиб борилмоқда. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг электрлаштириш тарихи, айрим электр станцияларнинг фаолияти, элекрлаштиришни ривожлантиришга оид олиб борилаётган тизимли ишлар, “Ўзбекэнерго” давлат акционерлик компанияси, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилиши ҳақида қисқача маълумот берилган.
**Калит сўзлар:** электр, энеретика, энерготизим, гедроэнергия, гидроэнергетика, станция, фотоэлектр, буғ-газ, Бўзсув, “Ўзбекэнерго”, Толлимаржон.

## РАЗВИТИЕ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация
Наряду с проводимыми в последние годы в нашей стране масштабными реформами, как и по всем направлениям, планомерно ведется работа в сфере энергетики. В статье представлена краткая информация об истории электрификации Республики Узбекистан, деятельности некоторых электростанций, планомерной работе по развитию электрификации, создании государственного акционерного общества “Узбекэнерго”, акционерного общества “Узбекгидроэнерго”.
**Ключевые слова:** электричество, энергия, энергосистема, гидроэнергетика, гидроэнергетика, станция, фотоэлектрическая, пар и газ, Бозув, Узбекэнерго, Толлимарджон.

## DEVELOPMENT OF ENERGY INDUSTRY IN UZBEKISTAN

Abstract
Along with the large-scale reforms being carried out in our country in recent years, systemic work is being carried out in the energy sector, as in all other areas. The article provides brief information about the history of electrification of the Republic of Uzbekistan, the activities of some power plants, systematic work on the development of electrification, the establishment of the state joint-stock company “Uzbekenergo”, joint-stock company “Uzbekhydroenergo”.
**Key words:** electricity, energy, power system, hydropower, hydropower, station, photovoltaic, steam and gas, Bozsuv, Uzbekenergo, Tollimarjon.

**Кириш.** Мамлакатимизда энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, энергетика тизимида замон талабига мос бошқарув усулларини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Илм-фан тараққиёти жадаллашган бугунги кунда, халқ хўжалигида энергетика тармоғи ва унинг кўлами бутунлай янгича мазмун ва моҳият касб этмоқда. Ўзбекистон бу борада амалий тажрибага эга давлатлардан биридир.

Ўзбекистон энергетикаси халқ хўжалигининг асосий соҳаси бўлиб, республикада иқтисодий ва техника тараққиётининг мустаҳкам пойдеворидир.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Ушбу мақолани ёзишда тарихий методлар ҳисобланган тарихийлик, ҳаққонийлик, аниқлик,

тарихий манбаларга асосланиш, тизимлилик, қиёсий таҳлил каби тамойиллар асосида ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистонда электр саноатига бўлган эътибор, электрлаштиришнинг бугунги кундаги ҳолати, уларнинг таснифи ва узига хос хусусиятлари ёритиб ўтилган.

**Тахлил ва натижалар (Analysis and results).** Электрлаштиришнинг Ўзбекистондаги ривожи собиқ Иттифоқ энергетикасининг ривожланиш тарихи билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида энергетиканинг равнақи Тошкент шаҳри яқинида жойлашган Бўзсув ГЭС и қурилишидан бошланган. Қуввати 2 минг кВт бўлган бу станция 1926 йилнинг май ойида ишга туширилган [2, – Б. 3.]. Бир вақтнинг ўзида Бўзсув ГЭС ини Тошкент трамвайини электр энергияси билан таъминловчи дизел электр станцияси билан боғловчи, узунлиги 34 км ли 39 та трансформатор пункти бўлган 6 кВ ли кабел тармоғи қурилган эди. Шу тариқа Ўзбекистон энергетика тизимини яратишга асос солинган.

Чирчиқ-Бўзсув трактида электр станцияларининг қурилиши тез суръатлар билан давом эттирилиб, 1926 йилдан 1940 йилга қадар мазкур йўналишда 67 минг кВт қувват ишга туширилди. 1940 йилда Ўзбекистондаги электр станцияларининг ўрнатилган қуввати 170,5 минг кВт га тенг бўлиб, электр энергиясини ишлаб чиқариш 482 млн кВт соат га етди. Шундан 200 млн. кВт соат гидравлик электр станцияларида ишлаб чиқарилди.

1940 йилда республикамизда электр энергиясини ишлаб чиқариш жон бошига 72,5 кВт соат ни ташкил қилган бўлса, ўтган асрнинг 90-йилларига келиб кўрсаткич 220 кВт соат дан ортиб кетди. 1950–1980 йилларда кўплаб иссиқлик электр станциялари барпо этилди ҳамда Ўзбекистон энергетикасининг умумий куввати 11,5 млн квт га етказилди.

Истиқлол йилларида энергетика мустақиллигига эришишга мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим омили сифатида жиддий эътибор қаратила бошланди ва бу натижага 1995 йил эришилди[1, – Б. 17.]. Соҳа ходимлари олдига ишлаб чиқаришга юқори самарали ҳамда замонавий технологияларни татбиқ этиш орқали электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва тақсимлаш харажатларини камайтириш, истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш бўйича кўплаб вазифалар қўйилди. Шундан келиб чиқиб, тармоқда кенг кўламли модернизациялаш, техник ҳамда технологик янгилаш, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳа ва дастурлар амалга оширила бошланди.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан истиқлол йилларида иқтисодиётимиз энергетика тармоғининг жадал суръатлар билан ривожлантирилиши кейинги йилларга келиб ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, Ўзбекистон энергия манбалари билан нафақат ўзини ўзи таъминлайдиган, балки экспорт қиладиган давлатга айланди. Агар ўтган шу қисқа давр ичида юртимизда электр энергияси истеъмолчиларининг сони 2,5 миллионга, иқтисодиёт тармоқларининг истеъмоли эса 445,6 млн кВт. соатга ўсганлигини инобатга оладиган бўлсак, қўлга киритилаётган ютуқлар нечоғли залворли эканлиги яққолроқ намоён бўлади[6, – Б. 2.].

Дарҳақиқат, биринчи Президентимиз томонидан соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, янги объектлар қурилгани, мавжудлари реконструксия ва модернизация қилингани туфайли электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 млрд кВт. соатга, электр тармоқларининг умумий узунлиги эса 38,2 минг км га кўпайди[6, – Б. 2.].

2000 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон ҳукумати томонидан "2001–2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида қувват яратилишини ривожлантириш ва қайта қуриш дастури" қабул қилинди [3, – Б. 70.].

Бу дастурни амалга ошириш учун инвесторлар маблағи жалб қилинди. Дастур қабул қилингандан буён ЕРТБ кредити ҳисобига Сирдарё ИЕС нинг иккита энергоблоки қайта қурилди. "Тошкент ИЕС ни янгилаш" бўйича ишлар Япония ҳукуматининг узоқ муддатли имтиёзли кредити ҳисобига олиб борилди. 2005 йилда Толлимаржон ИЕС нинг 800 МВт қувватли битта энергоблоки ишга туширилди. 500 кВ ли Суғдиёна подстанция 1002 МВт ли трансформаторлари билан ишга тушди.

Ўзбекистон электроэнергетикаси 2001 йилдан ўз ичига кўмир саноати корхоналарини олган ҳолда, "Ўзбекэнерго" давлат акционерлик компанияси тизимида очиқ турдаги акционерлик жамияти бўлиб фаолият юритди.

Компания таркибида 53 та корхона ва ташкилот киради, шулардан 39 та очиқ акционерлик жамияти, 11 та унитар корхона, 2 та маъсулияти чекланган жамиятдан иборат[8, –Б. 3. ]. Компания аҳоли ва халқ хўжалигини марказлашган электр таъминотини амалга оширади.

2005 йилда компания электростанциялари томонидан 46,2 млрд кВт соат электроэнергия ишлаб чиқарилган. Истеъмолчиларга 9,9 млн Гкал электр энергияси етказиб берилди, 16,9 млн долларга электр энергияси экспорт қилинди.

Ўзбекистоннинг 42 та электростанцияларининг ўрнатилган қуввати 12,3 млн кВт дан ошади, бу эса Ўрта Осиё бирлашган энерготизими ишлаб чиқараётган қувватининг тахминан 50% ни ташкил этади[3, – Б. 66.].

Кейинги йилларда ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган лойиҳалар кўлами йил сайин кенгайтириб борилди. Жумладан, 2015 йилда "Толлимаржон", "Тошкент", "Тахиатош" ва "Навоий" иссиқлик электр станцияларида буғ-газ қурилмалари қурилиши билан бирга Тўрақўрғон туманида умумий қуввати 900 МВтга тенг бўлган иккита буғ-газ қурилмали электр станцияси бунёд этилди. Шу билан бирга, катта маблағ ва меҳнат эвазига ҳосил қилинган электр қувватларини тежаш, унинг муқобил манбаларидан кенгроқ фойдаланиш бўйича кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилиниб борилди. Хусусан, биргина "Жиззах" махсус индустриал зонасида қуёш энергияси ёрдамида сув иситиш қурилмалари, тежамкор лампалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар фаолияти йўлга қўйилди[6, – Б. 1.]. Бу эса ўз навбатида тежамкор технологияларнинг республика миқёсида оммалашишига ўзининг муносиб ҳассасини қўшди.

Мамлакатимиз биринчи Президентининг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2013 йилнинг ноябр ойида эса Тошкентда Осиё қуёш энергияси форумининг ўтказилгани[7, – Б. 2.] ва ушбу анжуманда Республикамиз биринчи Президенти иштирок этиб, нутқ сўзлагани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, табиий бойликларимизни тежашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Энергетика тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили бўлди. Буни жойларда олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, Тўрақўрғон туманининг Шоҳидон қишлоғи ҳудудидаги 76 гектар майдонда барпо қилинган "Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси" [9, – Б. 57.] ана шундай йирик лойиҳалардан биридир. Мазкур иншаот орқали Фарғона водийси вилоятларида электр таъминотини яхшилаш кўзда тутилган. Станция учун зарур жиҳозлар Япония томонидан етказиб берилган. Умумий қиймати 1 млрд 195,9 млн АҚШ долларилик ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида 2017 йилга бориб – қуввати 450 мегаватт бўлган энг замонавий буғ-газ турбинаси ишга туширилган. 2019 йилда эса унинг иккинчи блоки фойдаланишга топширилган[5, – Б. 3.].

Маълумотларга кўра, 2016 йилда Фарғона водийси вилоятларининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи 1700 мегаватт соатга тенг бўлган. Аҳоли сони ва ишлаб чиқариш тармоқлари кўпайиши билан 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1900 мегаватт соатга етиши кутилмоқда. "Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси"да ҳосил қилинадиган қувватлар бу эҳтиёжни тўла қондиради. Яна бир муҳим жиҳати, энг илғор технологиялар шарофати билан йилига 726,9 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинади[5, – Б. 3.].

Бундан ташқари, Наманган вилоятида электр энергиясидан самарали фойдаланиш, истеъмолчиларнинг талабларини қондириш борасида бошқа қатор тадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда. Вилоят аҳли ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, 2001 йилда бу кўрсаткич 7 млн кВт соатни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, 10 млн кВт соатдан ошган. Шунга мувофиқ, мавжуд подстанциялар ва узатиш тармоқларини соз ҳолатда сақлаш, қўшимча кучланиш ҳамда узатиш воситаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, кейинги пайтларда Наманган шаҳрида, Норин туманининг Ҳаққулобод шаҳарчаси, Уйчи туманининг Жийдакапа қишлоғида юқори қувватга эга қўшимча подстанциялар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари,

вилоятда 450 МВт қувватга эга иккита буғ-газ қурилмали янги Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини бунёд қилиш лойиҳаси ижросига киришилди. Бу эса ҳудудда 500 кВт магистрал электр тармоқларини ривожлантиради, қолаверса, Фарғона водийси истеъмолчиларининг энергия таъминотини сезиларли даражада оширади[4, – Б. 2.].

Шунингдек, 2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган тураржой мавзеларининг ташқи электр таъминоти учун 19,3 км узунликда узатиш тармоқлари, 21 мажмуада трансформаторлар ишга туширилди. Бинобарин, Наманган шаҳридаги бир қатор маҳаллаларда "ГЭС-11А" подстанциясининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди. Поп туманининг Чодак қишлоғида узатиш тармоқлари реконструксия қилинди[5, – Б. 1.]. Амалга оширилган тадбирлар аҳолини электр энергияси билан таъминлаш тадбирларининг самарали бўлишини таъминламоқда.

Шу билан бирга, Наманган вилоятининг саноат салоҳияти ва инфратузилмасини кескин ривожлантириш бўйича 2016–2019 йилларга мўлжалланган махсус дастур қабул қилинди. Ҳудуд тараққиёти, аҳоли фаровонлигини янада оширишга йўналтирилган ушбу ҳужжатда энергетика тизимини ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор лойиҳалар ҳам кўзда тутилган бўлиб, уларнинг ижроси соҳадаги ислоҳотлар кўламини янада кенгайтиради. Наманган шаҳридаги "Электрқишлоқ қурилиш" илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг қувватларини ошириш, вилоятдаги қатор электр тақсимлаш тармоқларини модернизациялаш, "Ангрен-Поп" темир йўли қурилишини электрлаштириш, кўплаб саноат корхоналарида мавжуд подстанцияларни алмаштириш, янгиларини қуриш сингари вазифалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Поп туманида 2015 йилда барпо этилган, соатига 130 киловатт ток ишлаб чиқарувчи фотоэлектр станциясида олиб борилган синов-тажриба ишлари ўзини оқлади. Мутахассислар бу ерда ўрнатилган қуёш панелларини ҳудудларга жойлаштириш бўйича ўз хулосаларини бердилар. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги дастурга 100 МВт қувватли фотоэлектр станциясини бунёд этиш лойиҳаси ҳам киритилди. Мазкур иншоот қурилишига 210 млн АҚШ долларилик инвестиция йўналтириш режалаштирилди. Ушбу объект битказилиши билан вилоят кунлик энергия истеъмолининг тўртдан бир қисмини қайта тикланадиган манбалар ҳисобига қоплаш имконияти юзага келади[5, – Б. 1.].

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрининг 4-сонли иссиқлик марказида ҳам инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилди. Унинг доирасида мазкур объект 27 МВт қувватга эга 4 та газ-турбина қурилмаси билан қайта жиҳозлангач, электр ҳамда иссиқлик энергияси биргаликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Яна бир муҳим жиҳати, табиий газдан фойдаланиш самарадорлиги икки баробар ошириладиı.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида" ПФ-5044-сонли Фармони ва "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2972-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 июндаги "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 407-сонли қарори ижросига мувофиқ мамлакатимизнинг сув-энергетика ресурсларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш, гидроэнергетикани ривожлантиришга изчил равишда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва шу асосда корхоналар ва аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилишини таъминлаш мақсадида илгари "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти таркибига кирган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўзсувэнерго" бирлашмасига қарашли бўлган барча гидроэлектростанцияларни бирлаштирувчи "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти ташкил этилди[10, ].

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ таркибида 4 та акциядорлик жамияти, 15 та унитар корхона ҳамда 3та маъсулияти чекланган жамиятлар мавжуд.

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ мамлакатимизда гидроэнергетика салоҳиятини янада ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, гидроэнергетика салоҳиятини комплекс ўзлаштириш асосида гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида республикадаги ягона ташкилот ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).** Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, элекртлаштириш халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш, ҳозирги замон тараққиётини амалга ошириш учун етакчи омил ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимизда электрга бўлган талаб кундан кунга ошмоқда ва бу талабларни қондириш мақсадида мамлакатимизда электрлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Аллаев К.Р. Электроэнергетика Узбекистана и мира. – Тошкент: "Fan va texnologiya", 2009. 461 б.
2. Алимбоев А.У., Алимов Х.О., Аҳмедов К.Х. Иссиқлик электр станциялари. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. 161 б.
3. Жалилов. Р.Б. Йўналишга кириш. – Бухоро: БухМТИ, 2016. 216 б.
4. Исақулов Д. Энергетика мустақиллиги иқтисодиётни жадал тараққий топтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш гаровидир / "Халқ сўзи газетаси". 2016 йил 18 август.
5. Нажмиддинов Қ. Энергетика тизими истиқболлари / "Халқ сўзи" газетаси. 2016 йил 7 апрель.
6. Раҳмонов С. Энергия тизимида янгича ёндашув / "Халқ сўзи" газетаси. 2015 йил 22 август.
7. Содиқов Д. Муқобил энергия истиқболлари / "Халқ сўзи" газетаси. 2014 йил 24 декабрь.
8. Таслимов А.Д., Расулов А.Н., Усманов Э.Г., Рафиқова Г.Р. Электр таъминоти. – Тошкент: "Илм-зиё", 2016. 174 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қурилиши" лойиҳасини амалга оширишда биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами". 2014 йил. №46. 550-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., №21, 378-модда.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

**УЎК: 9 (575.1)**

***Ахмаджон ХОЛИКУЛОВ,***
*Ўзбекистон Миллий университети доценти, т.ф.н.*
*E-mail: kholikulov@mail.ru*

*Ташқи тақризчи: Р.Э.Холиқова – ТДТУ профессори, тарих фанлари доктори*

## XIX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО – АФҒОН СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Аннотация
Ушбу мақолада XIX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Афғонистон ўртасидаги сиёсий муносабатлар тарихи маҳаллий манбалар, рус, европа, ҳинд ва америкалик сайёҳлар, ҳарбийлар, амалдорлар томонидан ёзилган хотиралар, ҳисоботлар ва илмий адабиётлар маълумотлари асосида ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада мазкур даврдаги Афғонистондаги сиёсий вазият ва Ост-Индия компанияси қўшинларининг Афғонистонга юриши масалаларига ҳам ҳам тўхталиб ўтилган.
**Калит сузлар:** Бухоро, Афғонистон, амирлик, сиёсий муносабатлар, дурронийлар, Кобул, Балх, инглизлар, Ост-Индия, Ҳиндистон, Эрон, Россия.

## БУХАРСКО-АФГАНСКИЕ ВЗАИМООТНОШЕНИЯ В НАЧАЛЕ XIX ВЕКА

Аннотация
В статье, на основе местных источников, воспоминания русских, европейских, индийских и американских путешественников, а также отчётов военных и чиновников и, научной литературы раскрыты политические взаимоотношения Бухарского эмирата с Афганистном в начале XIX века. Также, в статье охарактеризована политическая обстановка в Афганистане в рассматриваемый период и военное вторжение войск Ост-Индской компании в Афганистан.
**Ключевые слова:** Бухара, Афганистан, эмират, политические взаимоотношения, дурраниды, Кабул, Балх, англичане, Ост-Индия, Индия, Иран, Россия.

## BUKHARA -AFGHAN RELATIONS AT THE BEGINNING OF THE XIX CENTURY

Abstract
The article, based on local sources, memories of Russian, European, Indian and American travelers, as well as reports of military and officials and, scientific literature disclosed the political relations of the Bukhara Emirates with Afghanistan at the beginning of the XIX century. Also, the article describes the political situation in Afghanistan during the period under review and the military invasion of the troops of the East India company to Afghanistan.
**Key words:** Bukhara, Afghanistan, emirate, political relations, durranids, Kabul, Balkh, British, East Indies, India, Iran, Russia.

**Кириш.** Бухоро амирлигининг Ғарб ва Шарқ халқлари билан ўзаро муносабатлари тарихида XIX аср алоҳида ўринни эгаллайди. Бу даврда ушбу ҳудудлар ўртасида ўзининг қадимий тарихий анъаналарига эга бўлган савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар анча кенгайган ва мустаҳкамланган. Бу алоқалар савдо карвонларининг келиб кетишида, сиёсат ва маданият арбобларининг ўзаро ташрифларида ўзининг аниқ ифодасини топган.

XIX асрда Бухоро амирлиги кўплаб Шарқ давлатлари, жумладан Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистон билан савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни амалга оширган. Шу даврга оид манбалар, амирларнинг ёзишмалари, сайёҳларнинг эсдаликлари, элчилик ҳужжатлари, статистик тўпламлар, ва илмий адабиётлар амирликнинг ташқи сиёсий муносабатлари ҳақида маълумотлар беради. Бугунги кунда тарих фанида Бухоро амирлигининг чет давлатлар билан, хусусан Афғонистон билан муносабатлари масалалари бир қадар ўрганилганига қарамай, олиб борилган тадқиқотлар бутун даврни тулиқ қамраб ололмаган.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Мақолани ёритишда Бухоро – Афғонистон ўртасидаги муносабатларга оид маҳаллий манбалар, рус, европа, ҳинд ва америкалик сайёҳлар, ҳарбийлар, амалдорлар томонидан ёзилган хотиралар, ҳисоботлар ва илмий адабиётлар маълумотлари муҳим ўрин тутади. Хусусан, маҳаллий муаллифлардан Муҳаммадҳакимхон афғон амири Дўстмуҳаммад билан бевосита учрашиб, унинг бошидан ўтганларини ёзиб олади. Хорижий сайёҳлар, ҳарбийлардан J. Harlan (1842), John William Kaye (1857), К. Риттер (1867), Риштия Сеид Касем (1958), Mohan Lal (1846), А. Борнс (1848) ва бошқаларнинг асарлари, шунингдек рус ҳарбийларидан Г.А. Арандаренко (1889), Подполковник Дмитрев (1896) ларнинг ҳисоботлари ҳам мавзуни ўрганишда манба бўлиб хизмат қилади. В.М.Массон, В.А. Ромодин (1965), Н.А. Халфин (1959) ва бошқа муаллифлар ўз тадқиқотларида Бухоро амирлигининг Афғонистон билан муносабатлари тарихининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтганлар.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мақолани ёзишда тарихийлик, илмийлик, холислик, тарихий маълумотларни тизимлаштириш ва умумлаштириш, тарихий-қиёсий таҳлил, мантиқий кетма-кетлик сингари тамойилларга асосланиб, Бухоро амирлигининг XIX асрнинг 60-йилларигача бўган даврдаги Афғонистон билан муносабатлари тарихи ёритиб ўтилган.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** 1747 йили Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг вафот этиши билан, унинг волийси Дурроний уруғидан бўлган Аҳмадхон (1747-1778) шимолда Чорвилоят, ғарбда Машҳад ва Астробод, жанубда Панжоб вилоятларини бирлаштириб, мустақил

Афғонистон ҳукмдорига айланади. Унинг амирлиги йилларида Афғонистон ҳудуди ўзгармайди. Отасининг ўрнига 1778 йили тахтга ўтирган Темуршоҳ ташқи ва ички душман билан курашишга мажбур бўлади. Шимолдан Бухоро амири Шоҳмурод Балхни қайтариб олиш учун ҳужум қилган бўлса, Темуршоҳ мамлакат ичкарисида ҳам худди шундай маҳаллий ҳукмдорлар билан хавфли жанглар олиб боришга мажбур бўлади [1].

XVIII асрнинг охирларига келиб, Аҳмадшоҳ Дурронийнинг ҳукмронлик йилларига таққослаганда ташқи сиёсий вазият сезиларли даражада ўзгарган эди. Дурронийлар давлатининг қўшнилари анча кучайиб, Панжобда сикх қабилалар афғонлар учун Шимолий Ҳиндистоннинг ички қисмига кириб боришда тобора жиддий тўсиқ бўлиб бораётган эди. Дурронийлар сулоласи вакили Темуршоҳнинг катта саъйи ҳаракатлари билан Хуросоннинг бир қисмини вассалликда сақлаб қола олди. Амударёнинг чап қирғоғидаги ерлардан ажралиб бўлганди. 1790 йилда Темуршоҳ ибн Аҳмадшоҳ Кобулдан Мовароуннаҳрга юриш уюштириш мақсадида бир неча масофаларни босиб ўтиб, Ақчага келиб тушади. Бундан Амир Шоҳмурод хабар топиб, Бухоро қўшини билан Жайҳун дарёсидан кечиб ўтада ва Балх яқинига келиб қўшинни жойлаштиради. Икки ўртадаги элчилар алмашинуви натижасида сулҳ тузилиб, чегара белгиланиб олинади [2]. Аслида Амир Шоҳмурод ва Дурронийлар давлати ўртасидаги тинчлик шартномасига кўра, чегара яна Амударё дарёси қилиб белгиланади [3].

1793 йили Темуршоҳ вафот этгач, кучли баракзай қабиласининг аралашуви билан тахтга амирнинг кичик ўғли Замоншоҳ ўтиради. Ўзининг йўлбошчилари таъсирида бу ёш амир Ҳиндистонни босиб олишни орзу қилиб, Панжобга ҳужум қилади. Аммо, инглизларнинг ҳийла-найранглари таъсирида Эронга юриш қилиб, муваффақиятсизликка учрайди ва тахтдан айрилиб, кўзига мил тортилади. Тахтга эса унинг азалий рақиби – катта акаси Маҳмудшоҳ ўтиради. Маҳмудшоҳ бир йил мамлакатни бошқариб, укаси Замоншоҳнинг ҳомийлари ёрдамида тахтга ўтирган Шужоъшоҳ Дурронийнинг таъқибларидан қочиб, Бухородан паноҳ топишга мажбур бўлади. Қобилиятсиз ва суст амир ўз ҳукмронлигининг биринчи кунлариданоқ Ҳиндистондаги инглиз сиёсатининг воситасига айланиб улгуради. Инглизларнинг Дурронийлар ҳукмронлигининг дахлсизлигини таъминлаш борасида шартномада кўрсатилган бундай ҳомийлиги Шужоъшоҳ Дурронийни ички низолардан қутқариб қола олмади ва 1809 йили укаси Маҳмудхон томонидан мамлакатдан ҳайдаб чиқарилади [4].

Собиқ амир Маҳмудхоннинг Бухородан қайтиши ички тартибсизликларни тўхтата олмайди. Қарийиб йигирма йил мамлакат қабила ва уруғлар ўртасида парчаланиб, қабила бошлиқларининг устунлик учун ўзаро курашлари 1828 йили Кобул тахтига баракзайлар сулоласидан бўлган Дўстмуҳаммадхон ўтиргунча давом этади. Афғонистонда давом этган ушбу қарийиб қирқ йиллик ички тартибсизликлар даврида унинг Туркистон деб аталган шимолий ҳудуди ўзларининг уруғ беклари томонидан мустақил бошқарилиб, Бухоро ва Эронга (Маймана) улпон ўрнига турли хил совғалар ва тортиқлар бериб туриш эвазига вассаллигини тан олиб, жангчилар билан таъминланган. Амир Насрулло учун шу пайтларда бутун Чор вилоятни Бухорога қўшиб олиш муаммо эмас эди. Аммо бутунлай ўзаро урушлар натижасида вайрон бўлган бу вилоятлар Бухоро ҳукуматини қизиқтирмас эди ва шунинг учун бухороликлар Амударёнинг чап қирғоғи – Чоржўйдан Калифгача бўлган ҳудудни бошқариш билан чекланадилар [5].

Инглиз сайёҳи ва жосуси А.Бернс XIX асрнинг 30 - йилларида Британия ҳукуматининг махсус топшириғи билан Бухорога жунатилади. У Бухорода афғонларнинг савдо билан шуғулланишини, ҳатто уларнинг баъзилари Бухоро орқали Россия билан ҳам савдо қилганлигини қайд этади [6].

Дўстмуҳаммад Кобулнинг мустақил ҳукмдорига айлангач, бутун Афғонистонни бирлаштириш учун курашни бошлаб юборади. 1834 йили “Амир ал-мўминин” унвонини олиб [7], Ранжит Синҳга қарши муқаддас уруш – “жиҳод” эълон қилади. Шужо ул-Мулк устидан қилган ғалабаси уни мамлакатда машҳур қилиб юборади ва уламалар томонидан “амир ал-мумин” унвони берилади. Амир Дўстмуҳаммаднинг синҳларга қарши катта куч тўплашига қарамасдан, уруш ҳал қилувчи жанггача етиб бормасдан унинг муваффақиятсизлиги билан тугайди. Ранжит Синх Султон Муҳаммад ва унинг укаларини ўз томонига оғдириб олади [8].

Афғонистон қўшинида ушбу тартибсизликни келтириб чқаришда афғон қўшини қароргоҳига Ранжит Синх томонидан элчи қилиб юборилган америкалик Харлан муҳим рол ўйнайди [9].

Инглизларнинг Ост-Индия компанияси қўшинлари 1838 йилнинг охирларида Афғонистонга қараб юришни бошлайдилар. 1839 йил апрел ойининг ўрталарида “Ҳинд қўшини” озиқ-овқат ва ем-ҳашак етишмаслигидан бир неча минг бош от-уловларини йўқотган ҳолда Қандаҳорга отланади. Бироқ босқинчилар афғонларнинг бирорта ҳам қаршилигига учрамайдилар. Ушбу юришда инглизлар Афғонистондаги ўзаро ўруғлараро урушдан фойдаланиб, уларни сотиб олишдан пулни аямадилар. Макнотен ҳали Белужистондалигидаёқ пулни “ўнгга ва чапга” сочишни бошлаган эди [10].

1839 йилнинг 7 августида инглиз қўшини пойтахтга жангсиз кириб келади. Дўстмуҳаммад эса, таъқибдан қочишга муваффақ бўлиб, Хулмга етиб келади ва Хулм ҳукмдори Муҳаммад Аминбекнинг ҳузуридан паноҳ топади. У ердан туриб Бухоро амири ва Эрон шоҳи билан музокараларни бошлайди. Амир Насрулло Дўстмуҳаммадга чопар жўнатиб, Бухорога таклиф қилади ва уни бошпана билан таъминлашни ваъда қилади. Дўстмуҳаммад ўғилларининг қаршилигига қарамасдан, ёрдам олиш умидида Амир Насруллонинг таклифини қабул қилади. У Хулмда хотинлари ва ёш болаларини қолдириб, Муҳаммад Афзалхон, Муҳаммад Акбархон ва бошқа ўғиллари, қариндошлари, жиянлари, шунингдек ўзига яқин амалдорлар, хизматчилар ва ҳарбийлар жами икки мингга яқин киши билан Бухорога йўл олади [11].

Аммо, Дўстмуҳаммад Бухорога келиб ўзининг умидларига алданиб қолганини сезади. Амир Насрулло уларни пойтахтга кириб келаверишда ҳурмат билан кутиб олиш учун сургун қилинган афғон аскарини жўнатади. Бухоро аркида бўлиб ўтган расмий қабул маросимидан Дўстмуҳаммад Бухоро амиридан ҳеч қандай яхшилик кутиши керакмаслигини тушуниб етади. Амир Насрулло олий тоифали меҳмонни кутиб олишда шу давр анъаналарига зид равишда, ҳатто қўл бериб кўришганда ўрнидан ҳам турмайди. Кейинчалик, Дўстмуҳаммад қўқонлик тарихчи Муҳаммад Ҳакимхон билан бўлган суҳбатда, ўшандаёқ Бухоро амирининг ваъдаларига ишонмай қўйганини айтади [12].

Дўстмуҳаммад Бухорода назорат остига олиниб, худди асирлардек ҳолатга тушиб қолади. У энди нафақат бухоро амиридан ёрдам олишни, балки бу ердан зиёнзаҳматсиз чиқиб кетишни ўйлай бошлайди. Шунинг учун Амир Насруллонинг Хулмдан Бухорога оиласини олиб келиш ҳақидаги таклифига рад жавобини беради.

Дўстмуҳаммад бундан ҳам ёмони юз беришидан яъни уни Бухоро амири шоҳ Шужоъшоҳ Дурронийга топшириб юборишидан қўрқишига асоси бор эди. Бироқ, Амир Насрулло бу ишни қилишга журъат қилмайди ёки бунга вақт топа олмайди (бу ерда афтидан Россиянинг Эрондаги элчисининг илтимосига биноан Форс шоҳининг аралашуви муҳим ўрин тутган) [13].

Дўстмуҳаммаднинг ҳикояларига асосланган тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Амир Насрулло унинг ўғилари ва яқинларига Бухородан Эронга бориш учун рухсат бериб, уни йўлда яширинча ўлдириш учун буйруқ беради. “Сирод ат-таворих”да ёзилишича, Бухоро амири Дўстмуҳаммад ва унинг яқинларини амирлик чегарасигача кузатиб қўйиш учун етти мингта отлиқ ва пиёда аскар ажратиб, “Жайҳун дарёсидан ўтаётган вақтда амир ва унинг ўғиллари ўтирган қайиққа қандай йўл билан бўлмасин зарар етказиш” тўғрисида махфий буйруқ берган эди. Муҳаммад Ҳакимхон ўз асарида Дўстмуҳаммаднинг бу хавфдан қандай халос бўлганлиги ҳақида батафсил баён этилган [14].

Дўстмуҳаммад ўзининг ўғиллари, яқинлари ва мулозимлари билан Амударёдан ўтишни рад қилиб, йўлда қишнинг қаттиқ совуқларига бардош бериб, ортга Бухорога қайтади. Унинг яна Бухорога келганини эшитган Амир Насрулла эртаси куни чопар жўнатиб, Дўстмуҳаммадга унинг қўли остидаги аскарларни (мулозимлар) ўзлари хоҳлаган жойларига тарқатиб юбориши кераклигини маълум қилади. Дўстмуҳаммад ўзининг мингта аскарини тарқатиб юборишга мажбур бўлади ва ўғиллари билан қаттиқ назорат остида яшашга мажбур бўлади. Орадан бироз вақт ўтиб, Муҳаммад Афзалхон, Муҳаммад Акбархон ва яна бир қанча ўғиллари, қариндошлари Дўстмуҳаммад билан маслаҳатлашмасдан Бухородан ўз ватанларига қочмоқчи бўлишади. Уларга афғон мулозимларининг кичик бир бўлинмаси ҳам қўшилади. Қочоқлар пойтахтдан хавф-хатарларсиз чиқиб кетиб, бир кунда Қаршига етиб боришади. Қарши беги уларни Амир Насруллонинг рухсатисиз Шаҳрисабзга ўтказмаслигини айтиб ортга қайтишни буюради. Улар буйруққа бўйсунмай қаршилик кўрсатишади ҳамда Қарши ва Чироқчи бекларининг қўшини томонидан қўлга олинади. Бу ҳақдаги хабар Амир Насруллога етиб боргач, қочоқларни ортга қайтариш тўғрисида буйруқ беради [15].

Бироз вақт ўтгач, Амир Насрулло Дўстмуҳаммаднинг кичик ёшдаги ўғилларида Хулмга оналарини кўриб келиш учун рухсат берилади. Бироқ, Дўстмуҳаммаднинг ўзи ва унинг вояга етган ўғиллари – Муҳаммад Акбархон ва бошқалар номаълум вақтга Бухорода ушлаб турилди. У қочишга қарор қилади ва айёрлиги туфайли битта ҳамроҳ ва битта мулозими билан Бухородан чиқишга муваффақ бўлади. Сўнгра, аввалдан тайёрлаб қўйилган отларга миниб, пойтахтдан анча узоқлашади [16]. Дўстмуҳаммаднинг қочганини эшитиб, Амир Насрулло зудлик билан орқасидан қувиб етиш учун одам юборади.

Бироқ, кўп маротаба ҳаётини хавф остига қўйиб, тиланчи кийимида ҳеч ким танимаган ҳолда шу пайтда Бухородан мустақил бўлган Шаҳрисабзгача етиб келишга муваффақ бўлади. У ерга келиб жойлашган ўзбекларнинг кенагас уруғи амирлари билан савдо-сотиқ олиб борувчи йирик кобуллик савдогар Кабирхоннинг олдидан бошпана топади [17]. Кабирхон маҳаллий бекка афғон амирининг келганини хабар беради. Дўстмуҳаммад дастлаб Китобда Дониёл Оталиқ томонидан, сўнгра, шаҳзода Султон Маҳмудхон томонидан унинг Чорбоғ қўрғонида ҳурмат билан кутиб олинади ва бошидан ўтказган машаққатлари ва қийинчиликларидан дам олиш учун 16 кун Китоб беклигида қолади. Дўстмуҳаммад бу ерда тарихчи Муҳаммад Ҳакимхон билан учрашади ва бошидан ўтганларини гапириб беради [18].

Дўстмуҳаммад Шаҳрисабз бегидан 700 отлиқ қўшин олиб Афғонистонга йўлга чиқади. Амударёдан ўтиб, Каттағон чегарасига етгач Шаҳрисабз қўшинини ортга қайтариб юборади [19]. Афғонистонга қайтган амир тўғри Хулмга боради. Хулм ҳукмдори Дўстмуҳаммад илиқ кутиб олиб, унга инглизларга қарши курашда қўшин ташкиллаштириб беради. 1840 йилнинг ёзида Дўстмуҳаммаднинг мамлакатган қайтгани ва унинг қўшин тўплаётганилиги ҳақидаги таҳликали хабар Кобулга инглизларга етиб келади [20].

Мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйлаб инглизларга қарши қўзғалонлар авж олади. 1840 йилнинг 2 ноябрида бўлиб ўтган Парвона жангида афғонларнинг қўли баланд келишига қарамасдан Дўстмуҳаммад 3 ноябр куни ингилизларга таслим бўлади. 1838-1842 йиллардаги инглиз-афғон урушини чуқур ўрганган рус шаркшунос-тарихчиси В.В. Григоьев, ишончли манбалар асосида хулоса чиқариб, унинг таслим бўлиш қарорига келишига сабаб “жуда кўп, аввaломбор унинг боши душман томонидан қадрланар эди” дейди [21]. Н.А. Халфин эса, Дўстмуҳаммаднинг таслим бўлишга ундаган нарса “урушнинг истиқболига бўлган ишончининг йўқолиши” деб ҳисоблаб, амир ўзини асирликка топширишига қарамасдан “Парвона жанги халқ озодлик ҳаракатларида катта роль ўйнаган эди” деб қайд этади [22]. Дўстмуҳаммаднинг ҳибсга олиниб, Ҳиндистонга жўнатилиши инглиз – афғон урушининг баттар авж олишиган олиб келади. 1841 йилнинг баҳори ва ёзида мамлакатда фуқаролар уруши аланга олади. Жалолобод, Зурмат, Гилзай ва Гиришк ҳаракат аъзолари томонидан қўлга олинади [23].

1841 йилнинг 2 ноябрида Кобулда қатта қўзғалон кўтарилиб, халқ кечаси Кобулдаги инглиз қароргоҳини ўраб олади. Аёллар кийимини кийиб қочмоқчи бўлган А.Борнс тутиб олиб ўлдирилади [24].

Ноябрь ойида Бухородан Кобулга Акбархон ва Муҳаммад Султонлар етиб келишади. Афғонистонда инглизларга қарши бошланган халқ ҳаракатида иштирок этиш учун Акбархон Амир Насруллонинг пири орқали ватанига қайтишга рухсат олади. Тез орада Акбархон афғон халқининг озодлик ҳаракати раҳбарлари ичида биринчи ўринга кўтарилади. У ўзидан қўрқмас, сотиб олинмас, нафақат жанг майдонида душман билан мардонавор курашадиган, балки душманнинг ҳийла-найранглари ва фитналарини олдиндан сезиб, пучга чиқарадиган раҳбар сифатида ном қолдиради. Акбархон Кобулга келиши биланоқ навоб Муҳаммад Земанхон раҳбарликни унга топширади [25].

Икки ўртадаги тўқнашувлар 1842 йилнинг октябригача давом этиб, гоҳ у томон, гоҳ бу томон вакиллири ғалаба қозонишади. Ва ниҳоят, инглиз сиёсатчилари Афғонистонни ўз ҳокимияти остида ушлаб туриш мумкин эмаслигини тушуниб етишади. Тинимсиз давом этган халқ ҳаракатлари мамлакатни тўлиқ тарк этишига мажбур қилади [26].

1843 йилнинг бошларида Англия ҳукмрон доиралари Дўстмуҳамаднинг ватанига қайтишга рухсат беради. Тез орада Дўстмуҳаммад яна амир бўлиб, шу тарзда 1838-1842 йиллардаги уруш якунига етади. Кейинчалик, Дўстмуҳаммаднинг шимолдаги Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган, авваллари амирликка бўйсунган ҳудудлардаги босқинчилик сиёсати Бухоро амири билан зиддиятларга олиб келади [28].

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).** Бухоро амирлигининг Афғонистон билан муносабатларига оид тарихий, илмий адабиётлар натижаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва қиёслаш асосида қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

Бухоро амирлигининг шарқ мамлакатлари билан муносабатларини ёритувчи бирламчи манба ва адабиётлардаги маълумотларни ўрганиш, амирликнинг Афғонистон билан сиёсий алоқалари ўзаро манфаатдорлик асосида мунтазам суръатда олиб борилганлигидан далолат беради. Афғонистон тахти даъвогарлари, асосан, Бухоро амирлигидан сиёсий кўним топганлар.

Амирликнинг ташқи савдо алоқаларида карвон йўллари ўз тижорат аҳамиятини сақлаб қолган бўлиб, афғон савдогарларининг баъзилари ҳатто Бухоро орқали Россия билан ҳам савдо қилганлар. Шунингдек ўз навбатида инглиз товарлари Афғонистон орқали Бухорога кириб келган.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане 1874-1889. – СПб.: тип. М.М. Стасюлевича, 1889. – С. 486.
2. Муҳаммадҳакимхон. Мунтахабут-таворих / Ш.Воҳидов. Қўқон хонлиги тарихи (хонлик тарихи – манбаларда). – Т., 2014. – Б. 407.
3. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Том II. Афганистан в новое время. – М.: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1965. – С. 142-143.
4. Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане 1874-1889. ... – 486-487.
5. Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане 1874-1889. ... – 487-488.
6. Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч. I. – М., 1848. – С. 448.
7. Подполковник Дмитрев. Эмир Абдуррахман. // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб.: Военная типография, 1896. – Вып. LXIV. – С. 31.
8. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Том II. Афганистан в новое время. ... – С. 168-171.
9. Harlan J. A memoir of India and Afghanistaun. With Observations on the Present Exciting and Critical State and Future Prospects of Those Countries. Philadelphia: J. Dobson, 1842. – P. 124-125.
10. Kaye John William History of the War in Afghanistan: – Vol. 1 – London: R. Bentley, 1857. – P. 429, 435.
11. Муҳаммадҳакимхон. Мунтахабут-таворих. – Б. 448.
12. Муҳаммадҳакимхон. Мунтахабут-таворих. – Б. 448.
13. Риттер К. Землеведение К. Риттера. География стран Азии, находящихся в непосредственных сношениях с Россией. / Пер. В. В. Григорьев. – СПб. : Тип. В. Безобразова, 1867. – Т. 1. Кабулистан и Кафиристан. – XIV. – С 901.
14. Муҳаммадҳакимхон. Мунтахабут-таворих. – Б. 448, Сирод ат-таворих 152
15. Муҳаммадҳакимхон. Мунтахабут-таворих. – Б. 449-450.
16. Муҳаммадҳакимхон. Мунтахабут-таворих. – Б. 451, Сирод ат-таворих 157.
17. Муҳаммадҳакимхон. Мунтахабут-таворих. – Б. 452.
18. Муҳаммадҳакимхон. Мунтахабут-таворих. – Б. 453-454.
19. Сирод ат-таворих 157.
20. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Том II. Афганистан в новое время. ... – С. 201.
21. Риттер К. Землеведение К. Риттера. ... / Пер. В. В. Григорьев. ... – С. 903
22. Халфин Н.А. Провал британской агрессии в Афганистане (XIX – начало XX века). – М.: Издательство социально-экономической литературы, 1959. – С. 47.
23. Kaye John William History Of The War In Afghanistan. – London: Richard Bentley, 1851. –Vol. II. – P. pp. 102-134, 144-145, 150.
24. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Том II. Афганистан в новое время. ... – С. 209.
25. Риштия Сеид Касем Афганистан в XIX веке. / Перевод с персидского Л.Н. Дорофеевой; редакция и предисловие Ю. В. Ганковского. – М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1958. – С. 191-192.
26. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Том II. Афганистан в новое время. ... – С. 217.
27. Mohan Lal Life of the Amir Dost Mohammed Khan of Kabul: with his Political Proceedings towards the English, Russian, and Persian Governments, including the Victory and Disasters of the British Army in Afghanistan. – London: Longman, Brown, Green, and Longmans, 1846. – 489.
28. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Том II. Афганистан в новое время. ... – С. 218, 223-224.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]
ISSN 2181-7324

TARIX
http://science.nuu.uz/uzmu.php
Social sciences

УЎК: 327

*Азизбек ХОЛЛИЕВ,*
*Ўзбекистон Миллий университети доценти, тарих фанлари номзоди*
*E-mail: azizbekholliev@gmail.com*

*ТДПУ доценти,т.ф.н. Ф. Исматуллаев тақризи асосида*

## XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШИДА РОССИЯ САНОАТИ ВА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР

Аннотация

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср боши Россия иқтисодий тарихидаги муҳим даврдир. Айнан шу даврда мамлакатнинг турли саноат тармоқларининг изчил ривожланиши содир бўлди. Нефть саноати, металлургия, энергетика, электротехника, кимё саноати каби тармоқларнинг ривожланиши бевосита хорижий сармояларни жалб қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ эди. Ушбу мақолада аниқ тарихий фактлар ва статистик маълумотларга асосланиб, хорижий сармояларнинг Россия саноатига кириб боришининг асосий босқичлари, йўналишлари ва тенденциялари ҳамда уларнинг умумий иқтисодий ривожланишга таъсири кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** саноат, иқтисодиёт, Россия, хорижий сармоялар, компаниялар, фирмалар, ривожланиш, нефть саноати, металлургия, энергетика, электротехника, кимё саноати

## ПРОМЫШЛЕННОСТЬ РОССИИ И ЗАРУБЕЖНЫЙ КАПИТАЛ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Аннотация

Вторая половина XIX – начало XX века является важным периодом в экономической истории России. Именно в это время происходит поступательное развитие различных отраслей промышленности страны. Прогресс таких отраслей, как нефтяная промышленность, металлургия, энергетика, электротехника, химическая промышленность и др. был непосредственно связаны с привлечением зарубежного капитала и их рационального использования. В данной статье на основе конкретных исторических фактов и статистических данных рассматриваются основные этапы, направления и тенденции проникновения зарубежного капитала в российскую промышленность, а также их влияние на общее экономическое развитие.

**Ключевые слова:** промышленность, экономика, Россия, зарубежный капитал, компании, фирмы, развитие, нефтяная промышленность, металлургия, энергетика, электротехника, химическая промышленность

## THE INDUSTRY OF RUSSIA AND THE FOREIGN CAPITAL IN SECOND HALF OF XIX - BEGINNING OF XXTH CENTURY

Abstract

Second half of XIX –beginning of XX century is the important period in economic history of Russia. The forward development of various industries of the country was at that particular time. Progress of such branches as a petroleum industry, metallurgy, power, electrical engineer, chemical industry etc. has been directly connected with attraction of the foreign capital and their rational use. The basic stages, directions and tendencies of penetration of the foreign capital in the Russian industry and also their influence on the common economic development are considered on the basis of concrete historic facts and statistical data in given article.

**Key words:** industry, economy, Russia, foreign capital, companies, firms, development, petroleum industry, metallurgy, power, electrical engineer, chemical industry

**Кириш.** XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Россияда саноатлашиш жараёни жадал рўй берди. Ушбу даврда индустриал ривожланиш саноатга машиналар техникасининг тадбиқ этилиши ва саноат инқилобининг темир йўл тармоғи асосларини яратиш билан қўшилиб кетиши туфайли амалга оширилди. Янги қорхоналарнинг қурилиши маблағларга нисбатан катта эҳтиёжни келтириб чиқардики, у сезиларли даражада чет эл сармоялари эвазига қопланди. Хорижий сармоялар, ишлаб чиқариш чет эл тажрибасидан фойдаланиш Россиянинг иқтисодий ўсишига муҳим омил сифатида хизмат қилди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Жаҳонда салмоқли таъсирга эга давлатларнинг ушбу масала бўйича тўплаган тарихий тажрибасини тадқиқ қилиш керакли илмий ва амалий хулосалар чиқариш имконини беради. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Россияда саноат рижоланиши билан боғлиқ жараёнларни хорижий сармояларнинг эгаллаган ўрни масаласининг таҳлилисиз ёритиб бўлмайди.

Албатта, масаланинг атрофлича тадқиқ қилишда айнан кўриб чиқилаётган даврнинг тарихий шароитларида нашр қилинган асарлани биринчи галда эътироф этиш лозим. Жумладан, В.Ф. Брандт, Л. Воронов, А.Н. Зак, В.С.Зив, П.М. Мигулин каби тадқиқотчилар Россия иқтисодиётига хорижий сармояларнинг кириб келиши ва уларнинг мамлакат ривожланишига таъсирини таҳлил қилган [1].

Совет даврида ҳам ушбу мавзу тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмаган. Рус саноатининг турли тармоғларида хорижий сармояларнинг эгаллаган ўрни Н.Г.Абрамова., И. Вавилин, М.Я. Гефтер, Л.Е. Шепелев, А.Г. Донгаров, И.А. Дьяконова, В.С. Дякин, П.В. Оль, А.А. Фурсенко, Л.Я. Эвентов, ва бошқ. муаллифлар томонидан ўрганилган [2]. Ушбу асрларда кўплаб фактологик ва статистик маълумотлар келтирилган. Аммо, қатор

ҳолатларда жараёнларга баҳо беришда мафкуравий ёндашувнинг таъсирини ҳам сезиш мумкин.

XX асрнинг охирги ўн йиллигидан бошлаб ҳозирги кунгача чоп этилган тадқиқотларда масалани атрофлича ва иложи борича холис ўрганишга ҳаракат қилинган. Бундай тадқиқотлар қаторига С. Афонцев, В.И. Бовыкин, М.А. Винокуров, Н.И. Гурушина, Н.П. Ионычев, И.В.Поткина ва бошқаларнинг изланишларини киритиш мумкин [3].

**Тадқиқот методологияси.** Иқтисодиётининг, биринчи галда саноатининг, жўшқин ривожланиши шароитида дунёнинг кўплаб давлатлари Россия билан интенсив иқтисодий муносабатларга эга бўлишга интилди. Саноатлашишнинг амалга оширилиши сармояларнинг ишлаб чиқариш соҳаларига оқиб келишини талаб қилди.

Жойларда ўзининг корхоналарини очган саноат компаниялари XX асрнинг 80-йиллар охирига қадар Россияга киритиладиган хорижий сармояларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлди. Улар баъзида корхоналари фаолиятига банкларни жалб этишга эришган.

Таҳлил ва натижалар. Россияда саноатнинг ривожланиши жаҳонда, айниқса Европада рўй берган жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари турли мамлакатларда бир-биридан фарқ қиларди. Россияда саноат ишлаб чиқаришининг суръатлари Европа давлатлари орасида анчагина тез бўлган ва сезиларли кўрсаткичларни намоён қилган.

Россиянинг саноатлашиши Европадаги жараённинг таркибий қисми бўлиб, унга инглизлар, французлар, немислар, данияликлар, голландияликлар, итальянлар нафақат ўзларининг тажрибасини ва янги технологияларни, балки сармояларини ҳам олиб кирдилар.

1893 йилдан 1900 йилгача Россия иқтисодиётига киритилган чет эл сармоялари 4,6 карра кўпайди. Иқтисодиётга киритилган ялпи капитал маблағлардаги чет эл сармояларнинг улуши 27 %дан – 45 %гача ошди [4]. Чет эл сармоялари асосан Россия иқтисодиётининг етакчи тармоғларида мужассам бўлди.

Иқтисодиётнинг муайян тармоғларидаги ҳиссадорлик сармояларда хорижликларга тегишли қисми қуйидагича бўлди: тоғ-кон саноати ва металлургияда – 53%, кимё саноатида – 40%-дан ортиқ, электр саноатида – 75%, шаҳарли ободонлаштириш соҳасида ва банкларда – 40%-дан ортиқ.

Россияга киритилган чет эл сармоялари ўзларининг ҳажми, ташкилий шакллари ва қўлланиш соҳалари бўйича бир-биридан фарқ қиларди.

Шуни таъкидлаш лозимки, хорижий сармоялар рус саноатига бирданига тез суръатларда оқиб келмади. Жумладан, 1856-1887 йиллар мобайнида мамлакатда 15 хорижий компания (Биринчи жаҳон уруши бошланишига қадар сақланиб қолганлардан) ўз фаолиятини бошлади. Уларнинг жамланган асосий сармояси 71,7 млн. рублни ташкил қилган [5].

Россия саноатига бевосита хорижий сармояларнинг оқиб келишига мамлакат молияларининг тартибга солинмаганлиги тўсқинлик қиларди.

Узоқ вақт давомида мавжуд бўлган жуда паст бож тарифи мамлакатга хорижий сармояларни кириб келишини рағбатлантирмасди. Бундай шароитда Европа сармояси Россия бозорларини тайёр маҳсулот билан тўлдиришга интиларди.

1881-1891 йилларда Россия бож тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатга олиб кириладиган тайёр маҳсулотларга нисбатан қўлланиладиган бож тўловлари кескин оширилди. Рус ҳукумати саноатни ривожлантириш соҳасида протекционистик сиёсатни амалга оширишни бошлади.

Ҳукуматнинг хорижий сармояларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш бўйича сиёсатининг самараси XIX асрнинг охири – XX аср бошида сезила бошлади. Саноат ва темир йўллар қурилишининг улкан режалари, олтин валютанинг жорий этилиши билан якунланган молиявий ислоҳот тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг Россияга кириб келиши учун охирги тўсиқларни олиб ташлади. Айнан шу пайтга Россия иқтисодиётига хорижий сармояларнинг энг катта оқими тўғри келади.

Рус ҳукумати илгари ҳам олтинга конвертация қилинадиган барқарор валютани жорий қилишга уринганди. Олтин стандарт киритилишига қадар (1885-1897 йй.) хорижий сармояларнинг йиллик оқими ўртача 43 млн. рубльни ташкил этганди; олтин стандарт даврида эса (1897-1913 йй.) унинг кўрсаткичлари 191 млн. рубльгача етди, яни деярли 4,4 маротаба ошди [6].

1896 йил бошида олтин захира миқдори 659, 5 млн. рубльга тенг деб баҳоланарди, шундан айирбошлаш жамғармасида 75 млн. рубль мавжуд эдики, бу эса олтинга алмашиш операцияларини бошлаш учун етарли даража деб ҳисобланарди [7].

Россияда хорижий сармоялар, биринчи галда, оғир саноатга кириб боришга интилди. Саноатга киритилган барча хорижий сармояларнинг 70% тоғ-кон ва металлга ишлов бериш тармоғларига тўғри келди. Бундан ташқари, Германия электротехника ва кимё саноатига йирик маблағларни сармоя қилди. В.С. Зив ҳисоб-китобларига кўра, 1917 йилгача рус саноатига жалб этилган хорижий сармояларнинг умумий ҳажми 1436 млн. рубльни ташкил этган бўлса, шулардан тоғ-кон саноатига - 775 млн. рубль, металлга ишлов бериш ва машинасозликка – 354 млн. рубль, кимё саноатига – 80 млн. рубль, тўқимачиликка – 126 млн. рубль ва озиқ-овқат саноатига - 36 млн. рубль киритилди [8].

Россия иқтисодиётининг асосий тармоғларидан бири бўлмиш металлургия саноатининг яратилишида хорижий сармояларнинг аҳамияти улкан эди. Хорижий сармоялар негизида мамлакат жанубида йирик металлургия мажмуаси яратидики, Россияда эритиладиган чўян ва пўлатнинг 60% ортиғи ушбу минтақага тўғри келди.

XIX аср 80-йиллар охиридан бошлаб Жанубий тоғ-кон саноат минтақасига хорижий сармояларнинг оқими кучайди. 1887 йилда Жануби-Рус Днепр металлургия жамияти таъсис қилинди. Унинг асосий таъсисчилари Бельгиянинг йирик саноат-молия фирмаси “Кокериль” ва Варшава пўлат эритиш заводи жамияти бўлди. Прага шаҳридаги Варшава жамиятига тегишли завод Днепр металлургия жамиятига сотилди. Ушбу завод барча ускуналари билан Россия Жанубига олиб ўтилди ва тубдан реконструкция қилинди. Завод 1889 йилда Екатеринославдан 30 чақиримда (1 чақирим = 1,06 км) жойлашган Каменское қишлоғида очилди. 1895 йилда 5 минг ишчисига эга Днепр заводи 17,5 млн. пуд (1 пуд = 16,3 кг) чўян, темир ва пўлат ишлаб чиқарди, ва бу Уралда Демидовга тегишли Қуйи-Тагил заводидан 8 маротаба кўпроқ эди [9].

1891 йилда француз сармоялари бошчилигида Донецк темир ва пўлат ишлаб чиқариш жамиятига асос солинди. Дастлаб асосий сармояси 1,5 млн. рубльни ташкил этган бўлса, кейинчалик у 1895 йилга келиб икки карра ошди. Ушбу жамият томонидан қурилган Дружковка металлургия заводи 1897 йилда 3,7 млн. пуд чўян, 4,2 млн. пуд рельс ишлаб чиқарди [10].

Кўриб чикилаётган даврда энг илғор тармоғлар деб ҳисобланган энергетика, электротехника ва кимё саноатида

хорижий сармоялар янада кўпроқ роль ўйнаганди. Айниса Германия сармоялари сезиларли аҳамиятга эга эди.

1855 йилда Германиянинг “Сименс-Гальске” фирмаси Петербургда ўз бўлимини очди. Ушбу бўлим асосан Германиядан келтирилган тайёр аппаратларни йиғиш билан шуғулланарди.1886 йилда эса Сименс фирмаси Россияда электр соҳасидаги биринчи ҳиссадорлик корхонасини – Петербургдаги одатда “1886 йил жамияти” деб номланадиган “Электр ёруғи жамиятини” таъсис қилди. 80-йилларнинг ўрталарида Европанинг бошқа фирмалари ҳам Россияга кириб кела бошлади. 1884 йилда Москвада Б.А. Цейтшель фирмаси барпо этилдики, у бошидан “Шуккерт” фирмасининг вакили эди, 1892 йилда эса АЭГ компанияси ҳам Россияда ўз ваколатхонасига эга бўлди [11].

Германиянинг энг йирик фирмаларининг еттита филиали Россияда электротехника сохасида фаолият олиб борди. Қисқа муддатда Россияда электротехника маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Жаҳон бозорларида Германия кимё саноатининг устиворлиги Россияда ҳам ушбу соҳанинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. 1913 йилга келиб Германиянинг 14 кимё компанияси Россияда фаолият олиб борди. Кимёвий маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши Россияда немис фирмалари томонидан нисбатан эрта бошланди. 1874 йилда “Бадише анилин унд зодафабрик” (“БАЗФ”) Москвада ўзининг сотув идорасини очган бўлса, 1877 йилдаёқ Бутиркида фабрика ишлаб чиқаришини йўлга қўйди. Хёхст фирмаси 1878 йилда ализарин моддасини сақлаш омборини очди. “Акциенгезельшафт фюр анилинфабрикацион” (“АГФА”) фирмаси ҳам шундай омборларини Москва ва Ригада очди. “Фридрих Байер ва Ко” фирмаси Россияда ўз ваколатхонасига эга эди, 1883 йилдан эса ишлаб чиқаришни йўлга қўйди [12].

XIX асрнинг охирги ўн йилликларида Россияда нефть саноатининг тезкор ўсиши кўзга ташланди. Ушбу саноатнинг асосий маркази Баку атрофида тўпланганди. 70-йиллар охирида йирик нефть саноати фирмалари шаклланди. Энг йирик компаниялар қаторига Ака-ука Нобеллар ширкатини киритиш мумкин. 1900 йилда ушбу компания 86,4 млн пуд нефтни ишлаб чиқарди. 1879-1883 йиллар мобайнида “Ака-ука Нобеллар” ширкатида нефтни қазиб олиш кўрсаткичлари 4820 % га ўсди.[13] Ушбу фирма фаолиятининг дастлабки беш йиллигида ҳиссадорлик сармояси 5 маротаба кўпайди [14].

Россияда нефть бизнесининг даромадлари 1880-йилларда сезиларли ўсганлиги туфайли хорижий сармояларнинг ушбу соҳага кириб келиши жадаллашди. 1890-йиллардан бошлаб Россиянинг нефть тармоғида инглиз сармоясининг кўпайиши кўзга ташланади. Жумладан, Грозний атрофидаги янги конларни ишлашда инглиз сармояси иштирок этган. Инглизлар, асосан, кўплаб хонавайрон бўлган рус фирмаларини сотиб олиш билан шуғулланган. Нефть корхоналари акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш орқали Британия фирмалари Россия нефть саноатининг катта секторини ўз бошқарувига олган. 1900-йиллар бошида инглизлар Россияда 24 нефть соноати компанияларини назорат қилганди [15].

**Хулоса ва таклифлар.** Шу таъкидлаш керакки, Росссия иқтисодиётига, шу жумладан саноатига киритилган хорижий сармояларнинг аксарияти Европа давлатлари тегишли эди. Ушбу сармоялар нафақат оғир саноатида, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоғларида ҳам ўрин эгаллади, улар мамлакатнинг умумий ривожланишига, мавжуд бўлган ижтимоий-итисодий муаммоларнинг ҳал қилинишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

## АДАБИЁТЛАР


1. Брандт В.Ф. Иностранные капиталы. Их влияние на экономическое развитие страны. В 4 ч. -СПб., 1898-1901. -352с.; Воронов Л. Иностранные капиталы в России. - М., 1901. -96с.; Зак А.Н. Немцы и немецкие капиталы в русской промышленности. - СПб., 1914; Зив В.С. Иностранные капиталы в русской горнозаводской промышленности. -Пг., 1917. -132с.; Мигулин П.М. Иностранный капитал в России // Новый экономист, 1913, № 12. -С.16-24.
2. Абрамова Н.Г. Иностранные акционерные общества в России в 1905-1914 гг.// Вестник МГУ. Сер. История, 1980, №4. –С.77-92; Вавилин И. Иностранные капиталы в России. -М.,- Л.,: Гос. изд., 1925. -128 с.; Гефтер М.Я., Шепелев Л.Е. О проникновении английского капитала в нефтяную промышленность России (1898-1902 гг.)//Исторический архив. 1960. Т. 6. -С.76-102.; Донгаров А.Г. Иностранный капитал в России и СССР. –М.: «Международные отношения», 1990. –-68с.; Дьяконова И.А. Нобелевская корпорация в России. -М.: Мысль, 1980. -160с.; Дякин В.С. Из истории проникновения иностранных капиталов в электропромышленность России («Большой русский синдикат 1899 г.») // Монополии и иностранный капитал в России. -М.-Л., 1962. – С.208-239; Оль П.В. Иностранные капиталы в народном хозяйстве довоенной России. - Л., 1925. -35с.; Фурсенко А.А. Первый нефтяной синдикат.// Монополии и иностранный капитал в России. –М. ; Л., 1962. –С.4-58; Эвентов Л.Я. Иностранные капиталы в русской промышленности. -М.: Л.: Гос. соц. экон. изд-во, 1931. –103с.
3. Афонцев С. Иностранное предпринимательство в России: штрихи к историческому образу страны // Россия XXI. 1998. № 1-2. -С.70-92; Бовыкин В.И. Французское предпринимательство в России. –М.:РОССПЭН, 1997. -214с.; Винокуров М.А. Порабощал ли Россию иностранный капитал // Историко-экономический научный журнал. 1998. № 5. -С.51-54; Гурушина Н.И., Поткина И.В. Английские капиталы и частное предпринимательство в России // Иностранное предпринимательство и заграничные инвестиции в России. -М.: РОССПЭН, 1997. –С.54-120; Ионычев Н.П. Международные экономические отношения капиталистической России (1861–1914). – М.: МГУП, 2001. -311с.; Поткина И.В. Индустриальное развитие дореволюционной России. - М.: ИРИ, 1994. -231с.
4. Косторниченко В.Н. Иностранный капитал в нефтяной промышленности дореволюционной России: к разработке периодизации процесса // Экономическая история. Обозрение. / Под ред. Л.И.Бородкина. Вып. 10. -М., 2005. -С. 46
5. Донгаров А.Г. Иностранный капитал в России и СССР. –М.: «Международные отношения». 1990. -С.16
6. Пол Грегори. Экономический рост Российской империи (конец XIX - начало XX в.): Новые подсчеты и оценки /Пер. с англ. –М.: “РОССПЭН”, 2003. -С.41
7. Самохин Ю.М. Экономическая история России. –М: ГУ ВШЭ, 2001. С.131
8. Донгаров А.Г. Иностранный капитал в России и СССР. –М.: «Международные отношения». 1990. -С.21.
9. Соловьева А.М. Промышленная революция в России в XIX в. –М.: Наука, 1990. -С.217.
10. Брандт Б.Ф. Иностранные капиталы: Их влияние на экономическое развитие страны. –СПб., 1899. Ч.2. -С.56.
11. Монополии и иностранный капитал в России. / Отв. ред. Вяткин М.П. - М., -Л.: Изд.-во: АН СССР, 1962. -С. 210.

12. Иностранное предпринимательство и заграничные инвестиции в России: Очерки. – М.: РОССПЭН, 1997. -С.137.
13. Дьяконова И.А. Нобелевская корпорация в России. – М.: Мысль,1980. -С.62-64
14. Соловьева А.М. Промышленная революция в России в XIX в. –М.: Наука, 1990. -С.233.
15. Косторниченко В.Н. Иностранный капитал в нефтяной промышленности дореволюционной России: к разработке периодизации процесса // Экономическая история. Обозрение / Под ред. Л.И.Бородкина. Вып. 10. М., 2005. -С. 46.

**O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2021, [1/6/3]**
**ISSN 2181-7324**

**TARIX**
http://science.nuu.uz/uzmu.php
**Social sciences**

**УДК: 94 (575.1)**

***Равшан ХОМИТОВ,***
*Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*
*E-mail: ravshan_85@mail.ru*

*Тақризчи: тарих фанлари доктори, профессор Р.Ҳ.Муртазоева. Ташқи тақризчи: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори PhD Ф.Адилов*

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ КАМ СОНЛИ МИЛЛАТЛАР ДИАСПОРАСИ ТАРИХИГА ОИД

Аннотация

Марказий Осиё мамлакатларига кам сонли халқларнинг кўчиб келиши тарихи халқлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.Ушбу жараёнларни тадқиқ қилиш бугунда кенг тадқиқотлар олиб борилаётган диаспоралар тарихида алоҳида аҳамият касб этади. Шуни инобатга олиб Марказий Осиё мамлакатларининг марказий ва шимолий-ғарбида жойлашган Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида кам сонли миллатларнинг кўчиб келишига оид маълумотлар тақдим этилади.

**Калит сўзлар:** бағрикенглик, диаспора, демографик ҳолат, давлат сиёсати, кўпмиллатли, кам сонли, миграция, миллатлараро тотувлик, мурoса, халқлар дўстлиги, халқ дипломатияси, этносиёсат.

## РЕЧЬ ИДЕТ ОБ ИСТОРИИ ДИАСПОРЫ МЕНЬШИНСТВ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аннотация

История переселения небольшого числа народов в страны Средней Азии играет важную роль в жизни народов. Изучение этих процессов имеет особое значение в истории диаспор, где сегодня ведутся обширные исследования. В связи с этим приводятся данные о миграции этнических меньшинств в регионах Узбекистана и Казахстана, расположенных в центральной и северо-западной Центральной Азии.

**Ключевые слова:** толерантность, диаспора, демографическая ситуация, государственная политика, многонациональность, меньшинства, миграция, межнациональное согласие, примирение, дружба народов, народная дипломатия, этнополитика.

## IT IS ABOUT THE HISTORY OF THE MINORITY DIASPORA IN CENTRAL ASIA

Abstract

The history of the migration of a small number of peoples to the countries of Central Asia plays an important role in the lives of the peoples. The study of these processes is of particular importance in the history of diasporas, where extensive research is being conducted today. In this regard, data on the migration of ethnic minorities in the regions of Uzbekistan and Kazakhstan, located in central and northwestern Central Asia, are provided.

**Key words:** tolerance, diaspora, demographic situation, public policy, multinational, minority, migration, interethnic harmony, reconciliation, friendship of peoples, people's diplomacy, ethno-political.

**Кириш.** Ўтмишдан маълумки, Марказий Осиё давлатлари турфа халқ ва элатлар учун доимий қўним топган ҳудуд ҳисобланган. Албатта, бу каби ҳолатларнинг вужудга келишида, халқларнинг ўзаро савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнларга киришиши муҳим ўрин тутган.

Марказий Осиё халқларнинг тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлари бир-бирига яқин ҳисобланади. Хусусан, ер юзида ҳаёт бошлангандан бери одамлар бир жойдан иккинчи бир жойларга кўчиб ўтиш жараёнлари юз берган. Бунга ҳудудлардан бир хил тошдан ясалган меҳнат қуролларининг топилиши ҳам гувоҳлик беради. [1]

Марказий Осиё халқлари учун бронза даврида минтақаларнинг этник тарих учун муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда маҳаллий аҳолининг бошқа ҳудудлардан кириб келган қабилалар билан ўзаро алоқалари янада жадаллашган. Айнан шу жараёнлар ҳам этник шаклланиш ва этномаданий алоқаларни вужудга келтириб, цивилизациялар учун замин тайёрлаган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, тадқиқотлардан маълумки, Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтган этномаданий жараёнларни ўрганиб шундай хулосага келиш мумкинки, бу жараён қуйидаги тартиб бўйича содир бўлган. Яъни маҳаллий анъаналар – миграциялар – этномаданий аралашув – янгиланиш, янги анъаналар, этномаданий инновация каби қисмларга ажратиш мумкин [2].

**- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Ўзбекистоннинг кўп миллатлилик ҳолати, миллатлараро бағрикенглик, кам сонли халқларнинг диаспоралари каби масалалар билан жамиятшунос олимлар, хусусан, тарихчи, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, файласуф, социология соҳаларидаги тадқиқотчилар изланишлар олиб борган [3].

Уларда Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, баркамол авлод тарбиясида бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш, аҳолининг миллий таркибидаги демографик ўзгаришлар, миграция жараёнлари ҳамда шу каби масалалар бўйича муҳим тадқиқотлар қилинган.

Шунингдек, XXI асрда дунёнинг турфа миллатли манзараси ҳамда давлатлардаги турли халқларнинг диаспораларини ўрганадиган фанлардан бири – диаспорология фанига оид тадқиқотлар кўпайиб бормоқда [4]. Бунинг асосий сабаблардан бири глобаллашув жараёнлари жадаллашган дунёда кам сонли халқлар ҳам ўзининг миллий қадриятларини сақлаб қолишга бўлган уриниши

бўлса, иккинчи муҳим жиҳати халқаро муносабатлар тизимида давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий муносабатларнинг ишончлилигини таъминлаш, минтақаларда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда "халқ дипломатиси"нинг муҳим ўрин тутиб бораётганидир.

**- Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Тадқиқот жараёнида тарихий ва қиёсий таҳлил, муаммовий-хронологик, объективлик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашувлар асосида ёритилган. Ушбу тадқиқотни олиб боришда тарихнинг холислик тамойилларига асосланиб олиб борилди. Шунингдек, ижтимоий фикр натижаларида юзага келган маълумотларни илмий таҳлил қилиш орқали қиёсий методларга асосланиб баён қилинди.

**- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Марказий Осиё мамлакатларининг қадимги даври тарихи турли тарихий-маданий жараёнлар бўлиб ўтганлиги билан бир қаторда миграция фаолиятининг мавжудлиги, ассимиляция жараёнлари ва халқлар ўртасида узоқ вақт давом этган этномаданий алоқалар билан ҳам изоҳланади. Айнан шу жиҳатлар ҳам маҳаллий аҳолининг бағрикенглик руҳини шакллантирган бўлиши мумкин.

Марказий Осиёда энг кўп аҳоли ва ҳудудларга эга бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон мисолида кўп миллатлиликнинг шаклланиш жараёнлари тарихини кўриб чиқсак, қуйидагича маълумотларга гувоҳ бўламиз.

Маълумотлар, миллоддан аввалги II асрдан савдо йўллари орқали бошланиб, сиёсий томондан давлатларнинг қадимги юнон ва форслар, сўнгра туркларнинг жануби-ғарбга кўчиши, арабларнинг фатҳ юришлари асосан ҳарбийларнинг ўлкага кўчиб келишида муҳим рол ўйнаган.

Айниқса, кам сонли ҳалқларниг кўчирилиши XVIII асрнинг охирларидан бошлаб, Россия империяси амалдорларининг мустамлакачилик сиёсатида яққол кўринди. Уларнинг вориси бўлган собиқ совет иттифоқи даврида бу жараёнлар янада фаоллаштирилган. Натижада мамлакатларда кам сонли миллатлар сони ошиб борган.

Булар ҳақидаги етарли таҳлилий маълумотларни 1897, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларидаги маълумотлардан кўриш мумкин.

Бунда, 1897 йил биринчи аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатлари муҳимдир. Хусусан, ушбу ҳужжатларда қайд қилинганидек, ўша вақтда Ўзбекистон ҳудудида 70 та миллат ва элат вакиллари яшаган эди. 1926 йилда уларнинг сони 91 тани, 1959 йил аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларида 113 тани, 1979 йилда 123 тани, 1989 йилда эса 136 тани ташкил этган [5]. Яъни, агар миллатлар кесимида кўрадиган бўлсак, 1897 йил Туркистон ва Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ҳудудида ўзбеклар умумий аҳоли сонида 2352,4 минг кишидан 1515,5 минг кишини яъни 81,6 фоизни ташкил этган. Аҳолининг миқдорида иккинчи ўринда тожиклар 174,0 минг киши 6,7 фоизни ташкил этган. Қозоқлар 153,6 мингта бўлиб 2,5 фоизни ташкил этган, қирғизлар 80,6 мингта киши бўлиб 0,6 фоизни ташкил этган [6].

Маданий томонлама қаралганда халқларнинг илм-фанни ўрганишга бўлган муносабати ва ўзаро маданиятларини бойитиши, ислом дини таълимотининг миллий қадриятларга сингдирилиб, умумий диний қадриятларни шаклланишида яққол кўринди.

Халқларнинг ўтмиш тарихидан маълумки, ўзбек халқи доимо бошқа миллатларга кўп ҳолларда бағрикенглик муносабатда бўлган. Бу маълум сабаблар билан ўлкаларга кўчиб келган халқларнинг бу ҳудудларда доимий яшаб қолишига имконият яратган [7].

Агар ўрганишларни давом этсак, юқорида айтилгани каби 1926 йил аҳолини рўйхатга олишда Марказий Осиё давлатлари халқларининг умумий аҳоли таркибида кам сонли халқларнинг миқдори ошганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, шу йилларда Ўзбекистон аҳолиси рўйхатида янги халқлар швед 15 нафар, италян 25 нафар, голланд 6 нафар, инглиз 20 нафар, япон 3 нафар халқларнинг вакиллари пайдо бўлганини кўриш мумкин [8].

Масалан, масофа жиҳатидан узоқ бўлган болтиқбўйиликлар ҳам Ўзбекистон ҳудудига ўз диаспорасига эгадир. XIX асрнинг 60 – йилларида Россия империяси томонидан Ўрта Осиё халқлари мустамлакага айлантирилган бўлиб, шу даврларда болтиқбўйиликлар ҳам империя бошқаруви таркибида эди.

Хусусан, 1917 – 1989 йиллардаги болтиқбўйиликларнинг кўчириб келтирилиши, собиқ тоталитар тузумнинг бошқарув идоралари томонидан содир этилган. Айнан шу вақт оралиғида Ўзбекистон ҳудудига болтиқбўйиликларнинг кўчириб келтирилиш жараёни даврийлиги учта босқичларга бўлиб чиқиш мумкин. Жумладан, биринчи босқич 1918 – 1939 йилларни; иккинчи босқич 1941 – 1945 йилларни; учинчи босқич 1966 – 1989 йилларни ўз ичига олади.

Марказий Осиёнинг Қозоғистон республикаси ҳудудлари тарихнинг илк ўрта асрларида турклар, қорлуқлар, қипчоқлар давлатлари таркибида бўлиши халқларнинг уруғлари шаклланишига имконият яратиб берган [9].

Сўнгра ўрта асрларда мўғилларнинг бу ҳудудларни босиб олиши, кейинроқ Олтин Ўрданинг қарор топиши ҳам маҳаллий халқлар тақдирида муҳим ўрин тутган. Айниқса, 1312 йилларда Ўрда хонларининг ислом динини қабул қилиши, Марказий Осиё халқларининг умумий диний қадриятларининг қарор топишига замин тайёрлади.

Шунингдек, қозоқ жузлари халқларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этган [10]. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган хонликлар қозоқ халқларининг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётига таъсир қилди. Уларнинг демографик ҳолатларида ҳам ўзгаришлар қила бошлади [11].

XIX асрнинг бошларидан рус мустамлакачиларининг Қозоғистон ҳудудларини мустамлакага айлантира бошлаши, бу ҳудудларга ҳам европа давлатлари халқларининг кўчиб келиши кузатила бошланди. Улар асосан Россия империяси қўшини таркибида ва улар томонидан кўчириб келтирилган халқлар эди. Масалан, 1897 йил аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларида ёзилишича Қозоғистон ҳудудида 4 миллион 147 минг киши яшаган. Уларнинг 74-78 фоизи қозоқлар, 10-13 фоизи руслар, 1-2 фоизи украинлар, 7,2 фоизи бошқа миллат вакиллари бўлган [12].

1914-1918 йиллардаги биринчи жаҳон уруши йилларида халқларнинг Қозоғистон ҳудудларига кўчиб келишига сабаб бўлган. Бу вақтларда кейин яъни аграр ислоҳотлар кўчириш сиёсатида аҳамиятли бўлган. Яъни столпин аграр ислоҳоти натижасида Қозоғистон ҳудудига 360 минг киши кўчириб келтирилган бўлса, уларнинг асосини украинлар ташкил этган [13].

Натижада, Қозоғистонда 1926 йилги аҳоли рўйхати таркиби эса қуйидагича бўлган: қозоқлар 58,5 %, руслар – 20,6 %, украинлар 13,9%, ўзбеклар 2,1 %, татарлар 1,3 %, уйғурлар -1 %, немислар – 0,8% ва бошқа миллатлардан иборат бўлган [14].

**- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations).** Тарихнинг барча даврларида Марказий Осиёга ҳар турли томондан халқлар кўчиб келиш жараёнлари содир бўлган. Бунга минтақанинг жойлашган ўрни, иқлими, аҳолисининг миллий дунёқарашидаги бағрикенлиги сабаб бўлган. Шунингдек мустамлакачилик ҳаракталри, турли сабаб ва баҳоналар билан халқларни кўчириб келтириш ҳам кўп миллатлиликнинг шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Натижада кам сонли халқлар сони босқичма-босқич ошиб борган.

Умуман олганда ушбу жиҳатлар, яъни кам сонли миллатларга бўлган муносабатлари натижасида минтақада барқарорлик ва хавфсизлик тўла таъминланди. Сўнгра халқ дипломатияси асосида мустақил давлатларнинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин тута бошлади. Натижада, қисқа вақт ичида давлатларнинг халқаро ҳамжамиятидаги ўрни мутаҳкамланиб, хориж давлатлари билан ишончли савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ўрнатиб олиш имконияти пайдо бўлди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларида мамлакатлардаги халқларнинг диаспоралари ишонч кўприги вазифасини ўтамоқда. Ўзаро муносабатларни янада мустахкамламоқда. Бу жараёнлар эса ўз навбатида Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлигида муҳим ўрин тутмоқда.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Эшов.Б. Азалий ҳаракат қадимги миграция жараёнлари ҳақида айрим мулоҳазалар. Migrasiya mehnat va xavfsizlik. 1-сон. - Т., 2013. - Б.31.
2. Ўша жойда. – Б. 34.
3. Xidoyatov G. National question in the USSR. - Tashkent, 1991; Babajanova D.B Demographic processes in Uzbekistan and their features. - Tashkent, 2004; Ata-Mirzaev O., Gentshke V., Murtazaeva R. Multinational Uzbekistan: a historical and demographic aspect. - Tashkent, 1998; Maksakova L.P. Migration of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2000; Achildiev A. Interethnic relations in Uzbekistan. - Tashkent, 2000; Rahmonqulova A. On the socio-economic situation of the peoples forcibly relocated to Uzbekistan (1930-1950) // Social opinion - human rights. 2002. №1. - B.62–71 and others
4. Diaspora is a word derived from the Greek language, and some research on it:Cohen R. Global Diasporas An Introduction London. Armstrong O Mobilized and Proletarian Diaspors // The American Political Science Review-1976.,Vol. 70-2. – P. 393-403. Popov V. D. The phenomenon of ethnic Diasporas. - M: IS RAS, 2003; Murtazaeva R.Kh. Migration processes in Tashkent (on the example of the Russian diaspora in the years of independence) // "Russian diaspora in Uzbekistan: time, events, people" materials of the scientific conference. –Tashkent, 2009. - p. 33 - 44 and other studies
5. Ўзбекистон кўпмиллатли аҳил оила. – Т.: "Ўзбекистон", 2000., -Б.119.
6. Ата-Мирзаев. О., Гентшке.В., Муртазаева Р., Узбекистан многонациональный: историко – демографический аспект. – Т.: "Янги аср авлоди"., 2011. - С.221.
7. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Узбекистан многонациональный: историко – демографический аспект. – Т.: "Янги аср авлоди." 2011. - С.9-10.
8. Ўша манба: - С.222.
9. Абилхожин Ж.Б., Алексеенко А.Н., Баратова Г.С., Ерофеева И.В., Масанов Н.Э. История Казакстана: народы и культура. Учебное пособие. – Алматы: Дейк- Пресс, 2001. – С.74.
10. Кан Г.В. История Казахстана Учебник для вузов. – Алматы: Алматыкітап, 2013. - С.104.
11. Ўша жойда. - С.104
12. Якушева Ю.В. Динамика межэтнических отношений в Республике Казахстан (1991-2010 гг.) дисс. канд.истро.н. – С.161
13. Ўша жойда. – С. 162
14. Ассамблея народа Казакстана. Исторический очерк.... С.40